

# MURABBIY MAHORATI

2016-yil: 2-son

ILMIY-METODIK, OMMAVIY-MA'RIFIY  
JURNAL

Мастерство наставника  
Skill of the mentor

## МУАССИС:

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги  
Ўзбекистон Педагогика фанлари  
илмий-тадқиқот институти

**Бош муҳаррир:**  
Норбек ТАЙЛАКОВ

**Масъул котиб:**  
Асқарали СУЛАЙМОНОВ

**Техник муҳаррир**  
Ҳабибулло ҲАМДАМОВ

**Саҳифаловчи**  
Шоҳинур МИРЗАЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Рисбой ЖҰРАЕВ  
Узоқбой БЕГИМҚУЛОВ  
Муҳаммад ҚУРОНОВ  
Роҳатой САФАРОВА  
Собитхон ТУРҒУНОВ  
Шахноза ХАЛИЛОВА  
Мақсуд ЮЛДАШЕВ  
Муяссар ДИВАНОВА  
Жавлон ЯКУБОВ  
Маргарита ЦОЙ  
Комилжон КАРИМОВ  
Раҳматилла МУСУРМОНОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**  
Бахтиёр ДОНИЁРОВ  
Дилшод КЕНЖАЕВ  
Ислом ЗОКИРОВ  
Холбой ИБРАГИМОВ  
Сарвар МАҲМУДОВ  
Татлымурат АТАМУРАТОВ  
Муқаддас АБДУЛЛАЕВА  
Сафибулло АБДУЛЛАЕВ  
Иброҳим ИСМАТОВ  
Амрулло САФАРОВ  
Рўзимурод ЧОРИЕВ  
Азамат КУРАҲМЕДОВ  
Умарали ҚОДИРОВ  
Ғайрат ҚОДИРОВ



Журнал макети таҳририят матбаа бўлимида тайёрланди. Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Мақолада келтирилган маълумотларга муаллиф жавобгар.

Таҳририят манзили: 100027, Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 98-уй,  
Телефон: 71-140-02-25,  
Факс: 71-140-02-26,  
e-mail: mmmn2015@inbox.uz

Босмаҳонага 07.06.2016 йилда топширилди.  
Офсет усулида чоп этилди.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>  
Шартли босма тобоғи 6,4.  
Босма тобоғи 6. Адади 200

Журнал «RELIEBLE PRINT»  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 2-уй.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
2016 йил 3 июнда 0850-сонли  
гувоҳнома билан қайта рўйхатга олинган.

## МУНДАРИЖА

## ТАЪЛИМНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Одинахон ЖАМОЛДИНОВА. Тил билган дунё танийди.....	3
Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ. Жамшид ОРИПОВ. Ёшларни ахборот хуружлари ва маънавий таҳдидлардан ҳимоялашнинг долзарблиги .....	5
Шахноза ТАЙЛАКОВА. Таълим тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари7	

## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

N.ИМОМКУЛОВ, Q.ОСТОНОВ, O.ИМОМҚУЛОВА. Matematikani uzviy o'qitish jarayonida o'quvchilarda umumiy fikrlash faoliyati usullarini shakllantirish.....	9
Зарина ФАТТОЕВА. Инглиз тили дарсларида замонавий усуллар .....	12
Ж. КАЮМОВ, Т. Е. БҮРИЕВ. Пирамида ҳажмини исботига доир бир хусусий ҳол .....	14

## МЕТОДИКА

Гулором ЙЎЛДОШБЕКОВА. “Адабиёт” дарсларида Зулфия ҳаёти ва ижодини ўрганиш.....	16
Muyassar МАМАНБАҲЕВА. Xorijiy tilni o'rganishda grammatik mashqlarning ahamiyati.....	20

## ПЕДАГОГИКА

О.К.ҚУВОНДИҚОВ, М. А. ЭШМИРЗАЕВА. Шахсга йуналтирилган ёндашувнинг педагогик-психологик тамойиллари .....	24
G. XOLIQOVA, S. NASIROVA. Ta'lim-tarbiya jarayonida pedagogning muloqoti va madaniyati..	29
R.SAFAROVA. The opportunities of pupils' complex development on the basis of modernization the content of primary education.....	31

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Zulfiya URAZOVA. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini tayyorlashda modernizatsiyalashgan ta'limning asosiy yo'nalishlari.....	33
--	----

## ИНТЕРНЕТ ОЛАМИ

Тўйчибой ТОШБОЕВ, Гулбуви ЭШНАЗАРОВА, Маъмуржон УБАЙДУЛЛАЕВ. 2015 йилда физика соҳаси бўйича Нобель мукофоти совриндорлари.....	35
Эркин МУСУРМОНОВ. Хитой, Корея, Япония фалсафаларига асос бўлган ўзбек дўпписи нақшлари хусусида.....	38

## МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

Дилобар МУСАДЖАНОВА. Ўзбекистон ёшларига жаҳон стандартларига мос таълим жараёнининг барпо этилиши .....	40
--	----

## ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА

Muhabbat ERGASHOVA. Mening pedagogik tajribam .....	41
---	----

## КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ

Анвар ЖАМОЛОВ. Формирование профессиональной компетентности учеников медицинс-кого колледжа .....	45
---	----

## ТИЛ БИЛГАН ДУНЁ ТАНИЙДИ

Одинахон ЖАМОЛДИНОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
қонунчилик палатаси депутати

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилган таълимий ислохотларнинг таҳлили, хусусан, хорижий тилларни ўқитиш борасида амалга оширилаётган шиларнинг атрофлича таъсифи берилган. Шунингдек, ҳукумат миқёсида қабул қилинган қарор ва фармонлар асосида умумий ўрта таълим муассасаларини ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш борасидаги ишларнинг аниқ рақамларда акс этган татбиқига оид фикрлар баён этилган.

**Калит сузлар:** умумий ўрта таълим муассасалари, таълимий ислохотлар, хорижий тиллар, ўқитиш, дарслик-мажмуа, таълимнинг электрон ресурслари.

**Аннотация.** В статье анализируются образовательные реформы, проводимые в Узбекистане за последние годы, в частности, дается подробный анализ проводимых мероприятий по изучению иностранных языков. А также в конкретных цифрах излагаются мероприятия по обеспечению общеобразовательных учреждений учебно-методическими комплексами на основе соответствующих распоряжений и постановлений правительства.

**Ключевые слова:** общеобразовательные учреждения, образовательные реформы, иностранные языки, обучение, учебный комплекс, электронные ресурсы обучения.

**Annotation.** The article analyzes the educational reforms carried out in Uzbekistan in recent years, in particular, provides a detailed analysis of the activities for the study of foreign languages. As well as IN THESE specific figures are set out measures to ensure the educational institutions WITH educational complex on the basis of the relevant resolutions and decisions of the government.

**Keywords:** educational institutions, educational reforms, foreign languages, learning, training complex, electronic learning resources

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим соҳасини замон талаблари асосида ислоҳ этиш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ёшларни ҳар томонлама баркамол вояга етказишга йўналтирилган аниқ стратегия ҳаётга татбиқ этилди. Пировардида соҳа тубдан янгиланиб, ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этилди, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник ҳамда кадрлар базасига эга таълим-тарбия инфратузилмаси яратилди. Бунда, хусусан, 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ҳамда тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг “Ўзбек модели”нинг ажралмас таркибий қисми сифатида катта муваффақиятлар омили бўлди.

Бугун таълим тизимидаги ютуқларимизни бутун дунё яхши билади, тан олади, эътироф этади. Нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий экспертлар Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялли ички маҳсулотнинг 10–12 фоизини ташкил этаётгани дунёнинг энг илғор мамлакатларида бу кўрсаткич 3–5 фоиздан ошмаётган бир шароитда ҳавас қилишга арзигulik натижа эканлигини таъкидлаб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятлари, жорий этилган 12 йиллик мажбурий таълим самараларига мудом ўқори баҳо бериб келмоқдалар.

Айни пайтда дунё иқтисодиётида танглик ку-

чайган, бюджет харажатларини қисқартириш асосий муаммо бўлган шароитда ҳам мамлакатимизда таълим тизимидаги ислохотлар изчил давом эттирилиб, ёшларимизнинг билим олишлари учун энг ривожланган давлатлардагидан кам бўлмаган шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда. Биргина 2014 йилда Давлат бюджетининг 34 фоизи айнан фан ва таълимни ривожлантиришга ажратилгани юртимизда мазкур соҳа тараққиётига берилаётган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Бу борада парламентимиз томонидан соҳага оид қонунчилик ҳужжатларининг изчил такомиллаштириб бориш, уларнинг ижро механизмларини кучайтиришга ва ижроси юзасидан доимий назоратни амалга оширишга эътибор қаратиб келинаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари парламент палаталарининг қўшма мажлисида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг таъсирига эътибор қаратиш лозимлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтган эди. Айни пайтда бу борада қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг халқ таълими тизимидаги ижросининг ўрганилиши бунинг яққол мисолидир.

Албатта, қарорда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш

авлодни чет тилларга ўқитиш, шу билан бирга чет тилларида эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш, аввало бор, халқ таълими тизимида катта маъсулият юклайди. Бу борада тизимда ўтган вақт мобайнида муайян ишлар амалга оширилган. Аввало, умумтаълим мактабларида чет тилларини ўқитиш тизими тубдан ўзгарган. Хусусан, 2013–2014-ўқув йилидан бошлаб барча умумтаълим мактабларининг 1-синфларида бошлаб янги модель асосида, янги Давлат таълим стандартлари, янги ўқув қўлланмалари ҳамда дарслик мажмуалари ёрада чет тиллар ўқитила бошланди.

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, сўнги 3 йилда 5 370 729 нусха дарслик чоп этилиб, унга Давлат бюджетидан 10,3 млрд.сўм маблағ ажратилди. Шу билан бирга, 17 минг 222 та чет тили кабинетлари учун қўшимча адабиётлар, луғатлар ҳам давлат бюджети ҳисобидан етказиб берилди. Турли электрон ахборот-таълим ресурслари, видеодарслар, видеоқўлланмалар, интерактив ўйинлар каби 50 дан ортиқ ресурслар яратилди.

2013–2014-ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча умумтаълим мактабларининг 1-синфларида чет тиллари амалдаги 5–9-синфларда 3 соатдан ўқитилган. Узлуксиз таълим тизими учун инглиз, немис, француз тилларидан дарслик мажмуалари яратилиб, 1–2-синфлар учун дарслик, ўқитувчи китоби мактабларга етказиб берилди. Шунингдек, 2015 йилда умумтаълим мактабларининг 3-синфлари юқоридаги номда чет тили дарсликлари ҳам мажмуа шаклида яратилиб, республикадаги 120 та умумтаълим мактабларида 240 нафар ўқитувчи ва 2,5 минг ўқувчилар иштирокида тажриба-синовдан ўтказилган ва халқаро мутахассислар хулосалари асосида чоп этила бошланган.

Мазкур қарорнинг катта эътиборга молик жиҳатларидан бири – умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари чет тили дарслик мажмуалари билан тўлиқ бепул таъминланаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2013 йилда 1 087 344 нусха, 1,8 миллиард сўм, 2014 йилда 1 796 523 нусха, 3,7 миллиард сўм, 2015 йилда 5 370 729 нусха дарслик чоп этилиб, унга 10,3 миллиард сўм маблағ сарфланган ва чоп этилган китоблар мактабларга тўлиқ бепул етказиб берилган.

Вазирликнинг <http://uzedu.uz> расмий сайти ва <http://eduportal.uz> ахборот-таълим порталида “Хорижий тилларни ўрганамиз!” номли бўлим ташкил этилган бўлиб, унга тизимда яратилган чет тилларни ўрганишга мўлжалланган 100 га яқин электрон ахборот-таълим ресурслари, видеодарслар, турли қизиқарли таълимий ўйинлар ва бошқа таълим ресурслари жойлаштирилганлиги ушбу ресурслардан чет тилларини ўрганиш истиагида бўлган ихтиёрий фойдаланувчи интернет тармоғи орқали бепул юклаб олиш ёки тўғридан-тўғри On-line фойдаланиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши баробарида умумтаълим мактабларидаги чет тили хоналари моддий-техника базасининг ҳам яхшиланиб боришига эришилган. 2013–2014 йилларда умумтаълим мактабларининг 1–4-синф чет тиллари кабинетлари учун жами 6650 синф тўплами 16,3 миллиард сўмлик техник воситалар ва 17 222

синф тўплам ўқув кўргазмалари қурооллар ҳамда шунча миқдорда ДВД-плеер, магнитола харид қилинган. 5–9-синф чет тиллари кабинетлари учун жами 2 985 тўплам (2013 йилда 1485 синф тўплам, 2014 йилда 1500 синф тўплам) ёки 88,7 млрд сўмлик компьютер техникалари етказиб берилган.

Кадрлар таъминоти ва педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш йўналишида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 2013–2014-ўқув йили учун жами 47 та узоқ туман ва қишлоқ аҳоли пунктларида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослиги бўйича етишмайдиган кадрларни тайёрлаш учун олий таълим муассасаларига 260 нафар абитуриент, 2014–2015-ўқув йили учун эса 50 та чекка тумандан 200 нафар абитуриентга имтиёзли мақсадли қабул амалга оширилди. Қолаверса, 18 минг нафарга яқин ўқитувчиларнинг малакаси оширилди. Бу борада республикамиздаги етакчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Мактабгача таълим муассасалари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳам бу борада муайян ишлар олиб борилаяпти, тўғрақлар фаолият юритмоқда. Жумладан, бугунги кунда республикадаги мавжуд 4930 та мактабгача таълим муассасаларидан 3711 тасида инглиз тили тўғраги ташкил этилган. Уларга 95 784 нафар тарбияланувчи қамраб олинган.

Ўқув йили якунлари бўйича ўқувчиларнинг билим самарадорлиги инглиз тили фанидан билимлар беллашуви, республика олимпиадаси, ўқувчилар ўртасидаги “Инглиз тили билимдонлари” жамоавий кўрик-танлови натижалари, чет тили ўқитувчиларининг салоҳияти, “Энг яхши чет тили ўқитувчиси” кўрик-танлови якунлари, узлуксиз малака ошириш курсларидаги ўқитувчилар давомати ҳамда уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича вилоятлар ва туманларнинг рейтингини аниқлаш йўлга қўйилган бўлиб, тизимда соғлом рақобат муҳити яратилган. Бунга мисол сифатида чет тиллари ўқитувчиларини қўшимча рағбатлантириш мақсадида Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган “Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси” кўрик-танловида энг юқори натижа кўрсатган 42 нафар ўқитувчиларнинг хорижий малака ошириш имкониятини қўлга киритганлигини таъкидлаш ўринли.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш борасида ўтган қисқа даврда эришилган салмоқли ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган вазифалар ҳам талайгина. Жумладан, барча мактабларда ҳам чет тили хоналаридаги мавжуд техника воситаларидан ва кўргазмалари қурооллардан ўқитувчиларнинг самарали фойдаланишини ташкил этиш чораларини кўриш, чет тилларни ўрганиш жараёни учун тасдиқланган асосий дарсликлардан ташқари қўшимча қўлланмалар, турли болалар адабиётлари билан қонуний асосда очиқ савдо орқали таъминлаш ишларини такомиллаштириш, бошланғич синфларда чет тили бошланғич синф ўқитувчиларининг ўзлари ўқитишлари масаласини такомиллаштириш талаб этилади. Чет тилидан машғулотлар олиб бораётган ўқитувчилар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш масалаларига ҳам эътиборни кучайтириш зарур. Шунингдек, бошланғич синф-

ларда ўқитувчилар чет тилларни ўзлаштириш даражасини доимий мониторингини амалга ошириш, сайланма тарзда ташқи мониторинглар ўтказиш натижаларини муҳокама этиб бориш, шу билан бирга, маҳаллий ҳокимликлар билан бирга мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлақонли ўрганиш, уларни жой-жойига қўйиш, педагоглар иш самарадорлигини янада ошириш, таълим муассасаларида чет тиллари ҳафталикларини ўтказилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ташкилотлари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик назоратини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса, энг муҳими, ҳали тизимда ишга солинмаган имкониятлар мавжуд.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 1875-сонли қарорининг ижроси, амалга оширилган ижобий ишлар, ўқитувчиларга яратилган шароитлар, махсус жиҳозланган хоналар, умумтаълим мактабларининг зарурий ўқув жиҳозлари ва дарсликлар, техника воситалари билан таъминланганлигидан ўқувчилар ҳам ота-оналар ҳам миннатдор. Қарорда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ҳаётга татбиқ этилиши натижасида яқин келажакда фарзандларимиз бир неча тилларда бемалол сўзлаша олади ва дунёни забд этади.

## ЁШЛАРНИ АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ,  
Самарқанд ВХТХҚТМОИ проректори, фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Жамшид ОРИПОВ,  
Самарқанд ВХТХҚТМОИ ассистенти

**Аннотация.** Мақолада кейинги йилларда “оммавий маданият” ниқоби остида ёш авлод онгига кириб бориш хавфини келтириб чиқараётган ёт ғояларнинг салбий оқибатлари хусусида фикр билдирилиб, айрим специфик тушунчаларга Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч» асари асосида педагогика фани нуқтаи назаридан таъриф берилган.

**Калит сузлар:** мафкуравий иммунитет, ёт ғоялар, ахборот хуружлари, диний экстремизм, маданият, кадрият, таълим ва тарбия, ҳамкорлик.

**Аннотация.** В статье описывается стремление некоторых сил отрицательно воздействовать на сознание молодого поколения, на основе произведения Ислама Каримова “Высокое духовность — непобедимая сила” характеризуются некоторые специфические понятия с точки зрения педагогической науки.

**Ключевые слова:** идеологический иммунитет, информационные выступления, религиозный экстремизм, культура, ценность, обучение и воспитание, сотрудничество.

**Annotation.** The article describes the desire of certain forces negatively impact on the consciousness of the younger generation, which is on the basis of the work Islam Karimov «High spirituality - an invincible force» characterized by some specific concepts in terms of pedagogy.

**Keywords:** ideological immunity, information presentations, religious extremism, culture, values, training and education, cooperation

**Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий кадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда.**

**Ислом Каримов.**

Ўзбекистон мустақиллик йилларида барча соҳаларда ривожланган ва ривожланаётган давлатлар даражасига кўтарилди борасида ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олди. Юртимизда иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва санъат каби кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида қўлга киритилаётган ютуқларимизга нуфузли халқаро ташкилотлар, статистик қўмиталар ва экспертлар томонидан юксак баҳо берилмоқда. Айниқса, соғлом, замонавий билим ва касб-ҳунарни чуқур эгаллаган, мустақил

фикрлайдиган ҳамда кенг дунёқарашга эга, бир сўз билан айтганда, маънавий етук ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишлар давлатимиз сиёсатининг устувор ва долзарб вазифаларидан бўлиб, бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани ҳамда бу ишларимиз ўз самарасини бераётгани ҳаммамизга маълум. Аммо, ана шундай улкан ютуқларга эришиш баробарида ёш авлодни биз учун мутлақо ёт бўлган, ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган турли “ахборот хуружлари” ва “маънавий таҳдидлар”дан сақлаб қолиш ўта долзарб

масала бўлиб қолмоқда. Бу ўринда инсон онги ва қалби учун курашаётган “ахборот хуружлари”дан халқимизни асраб-авайлаш, айниқса, ёшларимизни маънавий таҳдид кўринишидаги “оммавий маданият” ёки турли зарарли ғоя ва мафкуравий таъсирлардан ҳимоялашнинг ўзи кифоя қилмайди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида маънавий таҳдид тушунчасига таъриф берганлар. “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим”. Биз ҳар қандай маънавий таҳдидга бардошли бўлиш учун фуқароларимизнинг онги ва қалбида мафкуравий иммунитет сифатида – она Ватанга, бой тарихимиз ва ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатдек маънавий хислатлар шакллантиришимиз зарурдир. Шу билан бирга, халқимизнинг онгида шу муҳим хислатларга қўшимча яна қуйидаги хислатларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблаймиз.

1. Авваломбор, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси маънавий таҳдидларнинг мазмунини ва улар давлатимиз, халқимиз ва умуман олганда, ҳаётимизга ўта зарарли ва хатарли эканини ўз вақтида тушуниб олиши ва бу таҳдидларга онгли равишда қарши туриш учун мустаҳкам иродага, Ватанимиз ва унинг истиқлолига садоқатли ва фидойи бўлишдек хислатларга эга бўлиши талаб қилинади.

2. Давлатимизда фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлишига йўл қўйилмаслиги, жамиятда қонун устуворлиги таъминланганлиги ва соғлом маънавий-психологик муҳит ўрнатилганлиги, ҳақиқатан ҳам қонунлар барчага баробар қўлланилиши ва бошқа омил ва шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳам ҳар бир жамият аъзосининг мафкуравий иммунитетининг кучайишига олиб боради.

3. Кейинги йилларда фуқароларимизнинг маданий-маънавий ва ғоявий савияси анча ўсганлиги, сиёсий зийраклиги ва ҳуқуқий билими ошганлиги ва дунёқараши теранлашганлиги туфайли уларнинг жамиятда сўз эркинлиги ва демократик тамойилларни амал қилишлигига бўлган эҳтиёжи ва талаблари кундан-кунга ошиб ва кучайиб бормоқда. Жамиятимизнинг мана шу ғоявий ва маънавий ҳолатидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, халқимизнинг мафкуравий иммунитетининг мустаҳкамлиги ҳам, бир ҳисобда, шу талабларнинг қай даражада қондирилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Биз XXI-аср нанотехнологиялар асрида яшамоқдамиз. Бу даврда фан ва техника шу қадар ривожланиб бормоқдаки, ақл бовар қилмас даражада инсониятни мушкулани осон қилиш билан бир қаторда, ҳали олдимизда ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Айниқса, ахборот технологияларининг ривожланиши Интернет тармоғининг кўламини янада оширди. Интернет дунёни, бизни ягона тўрға улади ва биз учун мисли кўрилмаган имкониятларни яратди. Халқимиз

орасида “шакарни ози яхши”, деган ҳикматли нақл бор, ана шу нақлга амал қилмаслик оқибатида ёшларимиз бузғунчи ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмоқда.

Биргина диний экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи бир қанча сайтларнинг мавжудлигининг ўзи бизни ташвишга солади. Бунга эътиборсиз қараш мутлақо ҳақиқатга тўғри келмайди. Фарзандларимизнинг Интернетдан қай даражада тўғри фойдаланаётганини билиш учун, энг аввало, ота-оналар маъсулиятни ҳис этишлари, ундаги “ахборот хуружлари” кўлами моҳиятини чуқур англаб олишлари лозим. Ота-оналар ўз фарзандларининг Интернет тармоқларидан нима мақсадда фойдаланаётганликларини билишлари учун, аввало, уларнинг ўзлари унинг ишлаш жараёнларини мукамал билмоқлари лозим.

Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида: “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”, – деб ёзадилар. Ушбу ҳақиқатга Интернет сайтларидан билиб билмай фойдаланаётган ёшларимизнинг бузғунчи ёт ғоялар таъсирига тушиб қолаётганлиги ҳақидаги фикрларимизнинг ўзи исбот бўла олади. Бу ўринда Интернетдан оқилона фойдаланаётганларга асло эътирозимиз йўқ. Чунки, Интернетдан нечоғлиқ тўғри фойдалансак, шу қадар дунёда бўлаётган ўзгаришлардан, фан-техника оламидаги ихтиро ва янгиликлардан хабардор бўламиз.

Бугунги кунда турли гуруҳлар ўз мақсадлари йўлида Интернетдан кенг фойдаланаётганликлари ва турли усулларни қўллаётганликлари ҳеч кимга сир эмас, албатта. Улар бу йўлда одамларнинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадида одамларни маданияти, маънавиятидан жудо қилиш, ягона маданиятга бирлаштириш орқали ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишни кўзда тутмоқдалар. Бундай таҳдид ва хуружлар нафақат миллий, балки умуминсоний маданиятга ҳавф солмоқда. Ер юзида қанча миллат, элат бўлса ана шунча этносга хос бўлган маданият, улар томонидан ардоқланиб, эъзозланиб келаётган қадриятлар мавжуд. Ана шу халқларга ўз маданиятидан юз ўгириб, ахлоқий тубанлик иллатларини ўзида мужассам этган “оммавий маданият”ни сингдиришга уринаётган ва бу борада жар солаётган турли гуруҳларнинг мақсади битта, у ҳам бўлса ягона маданият ниқоби остида бутун инсониятдан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишдир.

Агар миллийлик нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, юқоридаги фикрдан шуни уқиб олиш мумкинки, “оммавий маданият” бу – бизга четдан кириб келаётган, ўзбекона қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган, миллий ахлоқ нормаларимизга умуман тўғри келмайдиган, ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган ахборот хуружлари йиғиндиси дир. Ана шу маданият бугунги кунда ёшларимиз онги ва қалбига ўрнашиб, уларни миллий маданиятимиздан мосуво қилишга ҳаракат қилмоқда. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, бундай маънавий таҳдидлар ҳатто

ҳаёт сўқмоқларининг кўпини босиб ўтган катта авлод вакиллари ҳам ўз домига тортмоқда. Масалан, тўйлардаги дабдабозлик, алкоголизм ва унинг оқибатида содир этилаётган кўнгил хираликлар, кашандалик, худбинлик, тор ва очик кийимларга қизиқишнинг кучайиб бориши, хеппининг (ваҳшиёна кўнгил очиш), татуировка ва нигилизм каби бизнинг вафо-садоқат, ҳаё, ибодат, инсоф, саховат ва шу каби бошқа кўплаб эзгу хислат ва қадриятларимизни мужассам этган миллий менталитетимизга, муқаддас динимизга тўғри келмайдиган, бугун урфга айланаётган жуда кўплаб удумларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобига мурожаат қилар эканмиз: “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамларни ташвишга солмай қўймайди”, деб изоҳлайдилар. Ушбу изоҳ “оммавий маданият”нинг қай даражада миллий тарбиямизга зид эканлигини кўрсатиб турибди.

Биз юқорида фикр юритган “оммавий маданият”га хос бўлган салбий хусусиятлардан бири “нигилизм” ғоясининг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилайлик. Нигилизм тушунчаси борасида луғатларда “нигилизм лотинча “nihil”, яъни “ҳеч нима”, “ҳеч нарса” сўзидан олинган. Нигилизм – жамиятнинг ахлоқий, маънавий норма ва устунлари, тарихий ҳамда маданий

қадриятларининг инкор этилиши, умумэтироф этилган, объектив қадриятларга нисбатан мутлақо салбий ҳамда ўта танқидий муносабатда бўлиш, муайян ҳодисага нисбатан бир ёқлама, келишувни рад этган тарзда муносабат билдириш ва бузғунчилик ғояларини ўзида ифодалаш”, деб изоҳ берилади. Мазкур изоҳ “оммавий маданият” умуминсоний эзгу қадриятларни, хусусан халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган, миллий маънавий ва ахлоқий қадриятларни инкор этмоқда. Ҳар қандай жараёнга онгли муносабатда бўладиган шахсни бундай салбий ғояларга ҳам салбий муносабатда бўлиши табиий ҳол.

Юқоридаги фикр ва мулоҳозалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, “оммавий маданият” каби ғоявий ва маънавий таҳдидлардан ёшларни асрашнинг ягона йўли уларда турли таҳдидларга қарши турадиган иммунитетни шакллантириш лозим. Бу жараённи самарали ташкил этишнинг ягона йўли тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришдир. Яъни, биринчидан, оммавий ахборот воситаларида “оммавий маданият” ва “маънавий таҳдидлар” ҳақидаги материалларни мунтазам эълон қилиб бориш, иккинчидан, таълим-тарбия масканларининг мактабгача таълим муассасасидан бошлаб олий таълимгача бўлган барча йўналишларида таълим-тарбия жараёнларида ушбу масала юзасидан муносабатлар доираси қамровини кенгайтириш, учинчидан, оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Ш.Н.ТАЙЛАКОВА,  
А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада таълим тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ўқитувчи компетентлигини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ва унинг келгуси педагогик фаолиятга таъсири ҳақида фикр юритилган.

**Таянч сўзлар:** таълим тизими, педагогик фаолият, малака ошириш, компетенция, маънавият, оммавий ахборот воситалари, медиатаълим.

**Аннотация.** В статье излагается рассуждение автора о значении использования средств массовой информации в процессе переподготовки и повышения квалификации работников системы народного образования, влияние СМИ на развитие педагогической компетенции в педагогической деятельности учителей.

**Ключевые слова:** система образования, педагогическая деятельность, повышение квалификации, компетенция, духовность, средства массовой информации, медиаобразование.

**Annotation.** The article describes the author's argument about the importance of using the media in the process of retraining and advanced training of the national education system, the media influence on the development of pedagogical competence in pedagogical activity of teachers.

**Keywords:** education system, educational activities, professional development, competence, spirituality, media, media education.

Мустақиллик тараққиёт йиллари нафақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт ва санъат соҳалари учун, балки оммавий ахборот воситалари учун ҳам том маънода юксалиш даври бўлди, десак муболаға бўлмайди [1,2]. Ушбу соҳанинг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши замирида мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, қолаверса, юртимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишларининг моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш каби мақсадлар муҳасам эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда ахборот бозори иш-тирокчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, “ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисидаги” қонун алоҳида эътиборга молик. Мазкур қонуннинг тегишли моддаларида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари болалар, ўсмирлар, ўқув, илмий-маърифий соҳага ихтисослашган ОАВга йўналтирилган. Бундан кўриниб турибдики, келажак авлодга таълим-тарбия беришда, уларни юртимиз равнақига ҳисса қўшадиган комил инсон бўлиб етишишларида ОАВнинг ўрни беқиёс. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари орқали барча соҳалар қатори таълим тизими янгиликлари, ютуқлари, муаммо ва ечимлари ҳақида оммага кенг, атрофлича маълумотлар етказилмоқда.

Аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар ўртасида илм олишга, ҳунар эгаллашга бўлган интилиш кун сайин ошмоқда. Бунинг учун эса етарли шароит ва ижодий муҳит яратиш керак. Шароитни ҳар ким ўз талабига ва эҳтиёжига кўра яратиши мумкин. Аммо, ижобий муҳитни шакллантириш учун реал оламдаги қадриятлар, одоб- ахлоқ нормалари, инсонпарварлик ғоялари ва мафкуралари тўғри талқин этилиши муҳимдир. Бу эса, ўз навбатида, илм-фан фидойилари, адабиёт ва санъат вакиллари зиммасига катта маъсулият юклайди. Ушбу жараёни ОАВ тармоғида тарғиб этиш, улуғ халқимиз маънавий-ахлоқий меросини, миллий қадриятларимизни сингдириш шу соҳадаги мутахассисларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Зеро, ахборот нафақат жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, илмий-техник тараққиётга таъсир кўрсатиб, ўқитувчи-педагоглар дунёқарашини ва руҳий-ахлоқий ҳолатини, умуман ижтимоий муносабатлар тизимини ўзгартиришга қодир кучдир. Таълим тизимида доир меъёрий ҳужжатлар, уларнинг ижроси, таълим масканларидаги жараёнлар, фидойи ўқитувчилар фаолиятини мунтазам ёритиб боровчи теле ва радио маҳсулотлари, таълимга оид матбуот нашрлари педагогларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Бугун биз тезкор ахборот оқими даврида яшаётган эканмиз, қатор соҳалар каби таълим тизимида ҳам медиатаъ-

лимнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини эътиборга олмоғимиз шарт. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда педагогларнинг медиа билимдонлигига, салоҳиятига алоҳида аҳамият бериш замон талабига айланмоқда. Бугунги таълимни ахборотсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, педагоглар фаолиятини ҳам медиатаълимдан, ахборот воситаларидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада малака ошириш институтларининг замонавий коммуникация воситалари билан жиҳозланганлиги, янги ахборот манбалари билан таъминланганлиги тизим тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи-педагогларнинг малакасини ошириш тизими педагогик фаолиятнинг ижтимоий ва профессионал шартлари доимо ўзгариб турадиган шароитда ушбу вазифани амалга оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Шунинг учун ҳар бир педагог ходимни бутун иш фаолияти давомида ўз устида мустақил ишлашга бўлган талабни шакллантириш зарур. Ҳар бир педагог ўз соҳаси бўйича рўй бераётган ахборотлар оқимини нечоғли муҳимлигини билиши, мустақил ахборотларни ишлаб чиқиши, турли манбалардан, шу жумладан ОАВ сирасига кирувчи Интернет тармоғидан ахборотларни олиши, уларни ўқувчиларга тушунадиган кўринишда ифодалаш, дарс жараёнида самарали фойдаланиши лозим.

ЮНЕСКО таъбирича, медиатаълим, яъни оммавий ахборот воситалари узлуксиз таълим тизими билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ундан таълимнинг барча босқичларида, хусусан, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ҳам мослаштирилган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Замонавий таълим жараёнида АКТ билан боғлиқ билим ва кўникмалар фақатгина “Информацион технологиялар” фанлари доирасидагина олиб борилиши етарли эмас. Шу боис ҳам, педагоглар малакасини ошириш тизимида, яна қатор фанлар йўналишида ҳам медиа коммуникация воситаларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини уларда такомиллаштиришга:

- тингловчиларни замонавий таълим жараёнини ахборотлаштириш тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш орқали;

- медиа тушунчаси, унинг турлари, таълим тизимидаги аҳамияти борасидаги билим ва кўникмаларини янада такомиллаштириш орқали;

- турли хил оммавий ахборот воситаларининг таълим-тарбия жараёнида қўллашнинг инновацион усулларини ўргатиш орқали;

- педагогика фанининг медиапедагогика йўналиши, замонавий медиа ва унинг турлари, бажарадиган функциялари, педагогик-психологик жиҳатлари ҳақида тўлақонли билим ва малакага эга бўлишини таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Малака ошириш тизимида фанларнинг ОАВ материаллари билан мазмунан тўлдирилиши тингловчиларни дарс жараёнида ўзларининг ақлий, ҳиссий, ижодий ва руҳий имкониятларини юзага чиқаришга ҳам ундайди. Мустақил

фикрга ва замонавий билимларга эга бўлган педагогнинг касбий маҳоратини, малакасини оширишда ижтимоий омил ҳисобланган – медиатаълим мутахассиснинг кейинги фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, замонавий педагог келгусида бу таълимотни ёшлар онги ва қалбига қуйидаги кўринишларда сингдиради:

- ўқувчи-ёшлар онгида миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;

- ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит, соғлом ғоялар, сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятни ўстириш ва янгича фикрлаш тарзини ёшлар орасида тарғиб қилиш;

- ёшларда медиадан, яъни ахборот коммуникация воситалари – телевидение, радио, матбуот ҳамда интернетдан мақсадли фойдаланиш ва бу жараёнда уларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш;

- ёшларда медида тарқалаётган ахборотларни таҳлил қилиш, танқидий кўриб чиқиш, уларни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан баҳолаш олишга ўргатиш;

- ёшларда ижодкорлик, изланувчанликни тарғиб топтириш орқали, ўзларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, жамиятга фойда келтирувчи янги медиамасхулотларни яратиш ва тарқатишга ўргатиш;

- янгича фикрлайдиган, медиабилимларга эга бўлган маънавий баркамол инсонни тарбиялаш ва ҳоказо.

Юқоридагиларнинг юзага келиши педа-

гогнинг касбий салоҳиятига бевосита боғлиқ. Жамиятни ахборот билан таъминлаш зарурати ошиб бориши туфайли медиатаълим (ОАВ) – ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнида, жамиятда сиёсий, ҳуқуқий, маънавий онг ва маданиятни шакллантиришга ўргатишда медиатаълимнинг ўрни ва аҳамиятини ҳар бир тингловчи билиши ва уни келгусида ўқувчи-ёшларга етказиши муҳимдир.

Шундай қилиб, бугунги шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётган глобаллашув замонида ҳаётимизнинг бирор бир жабҳасини, бу ишлаб чиқариш ёки ижтимоий соҳалар бўладими, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўладими, уларнинг бирортасини ҳам оммавий ахборот воситалари маҳсулотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, педагог кадрларнинг ижтимоийлашув жараёнига оммавий ахборот воситаларининг таъсири катта.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008

2. Оммавий ахборот воситаларининг ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга таъсири: муаммолар ва ечимлар. Республика илмий-амалий кнференцияси материаллари”. 1- ва 2- китоблар. – Т.: Ўз ПФИТИ босмаҳонаси, 2013.

## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

# МАТЕМАТИКАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЖАРАЙОНИДА ЎҚУВЧИЛАРДА УМУМИЙ ФИКРЛАШ FAOLIYATI USULLARINI SHAKLLANTIRISH

N.IMOMKULOV, Q.OSTONOV, O.IMOMQULOVA,  
Samarqand davlat universiteti o'qituvchilari

**Аннотация.** Mazkur maqola matematika o'qitish jarayonida umumiy fikrlash usullarini shakllantirishga bag'ishlangan.

**Калит со'злар:** matematika, umumiy fikrlash usullari, umumlashtirish, taqqoslash, qayta qurish, ma'noli tayanch bandlarni ajratish

**Аннотация.** Данная статья посвящена методам формирования общих мыслительных приемов при обучении математике.

**Ключевые слова:** математика, общие мыслительные операции, обобщение, сравнение, реконструкция, выделение смысловых опорных пунктов.

**Annotation.** This article deals with the methods of formation of common mental methods of teaching mathematics.

**Keywords:** mathematics, obschie, mental operations, generalization, comparison, reconstruction, allocation of meaningful points of reference.

Ўқитувчи маҳоратининг такомиллаштириш ко'п жиҳатдан унинг о'з иш фаолиятида психолого-педагогик қонунияتلардан қандай фойдаланишига бог'лиқ ҳамда уларни қўллаш усулларини қандай егаллаганига ва уни қандай тарзда амалий фаолиятида амалга оширишига бог'лиқ [1,2]. Бу қонунияتلарда о'қув жарайонининг ташқи шартлари (машқларнинг

мазмунини, хилма-хиллиги, уларнинг кетма-кетлиги, ташкилий усуллари) ва о'қувчилар онгида ро'й берадиган ички жарайонлар (диққати, хотираси, фикрлаш фаолиятининг фаоллиги) орасидagi о'зaro бог'lanishlar ochib beriladi. Бу қонунияتلарни билган holda, уларни қўллаш усулларини егаллаб, фикрлаш фаолиятини, уларнинг диққат-е'tiborини, о'қув materialини eslab

qolish jarayonlarini boshqarish mumkin. Agar o'quv materiali yomon o'zlashtirilsa, u holda u formal o'zlashtiriladi, xotirada aniq qolmaydi, buzilishlar e'tiborga olinmaydi va ko'pincha eslab qolish va o'zlashtirish tasavvuri paydo bo'ladi. Materialni ma'lum darajada tushunish uni eslab qolishning zaruriy sharti hisoblanadi. Bu qonuniyat nafaqat o'qituvchilarga, balki o'quvchilarga ham ma'lum. Lekin bunda qanday fikrlash faoliyatini bajarishni o'quvchilar bilmaydilar. O'qituvchining vazifasi—o'quvchilarda fikrlash faoliyatining ma'lum usullarini shakllantirishdan iborat.

O'qituvchilar amaliy faoliyatda o'quvchilarni quyidagi fikrlash faoliyati usullariga o'rgatishi maqsadga muvofiq:

- umumlashtirish;
- konkretlashtirish;
- tasniflash;
- taqqoslash;
- tizimlashtirish;
- qayta qurish;
- rag'batlantiruvchi bo'g'inlardan foydalanish;
- fikran reja tuzish;
- ma'noli tayanch sxemalarni ajratish;
- bashoratlash;
- qiyoslash.

O'quvchilarda fikrlash faoliyati usullarini shakllantirish quyidagi bosqichlarda amalga oshirilishi mumkin:

1-bosqich. O'quvchilarni ayrim fikrlash amallari bilan tanishtirish. Bu usullar bilan tanishtirish, albatta, tegishli materialni o'tish jarayonida ro'y beradi.

2-bosqich. O'quvchilarga bu usullar materialni tushunishni osonlashtirganini, ortiqcha vaqt talab etmasligini tushuntirish.

3-bosqich. U yoki bu fikrlash usulini tanlashni o'rganilayotgan material mazmuniga bog'liq ravishda amalga oshiriladi. Shuning uchun o'quvchilar u yoki bu usul bilan qayta duch kelganlarida bu usul ularga tanish ekanligi aytilib, shuning uchun bu vaziyatda faqat shu usulni qo'llash maqsadga muvofiqligi ta'kidlanadi.

4-bosqich. Turli fikrlash usullaridan kompleks foydalanishga o'rgatish.

5-bosqich. Doimo u yoki bu amallarning maqsadga muvofiqligi eslatib o'tiladi, bu bilan ularda fikrlash usullarini mustaqil qo'llay olish shakllantiriladi.

**Rag'batlantiruvchi bo'g'inlardan foydalanish usuli.** Rag'batlantiruvchi bo'g'in deb o'quvchilar ongida ro'y berayotgan ikkita jarayon orasiga kiritiladigan va ular orasidagi bog'lanishlarni o'rnatishga, tushunishni chuqurlashtirishga va fikrlash faoliyatini rivojlantirishga yordam beruvchi oraliq fikrlash jarayoniga aytiladi.

Rag'batlantiruvchi bo'g'inlardan foydalanish usuli quyidagi qonuniyatlarga asoslanadi:

1. Masalani yechish jarayonida rag'batlantiruvchi bo'g'inlardan foydalanish puxta va turg'un umumlashgan assotsatsiyalarni shakllantirishga olib keladi.

2. Agar masalalar o'rganilayotgan ta'rif, aksioma, teoremlarga tayangan holda asosli yechilsa, u holda chuqur tushunishga erishiladi va turg'un, mustahkam ko'nikma va malakalar shakllanadi.

Bu qonuniyatlardan ma'lum bo'ladiki, masalalar yechishda o'quvchilar ko'proq rag'batlantiruvchi

bo'g'inlardan foydalanishlari lozim.

Rag'batlantiruvchi bo'g'inlar sifatida quyidagi jarayonlarni olish mumkin:

- 1) material (yoki turli mashqlarni bajarishda) ta'rif, teorema, qonunlar, turli qoidalar bilan tanishishda eslab qolish, qo'llash, ular u yoki bu tushunchalarni eslab qolish uchun mo'ljallangan;
- 2) ko'rgazmali obrazlarni anglash, tasavvur qilish (modellar, grafiklar, rasmlar, diagrammalar);
- 3) ular bilan har qanday faoliyat olib borish;
- 4) belgilar va simvollar bilan ishlash (strelkalar va boshqa belgilashlar kiritish, yozuvlarni qayd etish va h.k.);
- 5) tushunishni chuqurlashtiruvchi har qanday mulohazalar.

Bunda o'quvchilarga umumiy maslahatlar bilan chegaralanmaslik lozim, ular uchun maxsus dasturlar, rejalar, ko'rsatmalar ro'yxatini tuzib berish zarur. Bunda ko'proq bu ishga o'quvchilarning o'zlarini jalb etish lozim. 5–6-sinflarda matnli masalar yechishda masala shartiga ko'ra rasmlar, sxemalar, qisqa masala shartlarini yozishni taklif etish mumkin. Bu masala yechimini topishni osonlashtiradi. O'quvchilar masala sharti bilan ishlashga o'rganadilar. Har bir o'quvchining asosli arifmetik amalni tanlashi va to'g'ri yechimini tanlashini ta'minlash uchun o'quvchilarni vaziyatni modellashtirishga o'rgatish muhim hisoblanadi. Modellashtirish keng ma'noda – bu odatdagi predmetlar ustidagi amallarni ularning kichraytirilgan obrazlari, modellari, sxemalari hamda ularning grafik tasvirlari: shartli belgilar, rasmlar, sxemalar, chizmalar bilan amallarga almashtirishdan iborat. Model nafaqat masalaning oson usulini topishga, balki uning to'g'riligini tekshirishga yordam beradi.

Masalan, 6-sinfda quyidagi masalani yechishda model qanday tuzilishini ko'rib o'tamiz.

Masala. O'quvchilarning uch guruhi maydonchani o'tdan tozalashga kirishdi. Birinchi guruh maydonchani 7/12 qismini, ikkinchisi – qolganing 2/3 qismini, uchinchisi – qolgan 250 kv.m.tozaladi. Maydoncha yuzasini hisoblang.

O'quvchilar taklifiga ko'ra maydonchani tomonlari 12 va 6 sm bo'lgan to'g'ri to'rtburchak shaklida tasvirlab olinadi va unda berilganlarni va masala sharti belgilalanadi.

1-guruh 7/12	2-guruh qoldiqning 2/3 qismini
	3-guruh 250 kv.m

Maydoncha yuzasi – ?

Modelni tahlil qilib, o'quvchilar to'g'ri yechimning ikki xil usulini topadilar. Olingan bir xil natijalar, masala yechishning to'g'riligidan dalolat beradi.

Grafik modellashtirishdan foydalanish o'quvchilarga bir vaqtning o'zida uning berilganlari va ular orasidagi munosabatlarning bir butunligini qabul qilish masalani sifatli tahlil qilinishni ta'minlaydi, uning yechimini ongli izlashga, arifmetik amalni asosli tanlashga, bir nechta yechish usulini topishga va ular orasida eng qulayini tanlashga va bu bilan masalar yechishda yo'l qo'yadigan xatolarni oldini olishga imkon beradi. Masala modeli teskari masalalar tuzish va yechish uchun ham foydalanilishi mumkin hamda o'quvchilarga nazariy

bilimlarni umumlashtirishga imkon beradi.

**Qayta qurish usuli.** Ma'lumki, ko'pgina o'quvchilar darslikning berilgan paragrafini so'zmaso'z aytib berishga intiladilar. Bunda ular o'quv materialidagi muhim bog'lanishlarni o'tkazib yuboradilar va ularni ba'zida buzadilar. Kattalar esa aksincha, asosiyga ko'proq to'xtaladilar va ortiqcha muhim bo'lmaganlarini qoldirib ketadilar, o'rganilgan materialni o'zlaricha, o'z so'zlari bilan bayon etishga harakat qiladilar. Material qancha yaxshi o'zlashtirilsa, ular mohiyatni shuncha oson bayon etadilar. Bunda keskin farqlar nafaqat yosh xususiyatlari bilan, balki o'quvchilarning qayta qurish usulini egallamaganliklari bilan tushuntiriladi.

Eslab qolish va uni qayta takorlash jarayoni ko'pincha o'zgarishlarga duchor qiladi. Materialning har qanday keng kuchli o'zgarishi qayta qurish deb ataladi. Qayta qurishning xususiy hollariga materialni umumlashtirish, uni konkretlashtirish, originalning ayrim qismlarini ko'chirish va h.k.lar kiradi.

O'rganilayotgan materialni buzmasdan, qayta qurish uchun o'quvchi uni fikrlash faoliyati davrida yaxshi tushunishi va bunda (xotiraning asosiy qonuniyati bo'yicha) material yaxshi o'zlashtiriladi. Qayta qurishdan foydalanib o'quvchi o'ylamasdan yod olish odatidan sekin-asta xalos bo'ladi. Bunda o'qituvchi o'quvchining materialni o'zicha bayon etishini rag'batlantirishi lozim. Lekin qayta qurish usuliga maxsus o'rgatib borish lozim. Darslik bo'yicha yangi materialni o'rganishda tezislar tuzishga, materialni qisqacha bayon etishni talab etish, o'z misollarini tuzish, umumlashtirish, o'xshash tushunchalarni tasniflash, qoidalarning algoritmlarini tuzishga doir mashq va topshiriqlardan foydalanish mumkin.

**Rejani fikran tuzish.** Rejani fikran tuzish usuli o'qiyotganda ataylab yoki ongli ravishda materialni ma'lum qismlarga ajratishga harakat qilishdan iborat. Mantiqiy qismlarga nomlar ham beramiz. Bu ishni matnni tushunib bo'linganda bajarish mumkin. Bu usul materialni chuqur tushunishga yordam beradi. Shu tariqa materialni yaxshi eslab qolinishiga erishiladi. Odatda, o'quvchilar o'qiyotganining rejasini faqat topshiriq berilgandagina tuzadilar. Shuning uchun o'quvchilarda o'rganilayotgan material rejasini ikki bosqichda tuzish ko'nikma va malakalarini shakllantirish lozim.

Birinchi bosqich. Yangi teorema isbotining tayyor rejai beriladi va o'quvchilarga uning yordamida teoremani isbotlash taklif etiladi. Masalan, trapetsiya yuzi haqidagi teoremda quyidagicha reja berilishi mumkin:

- 1) diagonalni o'tkazing;
- 2) hosil bo'lgan uchburchaklar yuzalarini trapetsiya balandligi va asoslari orqali ifodalang;
- 3) trapetsiya yuzini toping.

O'quvchilar bunday topshiriqni qiziqish bilan qabul qiladilar, uni isbotlash uchun fikrlash faoliyatlari rivojlanadi.

Ikkinchi bosqich. O'quvchilarga yechilgan masala yoki o'rganilgan teoremaning rejasini tuzishga o'rgatish. Dastlab bu ish jamoa bo'lib, keyinchalik mustaqil ravishda amalga oshiriladi. Rejani tuzish namunalari, albatta, bir necha marta ko'rastilishi lozim.

**Ma'noli tayanch bandlarni ajratish usuli.** Ma'noli tayanch bandlarni ajratish usulining

asosiy maqsadi – o'quvchilar fikrlash faoliyatlarini rivojlantirish, ularni o'rganilayotgan matnga kirishga, tushunishga jalb etish. Ma'noli tayanch band – bu tushunishning tayanch bandi hisoblanadi. Tayanch bandlar materialning rejasidan iborat. Lekin tugallanmaganlik, so'z ifodalarning qismlardan iboratligi, ba'zi bandlarning obrazli, simvollik yoki hatto his hayajonli xarakteri uni rejadan ajratib turadi.

O'quvchilarni bu usulda o'rgatishda, asosan, o'rganilayotgan materialni konspektlashtirishda amalga oshadi. Buning uchun qanday qilib uning mazmunini turlicha ramzlar, belgilar, rasmlar orqali, alohida so'zlarni ifoda etish ko'nikmalarini shakllantirish lozim. Konspektlashtirishda tayanch bandlarni ajratishga o'rgatib va ularni puxta eslab qolishga yordam berishga ishonch hosil qilib, o'quvchilar sekin asta ularni o'qish jarayonida fikran ajrata olishga o'rganadilar. Ba'zida tayanchlari ajratilgan tayyor konspektlarni berish mumkin. Bu ularga bunday konspektlarni mustaqil tuza olishga o'rgatadi.

**Bashoratlash usuli.** Har qanday masalani yecha turib, inson doimo voqea rivojini ko'ra oladi va tahlil, sintez, umumlashtirish asosida o'zining keyingi faoliyatini boshqaradi va tuzatadi, uning natijalarini bashorat qiladi. Bunday fikrlash usuli bashoratlash deb ataladi. Buning uchun u yoki bu abzatsni o'qish, masala yechish oldidan o'quvchilarga nimani ko'rish, o'qish, olishni oldindan ayitishni taklif etish mumkin. Bu usul masalalar yechimini izlashda keng qo'llanilishi mumkin.

**Qiyoslash usuli.** Bu usul matematika o'qitishda juda muhim, chunki o'rganilayotgan materialni oldingi bilimlar va yangi materialning ayrim qismlarini bir-biri bilan solishtirishga imkon beradi. Bu masalalarni bajarishga qaratilgan harakatlar yangi materialni oldingi bilimlari tuzilmasiga kiritishga olib keladi, voqea va hodisalar bog'lanishlarini bilishga, ya'ni tushunish chuqurligini va aniqligini oshiradi va bu bilan yaxshi o'zlashtirishga olib keladi. Qonunlarga, qoidalarga, tajribalarga, jadvallarga murojaat – bularning barchasi materialni chuqur va yaxshi o'zlashtirishga yordam beradi. Shuning uchun o'quvchilarga o'zlariga "Nima uchun?", "Qanday asosda?" kabi savollarni qo'yishni va ularga hamma vaqt birorta tasdiq bilan javob berishligini ta'kidlash lozim. Sekin-asta o'quvchilar bunday savollarni qo'yishga o'rganadilar va qiyoslash usulini keng qo'llay boshlaydilar.

Shunday qilib, o'quvchilar ongida ro'y berayotgan tashqi shartlarni o'zgartirib, o'z ishimizdagi mos sharoitlarga to'g'ri keluvchi usullarini tanlashimiz, ularni qo'llashning mumkin bo'lgan natijalarini bashorat qilishimiz, amaliyotda uchraydigan juda ko'p sonli qiyinchiliklarni bartaraf etish choralarni topishimiz mumkin.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Груденев Я.И. Совершенствование методики работы учителя математики. – М.: Просвещение, 1990.
2. Паламарчук В.Ф. Школа учить мыслить. – М.: Просвещение, 1987. – 208 с.

## ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР

Зарина ФАТТОВА,  
Тошкент Ирригация ва Миллиорация институти  
Бухоро филиали инглиз тили фани ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада тилга оид билимларни ўзлаштириш жараёнида кузатиладиган қийинчиликлар тоифаларга бўлиниб шарҳланган ҳамда ўқувчилар томонидан тилга оид ўқув материалларини ўзлаштиришда қўлланиладиган усуллар баён этилган.

**Калит сузлар:** матн, ўқув материали, нутқ шакли, қийинчиликлар, ўқитиш, методика, усуллар, қўллаш, самардорлик.

**Аннотация.** В статье разъясняются трудности, встречающиеся в процессе освоения знаний по языку, и описываются приемы, используемые при освоении учебных материалов.

**Ключевые слова:** текст, учебный материал, речевые формы, трудности, обучение, методика, приемы, использование, эффективность.

**Annotation.** The article explains the difficulties encountered in the process of development of knowledge of the language, and describes the methods used in the development of educational materials.

**Keywords:** text, educational material, speech forms, difficulties, training, methodology, techniques, use, efficiency.

Педагогик техникани эгаллаш ўқитувчининг энг яхши тарбиявий таъсир кўрсата олишини таъминлайди. У ўқитувчининг кучини, вақтини тежаб, ижодий ишлаши учун шароит яратади. Педагогик технология пиллапоялари сари интилаётган ўқитувчи учун кейинги босқичда педагогик ижод қилишни билиши муҳим. Педагогик ижоднинг энг муҳим шarti шу соҳани билиш, тушуниш, уни севиш, унга жонқуярлик, ташаббус билан ёндашишдир. Ўқитувчининг маданияти, чуқур билим савияси, ҳар томонлама қизиқишларини, юксак ривожланганлиги, ижтимоий фаоллиги, камтарлиги, меҳнатсеварлиги, педагогик одоби, жамоа ва ўқувчилар билан муомаласи, келажакка ишончи, хушчақчақлиги каби хислатларининг мажмуасини ўз ичига олади.

Нутқ фаолияти турларининг ҳар бирига хос қийинчиликлар мавжуд. Тинглаб тушунишда содир бўладиган қийинчиликлар бир талай. Уларни билиш чет тили ўргатишда ҳал қилувчи шартлардан бири. Идрок этиш, жумладан, нутқни идрок этиб тушуниш муаммолари жаҳон руҳшунослигида анча муфассал ишлаб чиқилган. Чет тили ўқитиш методикаси фани мавжуд назарий мулоҳазалардан самарали фойдаланади. Мактаб шароитида ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш соҳасидаги қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

1. Тилга оид шаклий қийинчиликлар. Маъноси ҳар хил, товуш шакли эса ўхшаш сўзлар (омофонлар) ёки чет тили феълнинг мажхул даражасини тинглаш ва тушуниш мураккаблик касб этади. Омофон ва мажхул феъл бир қарашда танишга ўхшайди, бироқ аудиоматннинг мазмунини пайқашда ҳийла қийинчилик тўғдиради.

2. Мазмунга доир қийинчиликлар. Олинаётган ахборот қамровидаги нима, қаерда, ким билан, қачон бўлиши каби далилларни идрок этиш бобида ёки улар орасидаги боғланишни илғаб олиш, шунингдек, умумий ғояга тааллуқли

қийинчиликлар мавжуд.

3. Нутқий идрок қилишнинг шартшароитидаги қийинчиликлар. Булардан нутқ тезлиги, оҳанги ва механик ёзилган аудио матннинг мураккаблигини эслатиш кифоя. Шу билан бирга аудиоматнни бир марта идрок қилиш, нотаниш одамни тинглаш, овоздаги ўзига хослик кабилар ҳам тушунишда ғов бўлиши табиий.

4. Нутқ шаклига оид қийинчиликлар. Диалог нутқда жавоб қайтариш, монологни тинглашда эса жумлаларни эшитиши, хотирасида сақлаши ўқувчи учун муайян қийинчилик келтириб чиқаради.

5. Тилшунослик нуқтаи назаридан содир бўладиган қийинчиликлар. Улар лисоний-лексик, грамматик ва фонетик қийинчиликлар деб аталади. Лексикада жуфт тушунчалар (масалан, дунё томонларини ифодаловчи сўзлар, кўп маънолилиқ (полисемия) турғун бирикмалардаги сўз маъноси, ёрдамчи сўзлар, грамматик жиҳатдан она тилида йўқ ҳодисалар ёки фонетик тарафдан сўзнинг ёзувда ва таллаффузда кескин тафовути, урғу ва оҳангнинг ўхшамаслиги тегишли қийинчиликларга сабаб бўлади.

6. Аудиоматн тузилишига оид қийинчиликлар. Аудиоматннинг тузилиши (композицион-мазмуний тузилиши) ҳам қийинчиликларга олиб келиши аниқланган. Чунки баён этилаётган ахборотни илғаб олишга унинг бевосита дахли бор. Гапнинг ёки сатр бошининг бир-бирига мантқан ёпишиши, матннинг юзаки ёки чуқурлиги, нотаниш лексик бирликлар иштироки ва қатор ўхшаш композицион-мазмуний ҳолатлар аудиоматннинг тушунилиши даражасини белгилловчи омиллардир.

Ўқувчи тинглаб тушунишда дуч келадиган қийинчиликларни эътироф этишдан мақсад уларнинг олдини олиш чораларини кўришдир. Қийинчиликлар меҳнат ва вақт талаб қилади, махсус машқларни бажариш заруриятини

туғдиради.

Қийинчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш йўли билан таълим жараёнини жадаллаштириш ва ўқитишнинг энг мақбул методикасини ишлаб чиқишга муваффақ бўлинади.

Тил ўрганишда ёки умуман ҳаётда содир бўладиган қийинчиликлар сабаб ва оқибатнинг бир-бири билан боғлиқ равишда аниқланади. Қийинчиликларни олдиндан аниқлаш, унинг сабабларини билиш мумкин. Қийинчиликнинг юзага чиқиши турли хатолар ва кўзланган натижага эришиш даражаси билан белгиланади. Ўқувчиларнинг ўзгалар нутқини идрок этиб, унинг мазмунини фахмлай олишларидан қийинчиликларни бартараф этиш йўлида тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизмларини тўғри шакллантириш катта аҳамият касб этади.

Оғзаки нутқни ўргатиш ўрта мактабда чет тили ўқитишнинг асосий амалий мақсадларидан биридир. Ўрта мактабнинг битирувчилари чет тилида оғзаки ахборот бера олишлари ва суҳбатлаша олишлари, ўрганилган тематикага боғлиқ бўлган чет тилидан нутқни эшитиб тушунишлари керак. Биринчи навбатда оғзаки нутқни ўрганишнинг бирлиги муаммосини эслаб ўтиш лозим бўлади.

Авваллари лексик ва грамматик элементлар, оғзаки нутқ материали сифатида алоҳида олиб қаралган бўлса, эндиликда ҳозирги тилшунослик ютуқларига асосланиб, нутқнинг грамматик, лексик ва фонетик компонентлари бирлигидан иборат комплекс бирликлар ҳақидаги масалани кўйиш имконияти туғилди. Сўнгра шундай комплекс бирликларини билиб олишга қаратилган тайёрлов машқлари, бу машқларнинг турлари, уларнинг оғзаки нутқни ўқитиши умумий системасидаги салмоғи каби масалалар ўрганилади. Нутқ ситуациясида ўрганилган тил материалдан фойдаланиш малакаларини ўстиришни таъминловчи нутқ машқлари ҳақидаги масала янада мураккаброқдир. Дарсда табиий нутқ муаммоси муҳитни яратишга интилиш диалогик ва монологик оғзаки нутқ муаммосини бир-бирдан ажратиб кўйишга, шунингдек, ўқитишни ва оғзаки нутқнинг бошқа бир томони суҳбатдошни нутқини махсус топшириш сифатида идрок этишни алоҳида ажратишга олиб боради. Ўрта мактабда чет тилларини ўқитишнинг ҳозирги замон тажрибасида оғзаки нутқ муносиб ўринни эгаллайди. Уқитувчиларнинг диққат-эътибори, асосан бу машқларнинг турини кўпайтиришга, уларнинг қизиқарли бўлишига, дарс олиб боришнинг муносиб тезлигини таъминлашга, дарсга ўқитувчиларни жуда кўпчилигини жалб этишга қаратилган. Дарсда ўйинлар, ашулалар ва ҳар хил турдаги мусобакалар кўп ўрин эгаллайди.

Оғзаки нутқ маълум шароитларда юз беради ва бу шароитлар нутқ хусусиятига таъсир этади. Бу шароитлар тилдан ташқари экстралингвистик тартибдадир. Уларга нутқ фаолияти содир бўладиган вазият, муҳит, сўзловчининг ёши ва ўсиши даражаси, суҳбат мавзуси, тингловчининг нутқини идрок этишга диққат бериш,

мимика, имо-ишоралари ва бошқалар киради. Бу омилларнинг барчаси, аввало, диалогик нутқда, маълум даражада монологик нутқда ҳам фаол рол ўйнайди. Оғзаки нутқ услубига сўзловчининг ташқаридан бўлган, ҳар хил таъсирланишларига нисбатан турлича муносабатни ифодаловчи, кириш сўзлар ва ундама кабиларнинг қўллаш хосдир. Масалан, oh, how glad I am to see you! Оғзаки нутқ услуби ёзма нутқ услубидан ифоданинг ихчамлиги ёки кўпинча айтиладиганидек, «ситуативлиги» билан фарқ килади. Бу оғзаки муомала жараёнида кўп нарса равшанлашади. Оғзаки нутқ методик тушунчаси қамровига:

(1) фикр баён этиш жараёни;

(2) айтиш;

(3) оғзаки мулоқот;

(4) фикр изҳори натижасини киритиш мумкин.

Ўқувчиларга чет тилда гапиришни ўргатиш амалий мақсад саналади, яъни таълимнинг дастлабки бир неча (тахминан уч хил) жараёни давомида улар гапириш ва тинглаб тушунишни, оғзаки нутқни ўрганиладилар.

Дарснинг сифати ва самарадорлиги кўп саҳифали тузилган дарс режасига боғлиқ бўлмайди. Режада мақсадлар амалга ошириладиган ишлар, ким, нимани ва қачон амалга ошириш, ҳар бир хатти-ҳаракатлар вақти сонияларга бўлинган бўлсада, дарсга тайёрланишга қанча меҳнат ва вақт сарфланса ҳам дарсдан қониқиш, кўзланган мақсадга эришмаслик ҳам мумкин. Баъзан пухта ишланган дарс режаси остин-устун бўлиб кетиши, ўқитувчи худди бўш ўқув хонасида дарс берганга ўхшаб қолиши мумкин.

Дарс жараёни ўта мураккаб бўлиб, ўқитувчи жуда кўп педагогик омилларни ҳисобга олиши керак: дарс куннинг қайси қисмида ўтади, ўқувчининг мияси чарчамаган дастлабки соатларда ёки охириги соатларда; мавзу мазмунининг мураккаблиги қандай; ушбу мавзунини ўқувчилар мустақил билиш фаолиятларини шакллантиришдаги роли ва ҳоказо. Шу сабабли ўқитувчи олдида доимо куйидаги муаммолар туриши лозим.

1. Нима сабабдан дарс ҳар хил ўтади?

2. Нима сабабдан дарслар натижалари ҳар хил?

3. Нима сабабдан муайян дарс бир ўқув гуруҳида аъло даражада ўтади ва бошқа гуруҳда шу дарснинг ўзи барбод бўлади ёки муваффақиятсизликка учрайди?

Дарсда ҳар бир ўқувчини ижодкорга айлантириш, уларни дарсда фаол қатнашишга, доимо фикрларини баён этишга тайёр туриши ўқитувчининг педагогик маҳоратини белгилайди. Бундай ўқитувчи ўқувчини билим олишга қизиқтира олиши, ундаги яшириниб ётган мотивацияларини рўёбга чиқариши, бунинг учун кўнглига йўл топиши лозим.

Аввал қизиқтириш, сўнгра ўргатиш лозим.

Ўқитувчининг фикри ва сўзи ўқувчиларни етаклаши, уларни ўйлаш, мустақил фикрлаш, хулоса чиқариш ва ҳар гал янгидан-янги қонун

ва қоидаларни фаол очишга имконият яратиши керак. Бунинг учун ўқитувчи фақат дарс мавзусини ҳар хил қизиқарли маълумотлар билан бойитиши, ўқувчиларни фикрлаши учун муаммоли вазиятлар ҳосил қилиши, уларда ўрганилаётган мавзуга қизиқишини уйғотиш лозим.

Дарсинг муваффақияти ва сифати ўқув гуруҳини муайян мавзуни ўрганишга мойил қилиш, уларни янги мавзуни қабул қилишга тайёрлаш, диққатини жалб қилишга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ўқувчиларни янги материални қабул қилишга тайёрлаш керак.

Агар ўқувчи гап нима ҳақида бораётганини тушунмаса билим олишга бўлган муносабати ва қизиқиши тезда сўнади.

Ўқувчилар ўз фикр ва мулоҳазаларини фарз ва гумонларини ҳамда таклифларини айтишга кўркмасликлари керак. Агар бу ишни билими паст ўқувчи ҳам бажаришга журъат этса, мақсадга мувофиқ бўлади ва уларни дарс жараёнида бунга жалб этиш лозим. Ҳар доим зеҳнли ва зийрак ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказавериш мақсадга мувофиқ эмас. Шундай қилиш керакки, энг уятчанг ва ўртача

ўзлаштирувчи ўқувчилар ҳам ўз фикри ва мулоҳазаларини эркин сўзлаб берсин. Савол-жавоб дўстона руҳда олиб борилиши лозим.

Ўқитувчи дарс мавзусини баён этиб ҳамма биргаликда бир фикрга келишган бўлса, мавзунинг моҳияти очилган бўлса, дарс ниҳоясида бефарқ ўқувчилар қолмайди. Ўқувчилар билим олишга қизиқиб, яна кўпроқ ҳаракат қилади.

Ўқиш ва ёзув ўқитиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Юқори синфларда ўқиб ва тинглаб тушунмайдиган материални ўзлаштирганида, гапириш ўқитиш воситасига айланади. Демак, гапириш 3 вазифани ўтайди: алоқа воситаси, ўқитиш воситаси ва ўқитишнинг амалий мақсади.

Чет тилда гапириш 3 қисмдан иборат нутқий фаолиятдир. Даставвал гапиришга мойиллик бўлиши тақазо этилади. Ушбу тил воситасида фикр айтиш эҳтиёжи туғилади. Нутқий ҳаракатни бажаришга мойиллик пайдо бўлса, бирор ахборот бериш, саволга жавоб қайтариш ёки нонутқий ҳаракатни ижро қилишга киришилади.

## ПИРАМИДА ҲАЖМИНИ ИСБОТИГА ДОИР БИР ХУСУСИЙ ҲОЛ

Ж. ҚАҲОМОВ, Т. Е. БҮРИЕВ,  
Самарқанд давлат университети ўқитувчилари

**Аннотация.** Мақолада пирамида ҳажмини исботига доир анъанавий исботлардан фарқли бир хусусий ҳол баён этилган.

**Калим сўзлар:** пирамида, пирамиданинг ҳажми, қирра, тўла пирамида, пирамиданинг баландлиги, пирамиданинг асоси.

**Аннотация.** В статье рассмотрена доказательства объема пирамиды, в отличие от традиционного конкретного случая.

**Ключевые слова:** пирамида, объем пирамиды, край, полная пирамида, высота пирамиды, основание пирамиды.

**Annotation.** The article deals with the amount of evidence pyramid, unlike the conventional case.

**Keywords.** The pyramid, the volume of a pyramid edge Entirely pyramid, the height of the pyramid, the base of the pyramid.

Элементар геометрия курсида текисликдаги фигуралар учун юза тушунчаси киритилишига ўхшаш, фазодаги жисмлар учун ҳажм тушунчаси киритилади. Жисмнинг ҳажми деб фазони маълум қисмига эга бўлган катталикни тавсифлангандиган сонга айтилади. Агар жисмни чекли сондаги учбурчакли пирамидаларга тақсимлаш мумкин бўлса, бундай жисмлар – содда жисм дейилади. Содда жисмлар учун ҳажм – бу мусбат катталик бўлиб, унинг сон қиймати куйидаги хоссаларга эга:

1) Тенг жисмлар тенг ҳажмга эга.

2) Агар жисм содда жисмларга бўлинган бўлса, жисмнинг ҳажми унинг қисмларининг ҳажмларини йиғиндисига тенг.

3) Қирраси бир ўлчов бирлигига тенг бўлган кубнинг ҳажми бирга тенг.

Юқорида келтирилган ҳажм таърифи ва унинг хоссаларидан фойдаланиб геометрия курсида жисмларнинг ҳажмини ҳисоблаш формулалари келтириб чиқарилади. Биз тўла пирамиданинг ҳажмини ҳисоблаш формуласини чиқаришнинг бошқа бир

усулини кўриб чиқамиз.

Тўла пирамидани оламиз ва унинг баландлигини  $n$ -та тенг бўлақларга бўлиб, бўлиш нуқталаридан пирамида асосига параллел текисликларни ўтказамиз. Бу ҳолда ҳар ён қирра  $n$ -та тенг қисмларга бўлинади ва кўйдагиларни ҳосил қиламиз:


$$SO = H = \Delta H \cdot n, \quad \Delta H = \frac{H}{n}$$

бу ерда  $H$  -пирамида баландлиги,  $n$  - натурал сон;

$O_i O_{i-1} = O_i O_{i+1} = \Delta H$ : ҳар бир бўлақнинг баландлиги.

Пирамида асоси -нинг юзи -чи бўлақнинг асосини юзи бўлсин ;

$$SO_{i-1} = \Delta H \cdot (i - 1); \quad SO_i = \Delta H \cdot i; \quad (i = 1, 2, 3, \dots, n)$$



Агар пирамида асосига параллел бўлган текисликлар билан кесишган бўлса, у ҳолда кесим юзи пирамиданинг асос юзига нисбати пирамида учидан шу юзаларгача бўлган масофалар квадратларининг нисбатига тенгдир, яъни кўйдаги тенгликни ёза оламиз:

$$\frac{abcde \text{ юзи}}{ABCDE \text{ юзи}} = \frac{b_i}{B} = \frac{(\Delta H \cdot i)^2}{H^2} \quad (1)$$

$$b_i = B \left(\frac{\Delta H}{H}\right)^2 \cdot i^2; \quad b_{i-1} = B \left(\frac{\Delta H}{H}\right)^2 \cdot (i - 1)^2; \quad (2)$$

Ҳажм миқдори тушунчасига асосан кўйдаги тенгсизликни ёза оламиз:

$$b_{i-1} \Delta H < v_i < b_i \cdot \Delta H \quad (3)$$

(1) тенгликка асосан, (3) кўш тенгсизликдан ҳосил қиламиз:

$$\frac{B \cdot \Delta^2 H \cdot \Delta H}{H^2} \cdot (i - 1)^2 < v_i < \frac{B \cdot \Delta^2 H \cdot \Delta H}{H^2} \cdot i^2 \quad (4)$$

(4) ифодада йиғинди (сумма)-га ўтаемиз:

$$\frac{B \cdot (\Delta H)^3}{h^2} \sum_{i=1}^n (i - 1)^2 < V < \frac{B \cdot (\Delta H)^3}{h^2} \sum_{i=1}^n (i)^2;$$

$$V = \sum_{i=1}^n v_i -$$

пирамида ҳажми.

Алгебрадан маълумки :

$$\sum_{i=1}^n i^2 = 1^2 + 2^2 + \dots + n^2 = \frac{1}{6} n(n + 1)(2n + 1).$$

$$\sum_{i=1}^n (i - 1)^2 = 0^2 + 1^2 + 2^2 + \dots + (n - 1)^2 = \sum_{i=1}^n i^2 = \frac{1}{6} n(n - 1)(2n - 1).$$

Шунинг учун :

$$\begin{aligned} (\Delta H)^3 \sum_{i=1}^n i^2 &= \frac{H^3}{n^3} \cdot \frac{n(n + 1)(2n + 1)}{6n^3} \cdot n \left[ n \left(1 + \frac{1}{n}\right) n \left(2 + \frac{1}{n}\right) \right] = \\ &= \frac{H^3}{3} \left(1 + \frac{1}{n}\right) \cdot \left(1 + \frac{1}{n}\right) \end{aligned}$$

$$(\Delta H)^3 \sum_{i=1}^n (i - 1)^2 = \frac{H^3}{n^3} \cdot \frac{(n - 1)n(2n - 1)}{6} = \frac{H^3}{6} \left(1 - \frac{1}{n}\right) \left(2 - \frac{1}{n}\right) = \frac{H^3}{3} \left(1 - \frac{1}{n}\right) \cdot \left(1 - \frac{1}{2n}\right)$$

Ҳосил бўлган натижалар асосида (4)-чи тенгсизликдан кўйдагини ҳосил қиламиз:

$$\frac{B}{H^2} \cdot \frac{H^3}{3} \left(1 - \frac{1}{n}\right) \left(1 - \frac{1}{2n}\right) < V < \frac{B}{H^2} \cdot \frac{H^3}{3} \left(1 + \frac{1}{n}\right) \left(1 + \frac{1}{2n}\right)$$

$$\frac{BH}{3} \left(1 - \frac{1}{n}\right) \left(1 - \frac{1}{2n}\right) < V < \frac{BH}{3} \left(1 + \frac{1}{n}\right) \left(1 + \frac{1}{2n}\right) \quad (5)$$

(5)-чи кўш тенгсизликни ўнг ва чап томонларини таққослаб, пирамиданинг ҳажмини ҳисоблаш формуласига эга бўламиз:

$$V = \frac{1}{3} BH \quad (6)$$

Демак, пирамиданинг ҳажми асосининг юзи билан баландлигининг кўпайтмасининг учдан бирига тенг эканлиги исбот бўлди.

Шундай қилиб, биз ихтиёрий бурчакли пирамиданинг ҳажмини ҳисоблаш формуласини элементар стереометрияда киритилган ҳажм тушунчаси ва унинг хоссалари асосида келтириб чиқариш мумкинлигини исбот қилдик.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. К.С. Барыбин, Геометрия. Учебник. 9-11классы, 2-ое издание. – М: Просвещение, 1968.

2. А. В. Погорелов, Геометрия. Учебник. 7 – 11 классы. – М: Просвещение, 1990

## МЕТОДИКА

“АДАБИЁТ” ДАРСЛАРИДА ЗУЛФИЯ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ  
ЎРГАНИШ

Гулором ЙЎЛДОШБЕКОВА,

Тошкент шаҳридаги 298-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада 6-синфда шоира Зулфия ижодини ўрганиш, унинг шеърларини таҳлил қилишга оид тавсиялар берилган бўлиб, шоиранинг шеърларидан парчаларнинг таҳлили асосида ўқувчиларнинг адабий таълим буйича назарий билимларини ривожлантириш методлари баён қилинган.

**Калим сузлар:** шеър, шоира, туйғу, образ, ифода, ўқувчи, адабий таълим, ўрганиш, таҳлил, назарий билим, тасвирий-бадиий восита.

**Аннотация.** В статье даны методические рекомендации по изучению творчества поэтессы Зулфии в 6-ом классе, на основе анализа отрывков из стихотворений поэтессы, излагаются методы развития теоретических знаний учащихся по литературе.

**Ключевые слова:** стихотворение, поэтесса, чувство, образ, выражение, ученик, изучение литературы, анализ, изобразительно-художественные средства.

**Annotation.** The article provides guidelines for the study of creativity of the poetess Zulfiya in the 6th grade, based on the analysis of excerpts from the poems of the poetess, outlines methods of theoretical knowledge of students in literature.

**Keywords:** ideological immunity, information presentations, religious extremism, culture, values, training and education, cooperation.

Умумтаълим мактабларида Зулфия ижоди 6-синфда ўрганилади. Ўқувчилар шоира ижоди билан дастлабки учрашувларидаёқ ўзбек шеърининг ўзига хос намояндаси ҳақида муайян тасаввурга эга бўладилар. Дарслиқда шоиранинг таржимаи ҳоли берилган ва ўқувчилар ёш-физиологиясига кўра шу маълумотни ўзлаштириш кифоядир. Шоира Зулфия шеърлари орқали ўқувчиларда ҳаётга теран кўз билан боқиш, табиатнинг гўзал манзараларини завқ билан томоша қилиш, камтарлик, ибо ва ҳаё фазилатларини синдириш, она Ватанга бўлган муҳаббат, ота-онага ҳурматни шакллантириш, ўқувчини ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга замин яратади. Адабиёт ўқитувчиси ўқувчилар эътиборини Зулфия ижодидаги бош мавзу – ҳижрон аламларига тортиш зарур. Зулфия шахси фақат истеъдодли шоира сифатида эмас, балки вафо ва садоқат тимсоли сифатида ҳам ўқувчилар маънавиятига таъсир қилишга эришмоқ ўқитувчининг асосий мақсади бўлиши зарур. Зулфиянинг шеърларини ёд ўқиб берилгандан сўнг, унинг шеърлари таҳлил қилинади. Ўқитувчи ҳар сатридан дард сиқилиб турган шеърлар ҳақида ахборот бермаслиги, балки ана шу дардчил асарлар воситасида ўқувчиларнинг шоира изтиробларини туйишларига имкон

яратиши даркор. Шунингдек, дарсни тўғри ва қизиқарли ташкиллаштириш натижасида ўқувчиларнинг маънавий-маърифий қарашларини, оғзаки нутқга оид малака, билим ва кўникмалари ривожлантирилади ҳамда улар шоиранинг ижодий фаолияти юзасидан тўлиқ маълумотга эга бўладилар.

## СЕН ҚАЙДАСАН, ЮРАГИМ

Қалб бўлганда йироқда  
Ирода экан ожиз,  
Дўстлар ҳам кўп атрофда,  
Аммо мен якка-ёлғиз...  
Бирдан қалбим кексариб,  
Қон ҳам қочди юзимдан.  
Сен, сирдошни ахтариб,  
Хаёл кетар изингдан.  
Қайга кетдинг юрагим,  
Битди бардош ва тоқат.  
Сухбатингдир тилагим,  
Дилда ҳасратим қат-қат.  
Кўпдир айтажак сўзим,  
Ўгитларингга зормен,  
Йиғлайсан деб дўстларим  
Таъна қилар нетай мен?  
Совуш бермайди менга,  
Ёқиб кетганинг олов,  
Нетай етмайман сенга,  
Ўртага ташланган ғов.  
Ишққа маскан юрагим,  
Топиб бер деб қистайди,

Нима қилай, бераҳим –  
Рухим сени истайди.

Зулфиянинг “Сен қайдасан, юрагим” шеъри Ҳамид Олимжон вафотидан бир йил ўтиб ёзилган бўлиб, унда ҳижрон ўтида қийналаётган аламдийда аёлнинг туйғулари акс эттирилган. Олдин шеърнинг оҳанги аниқлаб олиниши керак. Мазкур ғамгин шеър кўтаринки ёки баланд товуш билан ижро этилиши мумкин эмас. Мабодо шундай қилинса, шоиранинг овози, унинг ғамлари ифодаси, шеърларнинг асл руҳи йўқолади. Шунинг учун ҳам “Сен қайдасан, юрагим” шеъри майин овоз билан шикаста айтилиши даркор. Ўқитувчининг ҳазин овози ўқувчиларнинг туйғулари кўзини очади, уларни шеър руҳини туйишга, ҳис қилишга олиб келади.

Шеър билан танишиб чиқилгач, ўқувчилардан ушбу шеър бўйича фикр билдирадиганлар борми, деб сўраш мумкин. Мабодо шеърнинг матни қайсидир боланинг қалбида ҳиссиёт уйғотишга улгурган, кимдасир фикрлар пайдо қилган бўлса, уларни эшитишга эринмаслик лозим. Ўқувчиларнинг кичкинагина кашфиёти адабиёт ўқитувчиси учун ҳам, адабиётшуносларнинг илмий кузатувчилари чиқарган хулосаларидан кўра муҳимроқдир. Бу ўқувчиларнинг фикр-туйғулари ўқитувчиники ёхуд шоираники билан ҳамоҳанг бўлмаслиги ҳам мумкин.

Зулфия учун Ҳамид Олимжон ҳам сеvimли ёр, ҳам маслакдош дўст эди. Энди у – йўқ. Йиғламаслик, ғам чекмаслик имконсиз. Ирода ожизлик қилмоқда. Атрофда одам кўпу, лирик қаҳрамон “якка-ёлғиз”. Ахир унинг суйгани оламда биргина эди, холос. Унинг ўрнини ўзга босиши ва қаҳрамонини ёлғизликдан халос эта олиши мумкин эмас. Унинг хаёли ўзи истамагани ёки билмагани ҳолда йўқотганини излаш билан овора. Ёрини йўқотганидан дунёнинг рангсизланиб қолганини шоира: “Бирдан қалбим кексарди”, - дея ифодалайди. Шеър ёзганида шоира бор йўғи ўттиз ёшда эди. Шеърдаги дард, ҳасратзадалик бандма-банд ошиб бораверади.

Қайга кетдинг, юрагим,  
Битди бардош ва тоқат.  
Сухбатингдир тилагим,  
Тилда ҳасратим қат-қат.

Ўқувчилар айрилиқнинг зўридан тилда ҳасратлари қат-қат бўлган муштипар аёлнинг руҳиятини ҳис этишлари учун ушбу мисраларнинг маъносини тушунишлари даркор. Зулфиянинг бошига

фожиа тушган кезларда одам ўз ғамини айтиш имконидан ҳам маҳрум эканлиги билдирилиши керак. Негаки, ўша вақтдаги ҳукмрон “мафкура” жамиятда яшаётган одамларнинг бахтли бўлишини талаб қиларди. Қайғу ва ғам ҳақида керагидан ортиқ гапириш мумкин эмас эди. Бу ҳол шеърда, гарчи мулойим бир ҳазинлик билан “Йиғлайсан деб дўстларим таъна қилар. Нетай мен?” тарзда ифодаланган эса-да, бу мулойимлик замирида алам сирқираб ётибди. Шоира – аҳдида устувор. Туйғуларига хиёнат қилмайди. Шу сабаб кечинмалари совимайди. Алам, ҳижрон ҳар зумда янгиланади, рўзғори, фарзандлари, китоблар, дўстлари йўқотганини ҳамини эслатиб туради. Шу боис қуйидаги ўтли сатрлар битилган: “Совиш бермайди менга, Ёқиб кетганинг олов”. Ақл ёрнинг қайтиб келмаслигига иқрор бўлса ҳам, руҳ бунга кўникмайди.

Шеърни шоира ҳаёти билан боғлиқ ҳолда текшириш унинг таъсир даражасини янада оширади. Аммо уни фақат шахсий фожиадангина иборат тарзда изоҳлаш ҳам ўқувчиларни тўғри йўлга бошламайди. Мазкур драматик ҳолат шоира учун шахсий бўлсада, инсон сифатида у кечирган туйғулар болаларга ҳам бегона эмаслигига урғу бериши керак.

Зулфия фақат ўз туйғулари билангина ўралашиб қолган ижодкор эмас. У — дунё миқёсида ўйлайдиган, шу кўламда ҳис этадиган шоира. Шунинг учун олам ташвиши бегона эмас ва дунёдаги борки нокомиллик, адолатсизлик, ноҳақлик уни изтиробга солади, ўйга толдиради. «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» шеърида Зулфия поэзиясининг жаҳоний қамрови намён бўлади. Айни вақтда, у — куюнчак, фарзандининг тақдиридан ҳар дақиқа хавотирга тушадиган она. У ҳеч кимни ташвиқ қилмайди, ўртага ўтли чақириқлар ташламайди. Оддий она сифатида, аёл сифатида ўйга толади ва ўйларини маҳорат билан ифодалайди. Ифодалар самимияти шеърхонни нафақат ўз тақдири, балки олам тақдири ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Асл шеър шундай бўлади, самимий туйғулар хаёлга толдиради.

## ОЙДИНДА

Чарх тўлганда ой кўкда  
Боғчада бўлганмисиз?  
Ним мовий шуъла кафтда  
Дунёни кўрганмисиз?  
Жилиб-жилмас тўлин ой,  
Булут хаёлдай енгил,  
Ой анҳорда қулун той,

Гилосда шиғил-шиғил.  
 Яхлит ойнадай бўлиб,  
 Ҳовузга ёйилган у.  
 Эгилсам – тубдан тўлиб  
 Узим чиқдим рўбарў`:  
 Атрофим тўла саф-саф,  
 Минг-минг юлдуз опа ман.  
 Барин сидирға чайқаб,  
 Ерга судраб бораман.  
 Ерда: новда, гул, барглар,  
 Акси кашта сингари.  
 Сел унутган кўлмаклар  
 Мисли ойнинг сингани-  
 Ёнида парча – парча.  
 Шабнам нақ ёй сочган чўғ,  
 Ҳар нурда шодлик қанча,  
 Ҳар соя сирга тўлиғ.  
 Сайхонлар нақ нур майдон,  
 Уйқуда барча товуш.  
 Инида ухлар нодон,  
 Латофатни сезмас қуш.  
 Узимга ташлайман кўз:  
 Кўксим кўлимда шуъла  
 Осмонга тутаман юз,  
 Ел силар ёғду кўзла  
 Эҳ, умр ярмин ютиб,  
 Утган тунлардами айб?  
 Энди бу кўркни тутиб,  
 Кундузга бермасам ҳайф?

Зулфиянинг “Ойдинда” шеъри бошқа шеърлардан мазмун нуқтаи назардан ҳам, бадиий ифода тарзига кўра ҳам, шакл жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Шеърда кўкламнинг ёмғирдан кейинги тунларидан бирида юлдузлар чарақлаган осмон, оламини оқликка ўраган ой, хаёл каби тўзғиган булутлар гўзаллигини кўриб ҳаяжонга тушган шахснинг кечинмалари, ҳайратлари акс эттирилган. Бу асар шоира шеърияти йўналишининг сертармоқчилигини кўрсатиш, унинг ҳассос қалби ифодаси билан бевосита танишиш маъносидан олдин ўрганилган шеърларидан кескин фарқ қилади. “Ойдинда” шеъри ёд ўқиб берилиши керак. Шеър ўқилгач, ўқитувчи шеърдаги ифодаларни ўқувчилар кўз олдида гавдалантиришга уриниши лозим. Шунда ўқувчи муаллиф ҳолатига тушади. Унинг ҳолатига тушмай туриб эса, Зулфия шеъриятини ҳис этиш мумкин эмас. Ойнинг “жилиб-жилмас”лиги, “анҳорда қулун той”лиги-ю, “гилосда шиғил-шиғил” акс этаётганлиги, “булут хаёлдай энгил”лигининг сабаби топилиши лозим.

Анҳор тинимсиз тўлқинланиб оқади, шу боис унда акс этаётган ой қулундай югирик. Ёмғир ювиб кетган гилос меваларининг ҳар бирида биттадан ой жилва қилади, шу боис, гилосда “шиғил-шиғил”. Ҳовуз

оқмайди, шу боис ой унда яхлит ойнадай бўлиб ёйилган, ойни яхшироқ кўрмоқ илинжида эгилган лирик қаҳрамон яна бир Ойга, яъни ўзига рўбарў келади. У малика янглиғ минг-минг юлдузни сидирғасига чайқаб, ерга судраб кетмоқда. Чунки тиниқ осмоннинг ҳовуздаги акси тепадагисиданда тиниқроқ кўринади. Ўқувчилар ҳам ортидан минглаб юлдузларни эргаштириб қадам ташлаётган ойдай гўзал малакни кўз олдиларига келтирадилар. Бунинг учун шеърдаги тенгсиз ўхшатишларни, кутилмаган образли ифодаларни тушуниш керак.

“Сел унутган кўлмаклар Мисли ойнинг сингани” мисраларидаги чиройли ўхшатишдан ташқари “сел унутган кўлмак” образли ифодаси ҳақида ўйга толишга, унинг тагига етишга ўқувчиларни одатлантириш лозим. Самимий туйғулар ифодаси бўлмиш шеърдан ҳайратга туша оладиган, чинакам шеърий сатрлар бағридаги сеҳрни ҳис қилишга қодир ўқувчилар маънавий оламини шакллантириш адабий таълимнинг бош мақсадидир.

Шоиранинг барча асарларига ҳам туйғуларнинг пўртанали ифодаси, кечинмаларнинг табиийлиги хос. Айни вақтда, “Ойдинда” шеърида фожиавий руҳ ўрнини қувонч, ҳайрат туйғулар эгаллаган ва бу ҳолат ўзгача ифодани талаб этган.

Зулфиянинг шеърларини ўрганишга бағишланган соат охирида лирика ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, шоиранинг барча шеърлари қайтадан таҳлил этилиб, ёдлашга берилганлар сўраб, баҳоланади. Бадиий адабиётнинг турлари ҳақида олдинги синфларда шакллантирилган назарий билимларга таянган ҳолда лирик асарларнинг ўзига хослиги тўғрисида маълумот берилади. Лирик асарлар ҳам аслида воқеликнинг акси. Лекин бу тур асарларда воқелик муаллифнинг ҳис-туйғулари орқали акс эттирилади. Яъни лирик асарда воқеликнинг ўзи эмас, балки унинг муаллифга кўрсатган таъсири ифодаланади. Масалан, Зулфиянинг ҳижрон тароналарини ифодаловчи шеърлари Ҳамид Олимжоннинг ҳалокатини тасвирлашга эмас, балки ўша ҳалокат шоира қалбида қандай кечинмалар пайдо қилгани-ю ўша кечинмаларнинг даражаларини кўрсатишга бағишланган. Савол ва топшириқлар устида ишлаш, шеър таҳлилини амалга ошириш борасида ўқувчилар шоира шеърларининг тили ҳақида ҳам маълумотга эга бўлишлари лозимдир. Жумладан, ўқитувчи Зулфия шеърларида оддий сўзлардан фойдалангани, унинг мисралари ҳашамдор

иборалар, жимжимали қочиримлардан ҳоли, самимийлик билан ажралиб туриши, ўз фикрига муносиб сўз ва иборалар топа олиши, фикр ва туйғуларнинг аниқ ифода эта олиши ҳақида айтиб ўтмоғи ҳамда ўқувчилардан айтиб ўтилган фикрлар исботини асар матнидан топиб беришларини топшириқ сифатида бериши мумкин.

Бугунги кунда мактабда ўқувчиларга хассос шоира Зулфия ҳаёти ва ижодини ўрганишда илғор педагогик технологиялар асосида қуйидаги методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, ўқувчиларга Зулфия шеърларидан ифодали ўқиб бериш топширилади (энг яхши ўқийдиган ўқувчига) ва диктафон орқали овози ёзиб олинади, сўнг бошқа ўқувчиларга эшиттирилади. Сўнгра шеър матни ўқувчилар томонидан ўқитувчи ёрдамида таҳлил қилинади: шеърда қўлланилган тасвирий-бадий воситаларни, туроқни, неча бўғинли эканлигини, қофиядош сўзларни аниқлаш каби машқлари бажарилади. Дарсликда берилган савол ва топшириқлар устида ишлаш орқали ўқувчилар шеърнинг мазмунини тўлиқ ўзлаштириб олишга эришадилар. Шунингдек, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ўқувчига шоира шеърларидан парчани чет тилига таржима қилиш вазифа қилиб берилади. Машғулот жараёнида шоира қаламига мансуб шеърдан икки мисра ёздирилиб ва мазмуни, қофиясига мос равишда давом эттириш айтилади. Фанлараро боғлиқлик, турли интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали дарсни ташкиллаштириш ҳам ўқувчиларда Зулфия ижодини ўрганишга бўлган қизиқишни оширади. Масалан, “Блиц-сўров” методида қуйидаги саволлар шоира ҳаёти ва ижодига хос маълумотларни хотирасида узоқ сақлашга ёрдам беради

т/р	Савол	т/р	Жавоб
1	Зулфиянинг дастлабки шеърлари қайси ном билан босилиб чиққан?	1	Зулфия
2	Зулфия Исроилова қандай халқаро мукофот соҳибаси ҳисобланади?	2	“Семурғ”, “Зайнаб ва Омон” достонлари асосида пьеса ва опера либреттолари

3	“Уни Фарход дер эдилар”, “Хижрон кунларида”, “Далада бир кун”, “Тонг қўшиғи”, “Юрагимга яқин кишилар”, “Куйларим сизга” каби ўнлаб шеърини тўпламлар муаллифи ким?	3	“Х а ё т варақалари”			
4	Зулфия Ҳамид Олимжоннинг ишларини сабот билан давом эттириб, қандай асарлар яратди?	4	“Қуёшли қалам”, “Мушоира”, “Хотира синиклари” каби			
5	Шоира Зулфия қандай номдаги поэмалар ёзган?	5	“Нилуфар”			
савол		1	2	3	4	5
жавоб		3	5	1	2	4

“Муаллифини топинг” машқи орқали шоира ва ундан аввал ҳаёти ва ижоди ўрганилган адибларнинг асарлари кетма-кетликда берилади. Ўқувчи қайси асар қайси ижодкорга тегишли эканлигини катақларга белгилаб чиқади.

Ўқувчилар эътиборига ўзбек ижодкорлари биргаликда тушган фото ёки видеолаваҳа намоиш этилади. Ўқитувчи ўқувчиларга “Улар ҳақида нималарни биласиз?” дея савол беради (масалан, суратда Зулфиянинг Ғафур Ғуллом, Ҳамид Олимжон, Ойбек билан ижод устида суҳбатлашиб ўтирган вақтдаги сурати). Ўқувчилар суратдаги хоҳлаган ижодкор ҳақида билганларини сўзлаб беришлари мумкин бўлади.

Юқорида берилган тавсиялар ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга, ижодий фикрлашга, сўзлардан оғзаки ва ёзма нутқларда моҳирона фойдаланишга ёрдам беради.

# XORIJIY TILNI O'RGANISHDA GRAMMATIK MASHQLARNING AHAMIYATI

Muyassar MAMANBAYEVA,  
Guliston shahar 3-umumta'lim maktabi ingliz tili fani o'qituvchisi

**Аннотация.** Мақола ўқувчиларга хорижий тилларни ўргатишда қўлланиладиган методлар тафсилотига бағишланган бўлиб, мисоллар ёрдамида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ривожлантиришга оид методик тавсиялар берилган. Мақолага машқ қилиш учун инглиз тилидаги матн илова қилинган.

**Калит сузлар:** хорижий тил, грамматик қоида, нутқ, матн, оғзаки машқ, ёзма машқ, ўқувчи, кўникма.

**Аннотация.** Статья посвящена характеристике методов, применяемых учащимися при изучении иностранных языков, даны методические рекомендации по развитию устной и письменной речи учащихся. Прилагается текст для упражнений на английском языке.

**Ключевые слова:** иностранный язык, грамматические правила, речь, текст, письменные упражнения, устные упражнения, ученик, навыки.

**Annotation.** The article is devoted to the methods used by students in the study of foreign languages, given guidelines for the development of speech and writing speech of students. Attached is the text for the exercises in English.

**Keywords:** ideological immunity, information presentations, religious extremism, culture, values, training and education, cooperation.

Hozirgi davrda maktab o'quvchilarini o'qitishning faol jarayoniga jalb etish jiddiy masala bo'lib, uning hal etilishi ko'p jihatdan u yoki bu fanni o'rgatishdagi ijobiy yo'nalishlarga bog'liq. Chet tillarni o'qitish jarayonida o'quvchilarga mustaqil ishlash va muloqotning yangi vaziyatlarida ular o'zlashtirib olgan bilim, ko'nikma va malakalarni ijodiy qo'llashni singdirish zarur.

O'qiganda yoki o'zga shaxs nutqini tinglaganda "Grammatika" atamasini uchratgan kishi uni turli ma'nolarda tushunishi mumkin. Buning sababi bor. O'rta maktab ona tili kursida "Grammatika" deganda tilshunoslikning bir sohasi, bo'limi tushuniladi. Xorijiy tilni o'rganganda esa unga nutqning grammatik tomoni deb qaraladi. Ilmiy manbalarda bayon etilgan turli-tuman ma'lumotlarni chet til o'qitish maqsadiga tatbiq etib, "Grammatika" so'zini ikki tushuncha bilan chegaralash mumkin:

1. Nutqning grammatik tomoni – tilning gapirish, tinglash, o'qish va yozuvda uchraydigan grammatik hodisalari (masalan, nutq namunasi, fe'lning shaxs shakli, artikl).

2. Til hodisalarini ta'riflovchi mavhumotlar (masalan, ega gapda birinchi o'rinni egallaydi, otning ko'plik shakliga falon qo'shimcha qo'shiladi).

Hozirda xorijiy tilni o'qitishda ko'proq o'quvchilarning og'zaki nutqini o'stirish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bilan bir qatorda o'quvchi xorijiy tilda erkin suhbatlasha olishi uchun, albatta, grammatik qoidalarni bilishi muhim. O'qituvchi uchun tilni o'rgatishning eng muhim tomoni bu grammatika. Xorijiy til o'qituvchisi grammatikani taqdim etish orqali o'quvchilarni yanada aniqroq tushunadi – grammatika o'quvchilar uchun nima foydali ekanligini yaqqol namoyon qiladi.

Grammatikani taqdim etishning turli yo'llari

mavjud. Grammatikani o'rgatish o'quvchida tilning ma'lum jabhalarini tushunish qobiliyatini rivojlantiradi. Taqdim etilgan grammatik hodisalar xorijiy tilda ko'nikmaga aylantirilishi uchun mashq qilish davri boshlanadi. Avvalo, ko'nikma haqida qisqacha izoh: grammatik ko'nikma deganda, nutqda morfologik-sintaktik hodisalarni to'g'ri va avtomatlashgan tarzda qo'llashni va tanib olishni ta'minlovchi operatsiyalar va amallar tushuniladi. Morfologik ko'nikmada shakllar yasalishi va qo'llanishi operatsiya va amallar to'g'risida gap boradi. Sintaktik ko'nikmaga esa so'z tartibi, so'z birikmalari yasalishi kabilar kiradi. Grammatik materialning qo'llanish ko'nikmasiga so'zlarni o'zgartirish va so'zlarni o'rniga qo'yish kiritiladi. O'quvchilar o'zlashtirishni boshlagan grammatik hodisalar mashq qilish yo'li bilan ularning nutq faoliyatiga kiritiladi. Bu davrda sof xorijiy tilcha tabiiy nutq haqida gap yo'q, balki, o'quv nutqi, tabiiy nutqqa taqlid qilish mashqlari bajariladi. O'quvchilarning nutq ko'nikmalari shakllanish chog'ida grammatik hodisalarni "muhrlash" jarayoni yuz beradi. O'qishni egallashda grammatikani quyidagi tartibda mashq qilish mumkin:

1. Matnda grammatik hodisani tanib olish (masalan, matnni o'qing va falon grammatik hodisani topib ayting).

2. Grammatik hodisani taxminlab bilish imkoniyati mavjud (masalan, matnni yoki jumlani o'qib, tushurib qoldirilgan qismini topib aytish yoki yozish).

3. O'xshash grammatik hodisalarni farqlash (masalan, matnni o'qib, fe'l zamonlari farqini topish va hakazo).

4. O'rganilayotgan grammatik hodisa o'qilayotgan matnni tushunishga imkon yarata-

di (masalan, matnni o'qing va falon grammatik hodisaga e'tibor bering va matnni mazmunini gapirib bering).

### Og'zaki mashq qilish:

1. Taqlidan aytish. Masalan, siz ham xuddi shunday qilishingizni va shu narsalarni ko'rishingizni ayting. O'qituvchi: I see a pen, I speak English, siz: I see a pen too, I speak English too.

2. O'rin almashtirish. Masalan, o'rtog'ingizdan kitob berishni, olishni, ochishni... so'rang.

3. Aytilganni o'zgartirish. Savolga javob qaytarish, savol berish, fikrga qo'shilish yoki e'tiroz bildirish.

### Yozma mashq bajarish:

Gaplarni ko'chirish va kerakli hodisaning tagiga chizish; o'qib ko'chirish; qoldirib ketilgan hodisani qo'yib yozish; faloncha gapni mavzuga moslab yozish; qavs ichidagi so'zlar ishtirokida savollar tuzish; tagiga chizilgan so'zlarni ularning ekvivalentlari bilan almashtirish; ostiga chizilgan so'zlar yoki jumalarning foydalanish sababini aytish.

### Diagrammadan foydalanish:

Grammatikani o'rgatishda diagramma ko'rgazmalardan foydalanish o'rganuvchilar uchun juda foydali. Agar o'qituvchi diagrammadan foydalanayotgan bo'lsa uni oddiy qog'ozga tushunarli tarzda ifodalasa shuni o'zi o'rganuvchi uchun yetarli.

Kamon o'qlari ikki xil fe'l o'rtasidagi farqni ko'rsatadi:

A \_\_\_\_\_ B

He has **gone** to Spain \_\_\_\_\_ X

A \_\_\_\_\_ B

X \_\_\_\_\_ He has **been** to Spain

?

X

So'z tartibini o'zgarishini ko'rsatish uchun ham foydalanish mumkin.

You are a student.

Are you a student?

### Fleshkartochkalaridan foydalanish:

Fleshkartochkalar kichik hajmdagi rasml yoki so'zlardan iborat bo'lgan kartochka bo'lib, ko'proq lug'at bilan ishlashda qo'l keladi. Biroq ulardan biz grammatik mashqlarda ham foydalanishimiz mumkin. Quyida biz fleshkartalardan foydalanishimiz mumkin bo'lgan grammatik holatlarni taqdim etamiz.

Rasmlar: a) gaplar tuzishda, zamonlarni ifodalashda, fe'llarni ajratib ko'rsatishda qo'llashimiz mumkin.



e.g. They are drinking coca-cola.



e.g. At New Year Eve you run across the Santa Clause.

b) turli vaziyatlarni hal etishda yoki muhoma uchun savollar berishda qo'lashimiz mumkin.

### What would you do?

c) qisqa javoblarni ko'rsatish uchun ishlatiladi.

YES

NO

d) so'roq va bo'lishsiz gaplarni ko'rsatish uchun foydalaniladi.

### Kichik hikoyalar:

Yozma mashq bajarish kabi o'qituvchi tomonidan aytilgan og'zaki hikoya grammatikani o'rgatishda eng natijali usul hisoblanadi. Agar hikoya voqeiy-hikoya bo'lsa va o'qituvchi tomonidan yaxshi so'zlab berilsa, o'rganuvchining tinglash qobiliyatini rivojlantirishda va diqqatini oshirishda yordam beradi.

Hikoyani so'zlashdan oldin yaxshilab tayyorlanish kerak. Agar oldindan tayyorlab yozib olinsa ma'qul bo'ladi. Hikoyani qayd etayotganda grammatikaning barcha namunalari qamrab olinishi shart. Lekin bu hikoya mazmunini buzadigan darajada ko'p bo'lmasligi kerak. Darsda hikoyani o'quvchilarga o'qib berish emas, balki aytib berish lozim. Hikoyani aytib bo'lgandan so'ng shu asosida savollar yoki o'quvchilarning shunga o'xshash qanday hikoya bilishlari so'raladi. Hikoyada qo'llagan barcha grammatik namunalarni doskada ko'rsatib beriladi.

Bu usullardan o'quvchi o'zi mustaqil holda foydalana olishi kerak. O'qituvchi yordamisiz o'quvchi bu vazifalarni darsdan tashqarida tushuna bilib bajarishi lozim. Darsni samarali bo'lishida ushbu usullar, albatta, o'qituvchiga yordam beruvchi vosita hisoblanadi.

### THE TECHNOLOGICAL MAP OF THE LESSON

Stage time	Objectives	Teacher's role	Pupil's activity
<b>Motivation</b> 3 minuts	To greet with pupils	Greet with pupils and call them out	Greet with teacher and tell who is absent at the lesson
<b>Speech work</b> – 5 minuts	To warm up lesson atmosphere	Give some warm up questions; To have the game played	Answer the teacher's warm up questions; to play the game;

<b>Introduction</b> 10 minutes	To introduce the theme with eliciting activity	To raise awareness about foreign companies work in Uzbekistan.	To get information about companies work in Uzbekistan
<b>Practise</b> 15 minutes	to raise awareness about multi-nationals that work in Uzbekistan.	Giving definition to multi-nationals; to give pupils handings	To fulfil the exercises given by teacher (definition, matching, map working activities)
<b>Production</b> 10 minutes	To reinforce the knowledge about multi-nationals	To control pupils' reading and listening activities	To read the text given in the textbook
<b>The end</b> 2 minutes	To evaluate pupils, and to give homework	To give feedback to groups and mark pupils individually.	To get feedback and to note homework for the next lesson

### The theme : Multi – nationals 9<sup>th</sup> grade

Moto: Live and learn

Objectives :

Educational : Speaking about joint ventures working in Uzbekistan;

to widen pupils' point of view about multi- nationals;

to practise reading for the gist; to practise expressing opinions

and giving reasons for them

Training : To train national sense of pupils to the motherland

To stimulate pupils to think about how to control the

behavior of companies

Developing : To help pupils in choosing profession and job;

Visuals : books, pictures, cards, grammar tables, a tape- recorder

Vocabulary : Daewoo, Xerox, Siemens, joint-ventures, multi- nationals etc.

Type of lesson : Problem solving

Level : Intermediate.

#### Lesson rules:

1. Respect others and their property;
2. Raise your hand to answer;
3. First think then speak;
4. Be active!
5. Speak only in English;

**Procedure :** a) greeting.

1. National anthem of Uzbekistan will be sung;
  2. The teacher greets with pupils;
- b) warm up(working with pictures as a warm up)

c) to evaluate pupils and encourage them at the end of the lesson;

#### The beginning of the lesson:

Good morning dear pupils! Let's begin our lesson. Who is on duty today? Who is absent (the teacher sings the pupil who is absent)? As a warm up activity let's work with pictures. Here is given for you pictures of famous English and American writers. Let's speak about them. (pupils speak about Jack London, William Shakespeare and George Bernard Shaw, they put their biographies under the pictures and read them).

#### Checking up the homework:

Answer the questions.

1. What do the letters NGO stand for?
2. What NGOs do you know?
3. What NGOs work in Uzbek?

#### Introduction.

**Objectives:** to raise awareness about foreign companies work in Uzbekistan.

Teacher: Look at the pictures and say their names as far as you know.

What companies are they? Do you know what we call companies that work in several countries?



#### New theme : Multi – nationals

Activity 1.

To change pupils' seats, dividing into :

- a) Beta tea b) Siemens c) Daewoo groups

#### Practise:

Activity 1 a. Pupil will be handed companies and their definitions, match them and find their definitions.

**Objectives:** to raise awareness about multi-nationals that work in Uzbekistan. Giving definition to each multi-national.

XEROX- is an Uzbek and American joint-venture making copies of documents.

Daewoo- is Uzbekistan and South Korean Company manufacturing different types of cars.

Beta tea- is an Uzbek and Sri Lankan company producing tea.

SIEMENS- is Uzbek and German joint-venture producing different electronic tools.

BRITISH AMERICAN – is a company producing tobaccos, .

TOBACCO cigars.

Activity 1 b. Match the companies and the country they come from. Pupil say the names of

countries if they know.

**Objectives:** to revise the names of foreign countries

DAEWOO	South Korea
XEROX	The United States of America
SIEMENS	German
BETA TEA	Sri Lanka
BRITISH AMERICAN TOBACCO	Great Britain

Activity 2a Add more companies which work in Uzbekistan but have their parent company in another country.

**Objectives:** to revise the names of foreign countries

For example,

Nokia	Finland
LG	Russia
ARAB TEA	England

Activity 2 b Choose odd one out. In a or b part the companies belong to multi-nationals or doesn't.

**Objectives:** to revise informations about non-governmental organizations and find out differences between multi nationals and them.

A	B
● DAEWOO	● RED CRESCENT
● SIEMENS	● UNESCO
● UNESCO	● OXFAM
● BETA TEA	● UNICEF
● LG	● COCA COLA
● XEROX	● W W F
● ARAB TEA	● HEALTHY GENERATION

Activity 2c Working with map. Show the countries 2 a and 2 b from the map;

**Objectives:** to raise awareness about working with world map

**Production :**

Activity 1 Listen an interview between a reporter and an employee of a joint venture

**Objectives:** to practise listening for specific information

Listen an interview between a reporter and an employee of a joint venture company. You should listen to the interview and complete the notes

- Good points about the company;

- Differences from local companies;
- Negative points about the company.

Activity 2 Read and say what happened and why in your mother tongue.

**Objectives:** to read for the gist; to translate and to practise summarizing in their mother tongue.

Be carefull! Not all multi-nationals are good guys. Some multi-nationals have caused problems in the past. For example, there was the great baby milk scandal. In Europe, companies cannot promote dried milk for babies. In fact, every packet must carry a warning against giving the milk to babies. This is because a mother's own milk protects babies from diseases and has more value than dried milk. But some companies wanted to sell their dried milk. They couldn't sell very much in Europe because of the regulations. So they sold it in Africa instead. Because people there didn't know that it was not the best thing for babies, they bought it. It wa not cheap, but they thought it was a modern, good and convenient. But it was not good for babies and some babies died.

Activity 3 Brain Gym activity.

**Objectives:** to give pupils a brain rest during the lesson

Raise your left leg and right arm and move them simultaneously.

Activity 4 Mini test.

**Objectives:** to check up pupils knowledge about multi-nationals

- Xerox is .....
  - an Uzbek and American joint venture making copies of documents.
  - an Uzbek and Sri Lankan company producing tea.
  - Uzbek and German joint venture producing different electronic tools.
- Daewoo is.....
  - an Uzbek and Sri Lankan company producing tea.
  - Uzbekistan and South Korean company manufacturing different types of cars.
  - a company producing tobaccos, cigars
- British American Tobacco is.....
  - Uzbekistan and South Korean company manufacturing different types of cars.
  - an Uzbek and Sri Lankan company producing tea.
  - a company producing tobaccos, cigars

**The End of the lesson:**

The teacher gives feedback to groups and mark pupils individually.

Homework: Read and translate the radio report on page 101

## ПЕДАГОГИКА

ШАХСГА ЙУНАЛТИРИЛГАН ЁНДАШУВНИНГ  
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

О.К.ҚУВОНДИҚОВ,  
Самарканд давлат университети профессори,  
М. А. ЭШМИРЗАЕВА,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти  
мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақола олий таълим муассасаларида “Физика” ўқув фанини ўқитиш жараёнида шахсга йуналтирилган таълим технологияларини қўллашга бағишланган. Унда шахсга йуналтирилган таълимга мутахассислар томонидан берилган таърифлар таҳлил қилинган, унинг асосий принциплари изоҳланган, бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари ҳамда шахсга йуналтирилган таълимни амалга оширишда кузатиладиган қийинчилик ва муаммолар очиб берилган.

**Калит сузлар:** талаба, билим, даража, ёндашув, индивидуал, физика, педагогик технология, шахсга йуналтирилган таълим, ўқитувчи, функция, муносабат.

**Аннотация.** Статья посвящена применению технологий личностно-ориентированного обучения студентов высших учебных заведений в процессе преподавания учебного предмета «Физика». В ней проанализированы характеристики личностно-ориентированного обучения в трактовке специалистов, пояснены его основные принципы, раскрыты отношения учителя и ученика, сложности и проблемы, наблюдаемые в учебном процессе.

**Ключевые слова:** студент, знание, уровень, подход, индивидуальный, физика, педагогическая технология, личностно-ориентированное обучение, учитель, функция, отношение.

**Annotation.** The article is devoted to the use of learning technologies self-orientated students in higher education in the teaching of the subject «Physics». It analyzes the characteristics of student-centered learning in the interpretation of experts, explained its basic principles, and discloses the relationship of teacher and student, and the complexity of the problems observed in the learning process.

**Keywords:** student knowledge, level, attitude, personal, physics, educational technology, student-centered learning, the teacher, the function, attitude.

Давлат ва жамиятнинг таълимга бўлган талаблари асосида талабаларнинг ўқув фаолиятини ҳисобга олган ҳолда дарсларни ташкил этиш, уни такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида республикамизда ва МДҲ мамлакатларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизими тубдан ислоҳ қилинаётган ҳозирги даврда олий ўқув юртлари муҳим бўғин ҳисобланади. Олий ўқув юртларида турли йуналишдаги ўрта махсус таълим муассасаларидан келган, ҳар хил даражадаги билим, кўникма, малакага эга бўлган талабалар билан ишлашга тўғри келади. Шу боис барча фанлар сингари физика фанини ўқитишда ҳам талабанинг индивидуал хусусиятларини, имкониятларини ҳисобга олиш, физика таълими самарадорлигини таъминлашда турли педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсларни ДТС талабларига мувофиқ ташкил этишнинг мақбул йўллари билан бири ҳисобланади. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг 3.3.3-бўлимида таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш учун “янги педагогик ва ахборот технологиялари, шахсга йуналтирилган ёндашув тизимидан

фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш” кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини шакллантиришда муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Шахсга йуналтирилган таълимнинг долзарблиги фан, маданият ва маърифат масалалари бўйича БМТ таркибидаги нуфузли бўлим – ЮНЕСКО томонидан ҳам тан олинган. Бу ташкилот комиссияси томонидан ишлаб чиқилган «XXI аср таълим концепцияси» асосида ҳам шахсга йуналтирилган таълим принциплари баён этилган. Юқорида айтилган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, шахсга йуналтирилган таълим концепциясини амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш энг долзарб масала эканлиги равшан. Шу жумладан, шахсга йуналтирилган таълимда билим беришнинг мақсади – ҳар бир талабанинг қобилиятини аниқлаш орқали уни ривожлантиришдан иборат эканлиги ҳамда уларни машғулот ва ўқитиш жараёнида шахс сифатида шакллантириш кераклиги тавсифланди.

Республикамиз таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим (маълумот) нинг мазмуни, аввало, комил инсон ва малакавий

мутахассисни тайёрлаш жараёни мазмуни билан белгиланади.

Таълим ва ўқитишга гуманистик ёндашиш, бошқа ёндашишлардан биринчи навбатда, ўзининг мақсадлари билан фарқ қилади. Бугунги кунда бу мақсад, гуманистик психологиянинг асосчилари тавсифлаган мақсадлардан фарқ қилмайди.

Шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш учун ўқитувчида маълум сифатлар бўлиши керак. Карл Роджерс бундай 5 та шартни аниқлади:

1. Инсонга турмушда учрайдиган қийинчиликлардан чиқишини билиш хоҳиши керак. Инсон ўзига керак бўлган психологик тарафни (хавфсизлиги, ўз-ўзини ҳурмат қилиши, ўз-ўзича фаоллик) қондириш учун нималарни билишга, ўзгартиришга ҳаракат қилади, бу интилиш унинг ички мотивациясини ҳал қилади.

2. Ёрдам берувчи инсон (фасилитатор) конгруэнт бўлиши керак. Конгруэнтлик тушунчасининг синонимлари табиийлик, аутентлик, мослик. Конгруэнтлик бу инсон англаган реал сезгининг тенглиги. Ўқитувчининг конгруэнтлиги нимада рўёбга чиқади. Конгруэнтлик айтадики, ўқитувчи, ўз навбатида қандай бўлиши кераклигини аниқлайди, у ўзининг бошқа одамларга муносабатини англаши керак. Бу дегани у ўзининг ҳақиқий ҳиссини қабул қилади. Шундай қилиб, у ўқувчилар билан очиқ муносабатда бўлиб қолади. У суҳбатлашганда нима билан қувониши кераклиги, уни қизиқтирмайдиган мавзуда зерикishi мумкинлигини англаш керак.

3. Ижобий муносабатда бўлиши. Фасилитатор бизнинг ҳолда ўқитувчи, у ёрдам кўрсатган одамга нисбатан илиқ муносабатда бўлиши керак.

4. Эмпатия тушуниш (ўқитувчи ўқувчининг ички дунёсини тўғри тушуниши керак).

5. Конгруэнтлик ва эмпатия мижозга юборилиши, ўзгартирилиши керак.

Демак, ҳозирги кунда университет, институт, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактаблари учун амалий психологик ва шахсга йўналтирилган ўқитиш бўйича дастурлар яратишга зарурат туғилмоқда. Бундай дастурларнинг бўлмаслиги ва ўқитувчи шу руҳда тайёрланмаслиги, шахсга йўналтирилган ёндашувни таълимда қўллашга имконият бермайди.

Шахсга йўналтирилган ёндашув психотерапияда, таълимда, бошқаришда, тиббиёт амалиётида, оилавий ва халқаро алоқаларда қўллашнинг муаллифи сифатида ҳам Карл Роджерс ҳисобланади.

Роджерснинг гуманистик ғоялари, ўқитиш потенциалининг оширилишига кўмаклашиши, барча мактаблар учун, айниқса, ҳозирги жамият учун, шу жумладан, бизнинг

жамиятимиз учун ўта муҳимдир.

Педагогика (жумладан дидактика) психология билан узвий боғлангандир. Бу боғланиш нафақат тадқиқод объекти (инсон, ўқувчи)нинг умумийлиги билан, балки, умумназарий ҳолатларда, инсоннинг табиатини тушунишда, кўринишда муҳимдир. Турли хил психологик назариялар турли педагогик қарашларга олиб келади.

Жаҳон психологиясида тўртта тан олинган ва қисман бир-бирига қарама-қарши бўлган йўналишлар мавжуд: психотаҳлил, бихеволизм, гуманистик психология ва когнитив психология. Бу йўналишларнинг ҳар бири инсон ҳақида, унинг ривожланиши, унинг ҳаракати ҳақида ўз тасаввурларига эга. Демак, ўқитиш методи ва тарбия бўйича ҳам худди шундай. 1-Жадвалда бу йўналишларнинг қисқача тавсифномаси берилган.

Жадвалдан кўринадики, психологиядаги гуманистик йўналиш психотаҳлил ва бихеволизмга қарама-қарши йўналиш сифатида пайдо бўлади.

Гуманистик психологияни инсонга машина каби қараш қониқиш ҳосил қилмайди, инсонга ҳайвонлар устида олиб борилган тажрибаларни кўчириш, “Рухсиз психология” (бхеволизм), касалларни ўрганишда олинган натижаларни (психотаҳлил) соғ инсонга кўчириш билан қониқиш ҳосил қилмайди.

Шахсга йўналтирилган технология ҳам худди шунингдек, бошқа педагогик ёндашувлар еча олмаган масалаларни ўқитиш жараёнида қўллашни ўз ичига олади. Бу эса янги типдаги педагогикани яратишга, яъни ҳозирги кун учун керак бўлган замонавий педагогикани яратишга олиб келади.

Таълимга гуманистик ёндашиш, қонун ва тегишли ҳужжатлар орқали мустаҳкамланишига қарамасдан, мамлакатимизда таълим, шахсга йўналтирилган ёндашув бўйича ўз ўрнини топгани йўқ. Агар биз шахсга йўналтирилган ёндашув бўйича интернет сайтига мурожаат қилсак, қуйидаги маълумотларга эга бўламиз. Ҳозирги кунгача ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари томонидан бажарилган ишлар 1661 мингта ҳужжат, китоб, ўқув қўлланмалари, курс ва диплом ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари борлигини кўрамиз. Жумладан, математика бўйича – 314 минг, физика бўйича – 261 минг, кимё бўйича – 178 минг ва бошқа фанлар бўйича 678 минг. Бу ишлар ичида давлатимиз олимларининг илмий ва услубий ишлари жуда кам сонда.

Шахсга йўналтирилган ёндашишнинг моҳиятини яхши тушунириш учун уни аъъанавий, ҳозирги кунда кенг тарқалган ёндашиш билан таққослаймиз.

Аъъанавий ва шахсга йўналтирилган ўқитишни таққослаш.

Мақсад ва аниқ йўналиш бўйича

## Психологик йўналишларнинг тавсифномалари

1-жадвал.

Йўналиш	Инсонга қараш, муносабат	Педагогик назария
Психотаҳлил	Иккита инстинкт – ҳаёт ва ўлим инстинкти (агрессивлик ва сексуаллик) одамнинг фаолиятини аниқлаб беради. Инсон ўзини қандай тутишини дастлаб сезмайди. Шунинг учун у ўзини бошқариш билан кам шуғулланади.	Педагогнинг вазифаси– инсонни ўзига мойил бўлган қобилият билан қониқиш ҳосил қилишга ўргатади.
Биховорезим	Инсоннинг ўзини тутиши, унинг асосида нима турганлигига боғлиқ. Инсон учун қулай бўлган шароитлар унинг хулқини мустаҳкамлайди ва аксинча, агар хулқ ёмон оқибатларга олиб келган бўлса, у вақтда инсон бундан қочишга ҳаракат қилади.	Ўйлаб яратилган тақдирлаш ва жазолаш педагог учун болани тўғри тарбиялашга олиб келади.
Г у м а н и с т и к психология	Инсон ижодиётга ва ривожланишга қараб туғилади. Ана шу табиий потенциални амалга ошириш инсоннинг туғма истеъдодидир. Кўпинча жамият бу заруриятни амалга оширишга тўсқинлик қилади.	Педагогнинг вазифаси талабанинг ана шу туғма қобилиятни амалга оширишга шарт-шароит яратиш беради, яъни унинг нимага қобилияти борлигини намойиш қилади.
Когнитив психология	Инсоннинг ўзини тутиши факт ва ҳодисалар орқали аниқланмасдан, балки бу факт ва ҳодисалар ҳақидаги қарашлари билан аниқланади.	Педагог асосий эътиборини боланинг билиш жараёнини ва унинг актив фаолиятига эътибор беришни ҳосил қилади.

ўқитишдаги анъанавий усулни дидактик марказлашган, яъни бутунлай ўқитишга қаратилган усул деб қараш мумкин. Бундай ёндашиш боланинг шахсий ривожланишига эътибор бермайди.

Ҳозирги кунда таълимнинг тарбиявий хусусиятини амалга ошириш учун ўқитувчи ўзига қўйилган қуйидаги талабларга тўлиқ риоя қилиши керак.

*Биринчидан*, талабанинг дунёқараши, унинг нуқтаи назари, эътиқоди қандай шаклланишини билиши керак. Талаба фақатгина дарслик доирасида ўралиб қолмаслиги учун кенг доирада фикрлаш, тасаввур қилиш қобилиятини шакллантириш зарур.

*Иккинчидан*, талаба шахсининг маънавий, меҳнатсеварлик, нафосатлилик фазилатларини такомиллаштиришда ҳар бир дарснинг аҳамиятини тушунтириб бориши керак.

*Учинчидан*, ўқув жараёнида талабаларда ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлиши, юзага чиқиши ва ифода этилишини таъминлаш лозим.

*Тўртинчидан*, талабалардаги қобилиятларни юзага чиқишини кўра билиш ва уларни такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиши зарур.

Демак, ўқитувчи шу талаблар асосида шахсга йўналтирилган таълимни юқори поғоналарга кўтаришга эришади.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияситашкилий шаклига кўра шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш механизмларини шакллантиришга, фаоллаштиришга йўналтирилган бўлади.

Бизнингча, шахсга йўналтирилган таълим технологияси термини унча тўғри танланмаган. Сабаби, биринчидан, барча таълим технологиялари шахсга қаратилган; иккинчидан, рус тилидаги “личностно-ориентированное обучение” термини таржимасини “шахсга мўлжалланган”, деб ўгириш мумкин. Лекин, адабиётда биринчи термин кенг тарқалгани учун, биз ҳам шу терминдан фойдаланамиз. Шахсга йўналтирилган таълим (ШИТ) – шахсга – ўқувчига таълим жараёнининг субъекти деб қарайди ва унинг ривожини педагогик жарённинг мақсади деб ҳисоблайди. Таълимнинг шахсий парадигмаси асосида шахсга мўлжалланган ва йўналтирилган нуқтаи назар ётади. Н.А.Алексеев ШИТга қуйидагича таъриф беради: “Бу шундай таълимки, унинг бошида (марказида) ўқувчининг ўзлиги, субъективлиги, қадрияти туради. ШИТ – бу ўқувчининг ўқитишни субъектив омилларини ҳисобга олувчи таълим бўлибгина қолмай, балки унинг шахсий функцияларини таълим жараёнига жалб этишни ташкил қилиш методологияси”.

Ҳар қандай педагогик технология дидактик тизимларнинг лойиҳаси бўлгани учун ҳам,

## Шахсга йўналтирилган таълим компонентлари

2-жадвал

	Дидактик марказлашган ёндашиш	Шахсга йўналтирилган ёндашиш
Мақсадга йўналтириш	Дастурни бажариш, билим, кўникма, малакага эга бўлиш. Шахсни берилган андаза бўйича шакллантириш.	Ўқувчи шахсини ўз-ўзича ривожлантириши шарт-шароитни яратиш, ўқув жараёнида ўзининг индивидуаллик қобилиятини аниқлаш.
Устуворлик, муҳимлик	Дастур, дидактик воситалар	Ўқитувчи, талаба шахси, ўз-ўзича қадрлаш, ўқувчининг ва талабанинг субъектив тажрибаси
Бош омил	Ўқитиш (билим, кўникма, малака)	Таълимот, билиш (жараён)
Бош қиёфа	Ўқитувчи	Ўқувчи, талаба
Иккита тажриба (индивидуал ва шахс) нинг ўзаро таъсири	Жамиятнинг тарихий тажрибаси индивидуалликни сиқиб чиқаради. Индивидуал тажрибани жамият тажрибасига қўшиб юбориш.	Индивидуал тажрибани доимий қўллаш, уни ижтимоий-тарихий тажриба билан мослаштириш. Кўникма ўқитишнинг тўғридан-тўғри проекцияси эмас.
Шахсни ривожлантириш	Норматив фаолиятни эгаллаш орқали.	Субъектив тажрибани ўзгартириш. Субъектив тажриба хусусий ривожланишнинг манбаи.
Тамойиллар	Илмийлик, мантиқийлик, кўргазмалик	Дарсда ҳаётни давом эттириш, хурсандчиликка эга бўлиш жараёни. Эркинлик ва мажбурий бўлмаслиги керак. Эмоционал сезгирлик тажрибасига таяниш, табиий қобилият. “Мен” концепция, тажрибага таяниш.
Услуб (метод)	Дарсни ўқитиш (мажбурийлик)	Таълимот. Ўқув фаолият натижаларини шахсий манфаат сферасига ўтказиш.
Мотивация	Ташқи	Ички, хусусий
Муносабат	Субъект-объект	Субъект- субъект
Фалсафа	Ўқимасанг ўргатамиз, хоҳламасанг – мажбур қиламиз.	Ўз ҳолингча ҳал қил, ўз йўналишингни танла.

ШИТ технологияси бундан мустасно эмас. Н.А.Алексеев тавсифига кўра, унда педагог ўқув фаолиятни лойиҳалаш ва уни амалий ташкил қилишда ўқувчининг психологик тараққиёти ва савиясини ҳамда уларнинг имкониятини ҳисобга олиши керак.

В.В.Сериковнинг фикрича, ШИТ–ўқув ситуация ёки шахсга йўналтирилган ўқув ҳолати тарзида изоҳланади. Ситуация – унинг таъбири бўйича алоҳида педагогик механизм бўлиб, у ўқувчини янги шарт-шароитларга

қўяди, ўз-ўзича англаш, қайта англаш, рефлексия вазиятига ўтказилади. Шундай қилиб, В.В.Сериковнинг фикрича, ҳар қандай педагогик технология шахсга йўналтирилган бўлиши мумкин, агар у субъектлараро фикрлаш, англаш муҳитини ҳосил қилса. Шундай қилиб, ШИТ технологиясининг қуйидаги асосий хулосаларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

1. ШИТ қуйидаги таълим шакллари ўз ичига олади:

- ҳар хил савияли (сатҳли);
- дифференциаллашган;
- индивидуаллаштирилган;
- субъектив шахсий.

2. ШИТнинг калит тушунчалари ва звенолари қуйидагилар: индивидуал, шахс, ўз фикри, субъект, субъективлик, субъектив тажриба, билим стратегияси, шахснинг ривожланиш траекторияси, ўқувчининг ўрганиш услуги (МЕН-концепцияси), ўқитувчининг ўргатиш услуги (педагогик қўллаб-қувватлаш).

3. ШИТнинг ўқувчиларни ўқитиш ва тарбия-лашдаги асосий қоидалари ва ҳолатлари:

- ўз-ўзича фаоллик;
- индивидуаллик;
- субъективлик;
- танлаш, танлаш имконияти ва эркинлиги;
- ижод ва муваффақият.

4. ШИТнинг технологик қуроллари – унинг методлари ва услубларидир, улар:

- диалогик бўлиш;
- ижодий характердаги фаолият;
- ўқувчининг индивидуал ривожланишини қўллашга йўналтирилганлик;

-ўқувчини мустақил фикр ва қарор қабул қилиш, ижод қилиш, ўқишнинг мазмуни ва шаклини танлаш учун керакли эркинликлар яратишдан иборатдир.

5. ШИТга асосланган педагогик технологиялар:

- шахсга йўналтирилган таълим;
- ўз-ўзича (мустақил) ривожланувчи таълим технологияси;
- педагогик ҳамкорлик (бир-бирига кирувчи технология);
- ўйинлар технологияси;
- ривожланувчи таълим технологияси;
- муаммоли таълим;
- савиявий дифференциаллаш технология;
- индивидуал таълим технологияси (индивидуал яқинлашиш, индивидуал таълим, лойиҳалар методи);
- таълимнинг жамоавий усули;
- ҳар бир мавзу ёки параметр (модель, қонун ёки ҳодиса учун) атрофида маънавий, муаммоли вазият ҳосил қилиш;
- майда дидактик бирлик ва тушунчалардан йирик дидактик бирликларга динамик ўтиш ва аксинчани таъминлаш ҳамда қўллаш;
- фикр “фокусини” эркин ва мажбурий “алмаштириш” асосида таълимни ташкил этиш (ўқиш жараёнини тузиш);
- сифатий ва реал (ҳаётий) масалаларга катта аҳамият бериш;
- шахсга йўналтирилган ҳар хил рефлексия (фикр юритиш, ҳаёл суриш) шаклларида фойдаланиш;
- ўқувчиларни ҳар бир янги ўқув фаолиятини доимий мотивлаштириш ва стимуллаш;

- ўқувчиларнинг таълимдаги индивидуал перспективасини яратиш;

- ўқувчиларнинг билимларини ривожлантирувчи ва интеграцияловчи машғулотлар (ҚВЗ, конференция, заковот, зинама-зина каби викториналар) ташкил этишни ривожлантириш;

- ўқувчининг “МЕН концепцияси”ни позитив ривожланишига ҳамда шахсий баркамоллигига эришишига имкон ва шарт-шароит яратиш.

Шунингдек, ШИТ асосида дарсни тузиш ва ташкил қилиш (дарс модели, режаси, тажриба ва намойиш, дифференциаллашган уй вазифа ва ҳ.к) катта аҳамиятга эга. Бунда дарснинг назарий, амалий, ҳаётий аҳамиятини таъкидлаш, физика мавзуси бўйича олинган билимни кейинчалик қўллаш мумкинлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Шахсга йўналтирилган технология асосида ўтказиладиган дарс сифати ва савияси: ўқитувчининг дарсга тайёрлиги, дарсни ташкил қилиш сифати, дарснинг мазмуни, қўлланилган ўқитишнинг педагогик технологиялари, ўқувчи-талабалар билан мулоқотда ва суҳбатда бўлиши, ўқувчиларни баҳолаши ва тақдирлаши, ўқувчилар билан индивидуаллашган ва селектив ҳамкорлик қилиши, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва маданияти ҳамда профессионаллигига боғлиқ.

Юқорида зикр этилганлар – ШИТнинг умумий тамойилларидир. Ҳар бир педагог, физика таълимнинг босқичи, бўлими ҳамда ўқувчиларнинг савиясига мос ҳолда ШИТга ёндашишлари керак бўлади.

Лекин амалда ШИТни амалга оширишда қуйидаги қийинчилик ва муаммолар мавжуд:

- шахсга йўналтирилган таълим технологиясининг “бир қийматли” эмаслиги;
- ўқитувчилар учун методик қўлланмаларнинг йўқлиги;
- ШИТ асосида ўқитиш учун таълим муассасаларининг дидактик материаллар ва асбоб-ускуналар билан таъминланмаганлиги;
- ўқувчиларнинг ШИТга тайёр эмаслиги;
- ўқитувчиларнинг етарли даражада профессионал ва қайта тайёргарлигининг йўқлиги;

Бу муаммоларни бартараф қилиш учун барча олий ўқув юртлари талабаларига шахсга йўналтирилган курс бўйича маърузалар ўқиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказ тингловчилари учун махсус курслар киритиш ўқитувчи ва талабалар учун ўқув қўлланмалари яратиш зарур.

# TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA PEDAGOGNING MULOQOTI VA MADANIYATI

G. XOLIQOVA,  
Navoiy viloyati PXQTMOI o'qituvchisi  
S. NASIROVA,  
Uchquduq tumanidagi 18-maktab o'qituvchisi

**Аннотация.** Мақолада ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги муҳим жиҳат, унинг педагогик мулоқоти таълим жараёнининг муҳим компоненти эканлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган, шунингдек, педагогик муомаланинг ижтимоий-психологик жараён сифатидаги функциялари, тузилиши ва мулоқот услублари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** мулоқот, муомала, педагогик фаолият, ҳамкорлик, педагогик жамоа, жараён, функция, услуб, компонент.

**Аннотация.** В статье изложены особенности педагогического сотрудничества как важный компонент образовательного процесса, раскрыты функции, структура и методы общения как социально-психологический процесс.

**Ключевые слова:** общение, педагогическая деятельность, сотрудничество, педагогический коллектив, процесс, функция, метод, компонент.

**Annotation.** The article describes the characteristics of pedagogical cooperation as an important component of the educational process, disclosed functions, structure and methods of communication as a socio-psychological process.

**Keywords:** communication, educational activities, cooperation, teaching staff, process, function, method component.

Rivojlanib borayotgan jamiyatimizda sog'lom avlodni, komil insonni voyaga etkazish masalasiga katta e'tibor berilmoqda. Komil insonning muhim sifatlaridan biri muloqot madaniyatidir. Muloqot inson hayoti va faoliyatining muhim shartidir. Ayni muloqot yordamida insonlar tabiatni o'zlashtirish va o'z ehtiyojlarini qondirish uchun birgalikda harakat qilish imkoniyatiga ega bo'ladilar. Pedagogik muloqot — bu muloqot turlaridan biri bo'lib, pedagogik faoliyatda muhim o'rin tutadi.

Pedagoglar jamoasida o'qituvchilar o'rtasidagi muomala, munosabatlar, insonparvarlik, demokratiklik, ixtiyoriylik tamoyillariga asoslanadi. Ular odatda, ikki xil bo'lib, biri — rasmiy, ikkinchisi — norasmiy muomala deyiladi. Rasmiy muomala, munosabatlar O'zbekiston Respublikasining Qonunlari, direktiv hujjatlariga asoslanadi. Norasmiy muomala pedagogik etikaning (o'qituvchi odobining) qonuniyatlariga asoslanadi va jamoaning har bir a'zosi tomonidan ixtiyoriy ravishda bajariladi. Muomala odobi psixologik qonuniyatlar, odob normalari, qoidalari, talablari pedagoglar jamoasining fikri asosida boshqariladi.

Yoshlarga ta'lim-tarbiya berish bir kishining ishi emas, uni pedagoglar jamoasi bajaradi. Yolg'iz o'qituvchi har qancha urinsa ham, qobiliyatli, tirishqoq, ishchan bo'lsa ham bir o'zi ko'zlangan pedagogik maqsadlarga erisha olmaydi. Har bir muallimning xatti-harakati, xulqi, muomalasi pedagoglar jamoasining maqsadi, talablariga mos bo'lmog'i kerak. Maktablar tajribasi shuni ko'rsatadiki, jamoaning ayrim o'qituvchiga ta'siri pedagoglar jamoasida shakllangan muomala odobi, munosabatlarga bog'liq.

Ma'lumki, pedagogik talabning mazmuni maktab jamoasining maqsadi, vazifalaridan kelib chiqadi. Lekin bu talablarning xarakteri, shakl va usullari har bir muallimning muomala odobiga, shaxsiy fazilatlarini, uquvi, pedagogik mahoratiga bog'liq.

Pedagoglar jamoasi ma'lum talablar qo'yish, faoliyatiga axloqiy baho berish yo'li bilan o'qituvchining xatti-harakatlarini yo'naltirib, o'zgartirib, to'g'rilab boradi. Pedagogik jarayonda muallimning erkin bo'lishi bilan birga intizomga ongli ravishda rioya qilishi, ijodkorlik bilan birga olib borilgan taqdirdagina pedagoglar jamoasining fikrini, axloqiy talablarini muallim ixtiyoriy ravishda bajaradi. Bunday muhit o'qituvchida o'z kuchiga ishonch tuyg'usini o'stiradi.

Pedagoglar jamoasida o'zaro yordam va ishonchning mavjudligi muomala odobiga amal qilishning muhim shartlaridan biridir. O'zaro yordam va bir-birlariga ishonch pedagogik, metodik adabiyotlardan bilib olingan yangiliklarni o'zaro baham ko'rish, tajriba almashish kabilarda yaqqol namoyon bo'ladi.

Muomala odobiga rioya qilish pedagoglar jamoasining maqsadiga, o'qituvchilarning axloqiy saviyasiga bog'liq. Bu jarayonda muallimlar orasida o'zaro fikr almashish, o'rtoqlarcha munozaralar qilish natijasida har bir o'qituvchining bilim darajasi ortadi, o'zaro aloqalari mustahkamlanadi. Maktablarda muallimlarning o'zaro aloqa shakllari xilma-xildir. Muomala odobini shakllantirishda o'qituvchilarning o'zaro ijodiy hamkorligi muhim ahamiyatga ega. Hamkorlik ko'pincha bir xil fanlardan dars beradigan muallimlar o'rtasida

bo'ladi. Pedagoglar jamoasida o'zaro tajriba almashishi bir-birlarining darslariga kirish, tarbiyaviy tadbirlarni kuzatish shaklida amalga oshiriladi.

Pedagogik faoliyatning o'ziga xos xususiyatlaridan biri shundaki, o'qituvchi bilan pedagoglar jamoasi orasida qarama-qarshilik obyektiv ravishda vujudga kelishi mumkin. Ma'lumki, o'qitish jarayonida muallim o'quvchilar bilan yakkama-yakka holda muloqotda bo'ladi. Shuning uchun ham ayrim kishilarda ta'limning samarasi pedagoglar jamoasida emas, faqat o'qituvchining o'ziga bog'liq, degan xato tushuncha hosil bo'ladi. Bunday tushuncha bo'lgan muallim pedagoglar jamoasidan ajralib qoladi. Shuning uchun ham pedagoglar jamoasi har bir o'qituvchining xulqini to'g'ri yo'naltirib borishi lozim.

Pedagogik muomala — bu o'qituvchining o'quvchilar bilan dars va darsdan tashqari paytdagi qulay psixologik holat yaratish maqsadida olib boradigan kasbiy muloqoti.

Pedagogik muomala ijtimoiy-psixologik jarayon sifatida quyidagi funksiyalarga ega: shaxsni aniqlash; axborot almashuv; faoliyatni tashkil etish; rol almashtirish; hamdardlik; o'z qadrini bilish; ishtirokchilarni almashtirish; kechinmalar hosil qilish; o'zida ishonchni shakllantirish va hakoza.

Axborot almashish funksiyasi materiallarning va ma'naviy sifatlarni almashtirish, ta'lim-tarbiyaviy jarayonni rivojlantirish, ichki ijobiy o'zgarishlarni hosil qilish, hamkorlikda bilishga oid qidiruv hamda ongli fikrlashga zarur sharoit yaratadi.

Pedagogik muomala tuzilishi quyidagilarni o'z ichiga oladi.

1. Pedagog tomonidan sinf bilan bo'ladigan muomalani modellashtirishi (prognostik bosqich).
2. Dastlabki o'zaro faoliyatga kirishuvdanoq bevosita muomalaga kirishuv (kommunikativ hukm).
3. Pedagogik jarayonda muomalani boshqarish.
4. Kelajakdagi faoliyatni inobatga olgan holda qo'llanilgan muomala sistemasi va modellashtirishni tahlil qilish.

Noto'g'ri pedagogik muomala o'quvchilar qo'rquvini, ishonchsizligini, diqqati, xotirasini bo'shashtiradi, bilish qobiliyatini pasaytiradi, mustaqil fikrlashni susaytiradi va salbiy xulq-atvorini shakllantiradi. Natijada o'quvchida o'qituvchi va predmetga nisbatan salbiy munosabat shakllanadi. Pedagogik faoliyatda o'qituvchi va o'quvchilar hamkorligi uning samaradorligini ta'minlaydi.

Muloqot muomala va hamkorlikdagi harakatdan tashkil topadi. Ilmiy tadqiqotlar ko'rsatadiki, o'qituvchilar doimo o'z o'quvchilari bilan emotsional-turg'un munosabatlarda bo'lganlari o'qishda, xulq-atvoridagi nuqsonlarni osoyishtalik bilan ishonch asosida hal etadi.

O'quvchilar bilan qo'pol muomalada bo'lgan

o'qituvchilar esa o'quvchilar ishonchini yo'qotadi. Tadqiqotchilar o'qituvchining sinf jamoasi bilan munosabatlarida 3 ta uslub mavjudligini ta'kidlaydi. 1. Barqaror ijobiy (turg'un). 2. Faol ijobiy. 3. Barqaror bo'lmagan (turg'un bo'lmagan) uslub.

Muomalada o'qituvchilarning ish uslublari 3 xil bo'ladi:

1. So'zsiz buysunishga asoslangan uslub.
2. Demokratik uslub.
3. Ko'ngilchanlik uslubi.

Xushmuomalalik ishtirokchilar o'rtasidagi o'zaro hamkorlik munosabatlarini tartibga solishga yordam beruvchi axloqiy mezon. Xushmuomala xulq-atvorli pedagog insonparvarlik prinsipiga asoslanib, eng murakkab vaziyatlarda ham insonni hurmat qilish asosida ish tutadi.

Pedagogik xushmuomalalik pedagogning kasb sifati, ya'ni mahoratining bir bo'lagidir. Pedagogik nazorat umumiy nazoratdan farqlanib, o'qituvchi shaxsining asosiy sifati bo'lib, o'quvchiga to'g'ri malakali yondashishni nazarda tutadi. Shunday qilib, pedagogik xushmuomalalik — o'qituvchining o'quvchiga maqsadga muvofiq ta'sir ko'rsatish mahoratini belgilab beradigan samarali uslubiy aloqasidir.

O'qituvchining o'quvchilarga qo'yadigan talablari me'yoridan ortiq bo'lishi teskari natijalarni, me'yoridan ortiq ko'ngilsizlik esa salbiy natijalarni keltirib chiqarishi mumkin. O'qituvchi o'quvchini hurmatlab buni o'quvchilarga ko'rsata olishi zarur. Hurmat qilish ochiq ko'ngillikni, erkalatishni, talabchanlikni inkor etmaydi, aksincha, uni kuchaytiradi. Talabchanlik o'quvchi yoshining ulg'ayishi bilan orttirib boriladi.

O'quvchilar bilan o'qituvchi o'rtasidagi tushunmovchilikning asosiy sabablaridan biri — o'qituvchining xushmuomala emasligi, ya'ni o'quvchilarning tashqi ko'rinishi, aqliy rivojlanishi, qobiliyatlariga qo'pol ravishda e'tiroz bildirishi natijasida ro'y beradi. Ba'zi o'qituvchilar sinfda, ko'chada, qayerda bo'lmasin o'quvchilarni ogohlantiradi. O'qituvchining xushmuomalaligi darsning barcha bosqichlarida amalga oshirilishi kerak. Asosiy e'tiborni o'quvchilar uy vazifalarini tekshirish va baholashga qaratishi lozim. O'quvchining javobidan kulumsirashi, yuz-qo'l harakatlarini o'zgartirishi, izoh berishi maqsadga muvofiq emas.

Pedagogik xushmuomalalik o'qituvchining ma'naviy yetuklik darajasi, qaysiki o'z ustida ishlab, maxsus bilimlarini orttirib borishi va o'quvchilar bilan xushmuomalalik qilish ko'nikmalarini shakllantirishni talab qiladi. U, avvalo, yoshlar ruhiyati va hozirgi zamon o'quvchilarining xususiyatlari haqida pedagogik ma'lumotga ega bo'lishini talab etadi.

# THE OPPORTUNITIES OF PUPILS' COMPLEX DEVELOPMENT ON THE BASIS OF MODERNIZATION THE CONTENT OF PRIMARY EDUCATION

R.SAFAROVA,  
doctor of pedagogical sciences, professor

**Аннотация.** Мақолада ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини мунтазам назорат қилиб бориш, уларнинг олаётган билимларидаги бўшлиқларни ўз вақтида тўлдирши, иқтидорли ўқувчилардаги интеллектуал потенциални мунтазам ривожланишига шарт-шароит яратиш, уларни катталар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишга қизиқтириш, саломатликларини муҳофаза қилиш ва мустақамлашга қаратилган педагогик ёндашулар ва тажрибаларни бойитиш, ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан ҳамда педагогика фанининг энг илғор ютуқларидан мунтазам фойдаланиш, таълим жараёнига ахборот-коммунакацион технологияларини олиб кириш, уларни самарали қўллаш, ўқитувчиларнинг ота-оналар билан ҳамкорликда фаолият юритишларини йўлга қўйиш, бошланғич синф ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакаларини мунтазам ошириб бориш ҳақида фикр юритилган.

**Таянч сузлар:** таълим мазмунини модернизациялаш, бошланғич таълим мазмуни, принциплар, ҳамкорлик муносабатлари, муваффақият, вазият, замонавий педагогик технологиялар, таълим жараёни, билим, кўникма, малака.

**Аннотация.** В статье освещены вопросы постоянного контроля усвоения учащимися знаний, умений и навыков, своевременного восполнения слабо усвоенных знаний, создания условий для развития интеллектуального потенциала одаренных учащихся, повышения интереса младших школьников к деятельности в сотрудничестве со взрослыми. Изложены также педагогические подходы к защите и укреплению здоровья учащихся, вопросы использования в учебно-воспитательном процессе современных педагогических технологий и новейших достижений педагогической науке? проблемы совместной деятельности учителей родителей, постоянной переподготовки и повышения квалификации учителей начальных классов.

**Ключевые слова:** модернизация содержания образования, содержание начального образования, отношения сотрудничества, ситуации успеха, современные педагогические технологии, образовательный процесс, знания, умений, навыки

**Annotation.** This article highlights the issues of constant control of pupils' knowledge, abilities and skills, the timely replacement of poorly digested knowledge, creating conditions for the development of the intellectual potential of gifted pupils, increasing interest of younger pupils to the activities in collaboration with adults. It also outlines the pedagogical approaches to the protection and strengthening of health of pupils, the use in educational process of modern pedagogical technologies and the latest achievements of pedagogical science, the problems of joint activity of teachers and parents, constant retraining and advanced training of primary school teachers.

**Key words:** modernization of education content, content of primary education, relationship of collaboration, situations of success, modern pedagogical technologies, educational process, knowledge, ability, skills.

After the adoption of the law "About education" and the national program on personal training there have been realized a wide range of positive changes.

Today, the traditional teaching has been replaced with personal oriented approaches. In this regard, scientific – pedagogical and educational – methodological books reflect such issues like regularly monitoring pupils' gained knowledge and skills, filling knowledge gaps in time, creating the necessary conditions for sustainable development of pupils, interest pupils to work with adults, enriching the pedagogical approaches towards strengthening the protection of pupils' health, and working out a plan for the extracurricular training activities, using effectively pedagogical technologies and the most advanced achievements of pedagogy and IT in teaching process, creating an opportunity for teachers to work with pupils' parents, using modern methods in retraining and enriching primary school teachers.

The main tasks of modern elementary, school children education is to create situations taking into account the provision of favorable conditions, for the development of necessary pupils knowledge and skills and their

educational activity, methods, to educate them how to solve the problems, self control, self esteem, input them into productive dialogue. In order to modernize the primary education the first, it should be successfully combined the traditional and modern approaches which are aimed to solve methodological problems. One of the conditions for the successful modernization of elementary education is didactic approach all its main areas. In this case, the initial success of learning process, based on the principals of humanism, diversification, active approach to training and human orientation meet the needs of the organization based on human principals.

Elementary school pupils' each academic subject must be a source of intellectual and emotional development. In this process, the pupils' interests, communication well with peers and adults the opportunities to fully explain their point of view are needed to expand. New text books and their methodological approaches, materials, should be easy to understand. Required to establish effective circumstances in order teachers and pupils, pupils with pupils corporate together. Teaching materials in

these subjects, should serve to form general methods to understand activities and concepts. That's why it is essential that school pupils should understand the determination cause and effect relationship. In the learning process as well as educational activities related to the various forms of interaction pupils should be able to use the methods. There should be balance between tasks and pupils' knowledge and age abilities, logical thinking and feelings, words and visual aids, lucid and clear and unclear reasonable situations, events, hypothesis and deep thought view points. The content specifics of subjects should be reflected in teaching methods.

Primary education content is chosen taking into account pupils' effective activity, their mental activities methods, educational activities aimed at the development of their future success, comprehension of tasks, the relationship of cooperation within teachers and pupils, pupils and pupils, each pupils effective activity in successful situations.

The content of basic education must be modernized on the following principles:

1. The content of training, focused on pupils personality – to personalize the learning experience and provide a basis for the development of spiritual comfort.

2. Learning content oriented to pupils to bring to their mind the culture of Uzbek people - the integrity of the content, to express the scene of material world, to be based on system, to serve to form the intellectual ability, the task cognition background, culture, ideology and cultural attractions.

3. The conditions of educational activity on the basis of work, educational activities, the importance of the transition to life situations, pupils of joint training activities, formation of creative work demand based on their own development.

These principles, as well as the modernization of the content of primary education, are based on the following:

a) secondary school is as a part of the educational environment;

b) further development of the pupil;

c) the existent of the principle of Minimax at a primary education, high marks and a small number of characters are applied in it;

d) the use of a system where home assignments are chosen carefully,

The features of a primary education must demonstrate the following:

- single methodology, methodological, didactic and psychological systems;

- elementary school pupils and each pupil's psychological features should be taken into account maximally;

- formation of a holistic view of the world in the minds of the pupils;

- multidisciplinary participation and the formation of the integration between the contents of educational subjects, each subject and all disciplines' features are taken into account;

- not only a methodical and didactic materials, or various forms of control work, but the combination of knowledge dynamics using tests;

- primary school teacher should be transferred from

authoritarian teaching style and personal situations; At the same time, taking into account the level of pupils' knowledge and lessons of strokes, each pupil has the opportunity to choose to create a private education spheres;

- lessons to be able to change the organizational form: the form of collective work in small groups to ensure that the transition to a mixed form;

- The professionalism of teachers and pedagogical potential of creating new educational environment to achieve maximum utilization;

- the only language competence; It is necessary to learn the language, reading, Russian language (in Russian schools), and the provision of training pupils with methods of integration between the foreign languages;

- Elementary school pupils in the implementation of the concept of citizenship and the formation of a new sense of self-sacrifice;

pupils to get rid of the excessive load, the basis for the development of their intellectual creation

- on the basis of the scientific content of the curriculum of primary school pupils and cultural qualities of maturity, independence, ability to respond to the resolutions have forming skills.

New forms of learning teacher for pupils learning tools, methods and techniques are being improved. These tools are intended to include differentiated work assignments, logical nature of the exercises to introduce pupils to environmental issues and tasks, assessment, self-evaluation and monitoring tasks, as well as the nature of a series of exercises.

Primary education is expected to rely on the cooperation in the modernization of the content of the effectiveness of teaching. Due to the joint technical education for the following tasks:

School-age pupils, their support for the implementation of full capacity as possible, the opportunity to make their own unique characteristics;

- primary school pupils to work together in the formation of personal qualities necessary for communication;

- improvement of the situation of love and emotional well-being.

If the necessary conditions are met all primary school pupils are able to read successfully. It will be ensured taking into account the characteristics of younger school age on the basis of the content of the educational process efficiency. The experience of the pupil age and level of understanding of financial assets represents all aspects of the educational decision-making process.

Pupils of primary education the opportunity to choose the type and form of educational activity should be treated as equal entities. Each pupil will create educational materials via a private right to choose spheredevelop their intellectual, physical and mental development opportunities. The content of school discipline based on a holistic view of the world, which will create favorable conditions for. Textbooks for primary schools, created for all the help they have unique content on a consistent system of orders, educational and extracurricular educational process for a single approach should be applied.

## BO‘LAJAK BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QITUVCHILARINI TAYYORLASHDA MODERNIZATSIYALASHGAN TA‘LIMNING ASOSIY YO‘NALISHLARI

Zulfiya URAZOVA,  
Nizomiy nomidagi TDPU o‘qituvchisi, pedagogika fanlari nomzodi

**Аннотация.** Мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнининг самарадорлигини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари “Математика ўқитиш методикаси” курси мисолида очиб берилган. Муаллиф бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг муҳим шартларидан бири сифатида уларни бошланғич таълимда дидактик ўйинлардан фойдаланиш бўйича касбий компетенцияларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратган.

**Калит сўзлар:** бошланғич таълим, мазмун, методика, тушунча, дидактик ўйин, талаба, касбий тайёрларлик, индивидуал ёндашув, педагогик шарт-шароит, педагогик технология, шакллантириш.

**Аннотация.** В статье раскрываются педагогические условия повышения эффективности подготовки будущих учителей начального образования на примере учебного предмета «Методика преподавания математики». Особое внимание уделяется формированию компетенции по применению дидактических игр как важному компоненту подготовки учителей начальных классов к педагогической деятельности.

**Ключевые слова:** начальное образование, содержание, методика, понятия, дидактические игры, студент, профессиональная подготовка, индивидуальный подход, педагогические условия, педагогические технологии, формирование.

**Annotation.** The article reveals the pedagogical conditions of increase of efficiency of preparation of future teachers of primary education by the example of the subject «Methods of teaching mathematics.» Particular attention is paid to development of competence in the use of didactic games as an important component of the training of primary school teachers to pedagogical activity.

**Keywords:** primary education, content, methods, concepts, didactic games, student training, individual approach, pedagogical conditions, pedagogical technologies, the formation

Respublikamiz ta'lim tizimida so'nggi yillar mobaynida yosh avlodni aqliy, jismoniy va intellektual kamolotga yetkazishda ko'p islohotlar amalga oshirildi.

I.A.Karimov ta'kidlab o'tganidek, «Bu murakkab dunyoning azaliy va abadiy muammolari, shu bilan birga har bir davrning dolzarb muammolariga har tomonlama asosli ilmiy javoblar topilgan taqdirdagina, ma'naviyat olami yangi ma'no-mazmun bilan boyib boradi. Boshqacha aytganda, har bir ilmiy yangilik yaratilgan kashfiyot – bu yangicha fikr va dunyoqarashga turtki beradi, ma'naviyatning shakllanishiga o'ziga xos ta'sir o'tkazadi».

Shu nuqtai nazardan oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini tayyorlashdan asosiy maqsad ularning ilmiy-texnikaviy hamda ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish orqali kasbiy-ijodiy tayyorgarlik darajasini oshirishdir. Bu esa o'quvchilarning ijodiy shaxs sifatida shakllanishida xizmat qiluvchi bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini tayyorlash sifatini oshirishni, mavjud ta'lim texnologiyalarini qo'llab, zamonaviy talablar asosida yangilarini tashkil etish va rivojlantirishni taqozo etadi.

Mamlakatimiz Prezidenti I.A.Karimov respublikamizda amalga oshirilayotgan ta'lim islohotlari va istiqbollari haqida ko'rsatmalar berar ekan, o'qituvchining amalda, ya'ni ta'lim jarayonida “Mening aytganim-aytgan, deganim-degan” prinsipini juda o'rinli tanqid qilib, majburiy itoatkorlik o'rnini ongli intizom egallashi zarurligini ta'kidlagan edi. “Demokratik jamiyatda bolalar, umuman, har bir

inson mustaqil fikrlaydigan etib tarbiyalanadi. Agar bolalar mustaqil fikrlashni o'rganmasa, berilgan ta'lim samarasi past bo'lishi muqarrar. Albatta, bilim kerak. Mustaqil fikrlash ham katta boylikdir”. Ushbu durdona hikmat bugungi kunda va kelajak uchun oliy ta'lim jarayonida ham juda muhimdir.

«Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» va «Ta'lim to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Qonunlari milliy tajribaning tahlili va ta'lim tizimidagi jahon miqyosidagi yutuqlar asosida tayyorlangan bo'lib, yuksak umumiy va kasb-hunar madaniyatiga, ijodiy va ijtimoiy faollikka, ijtimoiy-siyosiy hayotda mustaqil ravishda mo'ljalni to'g'ri ola bilish mahoratiga ega bo'lgan, istiqbol vazifalarini ilgari surish va hal etishga qodir mutaxassis kadrlarning yangi avlodini shakllantirishga yo'naltirilgandir. Dastur kadrlar tayyorlash milliy modelini ro'yobga chiqarishni, har tomonlama kamol topgan, jamiyatda, turmushga moslashgan, ta'lim va kasb-hunar dasturlarini ongli ravishda tanlash va keyinchalik puxta o'zlashtirish uchun ijtimoiy-siyosiy, huquqiy, psixologik-pedagogik va boshqa tarzdagi sharoitlarni yaratishni, jamiyat, davlat va oila oldida o'z javobgarligini his etadigan fuqarolarni tarbiyalashni nazarda tutadi.(1)

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini tayyorlash jarayonini samaradorligini oshirish shuning uchun ham muhimki, talabalar yosh xususiyatlariga ko'ra mustaqil faoliyat yuritish va hayotiy maqsadni belgilab olishga nisbatan jiddiy munosabatda bo'ladilar. Shuning uchun ham talabalarga ijtimoiy munosabatlarning huquqiy me'yorlarni singdirish ularda nomaqbul xatti-harakatni sodir etishda himoya

qiluvchi mezonlar haqida tasavvur qilish muhimdir.

Bugungi kunga kelib, boshlang'ich ta'lim tizimi oldiga O'zbekiston Respublikasi Hukumati tomonidan yuqori talablar qo'yilmoqda. Bu talablarni bajarish uchun boshlang'ich sinflarda yuqori darajada kasbiy salohiyatga ega bo'lgan, tom ma'nodagi ziyoli o'qituvchilar faoliyat ko'rsatishi kerak. Boshlang'ich sinf o'qituvchisi ta'lim jarayonida o'quvchilarga zamonaviy bilimlar va milliy tarbiya asoslarini singdirishi lozim. Bu jarayonda u, birinchi navbatda, o'quvchilarni sevishi va hurmat qilishi zarur. O'qituvchilar boshlang'ich sinfga kelgan o'quvchilarning layoqatlarini aniqlay olishlari va ularni rivojlantirish yo'llarini belgilashlari lozim. Chunki o'quvchilarning layoqatlari muvaffaqiyatlarining ifodasidir.

Boshlang'ich ta'limning samaradorligi o'quvchilarda o'ziga xos tarzda tarkib topgan ta'limiy faoliyatning keng qamrovli darajasiga bog'liq. Bunday faoliyat nazariy bilimlarni o'zlashtirish va zarur kompetensiyalarni egallash jarayonida o'qituvchi rahbarligida shakllanadi va muntazam rivojlanib boradi. Bunday o'quv faoliyati natijasida boshlang'ich ta'limni bitirgan o'quvchilar obyektiv olam jonli va jonsiz tabiatdan iborat ekanligi, insonlar esa muayyan jamiyatda yashab, faoliyat ko'rsatishi, jamiyat a'zolari o'zaro aloqadorlikda yashashi, jonli va jonsiz tabiatni hamda jamiyatni tavsiflay olishlari, tabiat va jamiyat haqidagi aniq yo'naltirilgan tushuncha va tasavvurlarga ega bo'lishlari lozim. Shu bilan bir qatorda, ular shaxsning kishilik jamiyatida tutgan o'rni va amalga oshiradigan faoliyatning ahamiyatini tushunib yetishlari zarur. Chunki, o'quvchilarga bu haqiqatni anglatmasdan turib, ularni shaxs sifatida shakllantirish, ijtimoiy turmushga moslashtirish mumkin emas.

Oliy ta'lim muassasalarida talabalar tomonidan amalga oshirilayotgan fan asoslarini uni amaliyotda qo'llash samaradorligini oshirish uchun quyidagi shart-sharoitlarni yaratishni taqozo etadi:

-talabalarda ijodiy pedagogiklikka oid madaniyatning shakllanishiga zamin hozirlash;

-yuqori malakali boshlang'ich sinf o'qituvchilarini tayyorlash, shaxs manfaatlarini qondirishga, ishonchni qaror topishiga erishish;

-fan asoslarini o'zlashtirishga bo'lgan ichki ehtiyoj va qiziqishning yuzaga kelishini ta'minlash;

-me'yoriy hujjatlarga nisbatan mas'uliyatni qaror toptirish; ko'nikma va malakalarni shakllantirish, talabalarda ilmsizlikka qarshi kurash tuyg'usini tarbiyalash;

-bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining o'quvchilarni ijodiy shaxs sifatida rivojlanishiga metodik tayyorgarligi yo'nalishlarini ishlab chiqish.

Ta'lim konsepsiyasining asosiy yo'nalishlaridan biri boshlang'ich maktab «Matematika» fani mazmuniga muqobil bo'lgan «Matematikani o'qitish metodikasi» kursining mazmunini muvofiqlashtiruvchi didaktik jihatlarini aniqlash talab etiladi. Xususan: mazkur kurs bo'yicha metodik va matematik ta'limlarning bir-biri bilan bog'liqligini aniqlash; o'quvchilarni matematikaga o'rgatishda bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari tomonidan individual yondashuvni amalga oshirish; bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari tomonidan matematik ilmiy izlanish metodlarini egallash; o'quvchilarga yangi ma'lumotlarni o'zlashtirishini ta'minlovchi matematik materiallarni tanlashga (matematikaga ixtisoslashgan

boshlang'ich sinflarda o'qitish mazmuni) bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini o'rgatish; o'quvchi shaxsini ijodiy rivojlantirish asosi bo'lgan atrof-muhit haqidagi yaxlit tasavvurni shakllantiruvchi intellektual va malakaning bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari tomonidan o'zlashtirilishi masalalarini o'z ichiga oladi.

Bu masalalarni hal etish ilg'or matematik g'oyalarning maktab matematikasi mazmunida o'z aksini topishiga e'tibor qilish, matematik faktologiyani gumanitar sohalar bilan boyitish, matematik ma'lumotlarga ko'p sonli misollar topib, matematikaning abstraktligining tevarak dunyoda namoyon bo'lishi, insonlarning, ayniqsa, o'quvchilarning amaliy faoliyati bilan bog'lash, matematikada va uning tarixida mavjud, ammo, afsuski, hamma vaqt ham yuzaga chiqavermaydigan ko'pgina go'zal, yorqin, qiziqarli hodisalarni o'rganishni ta'minlaydi.

An'anaga ko'ra o'qituvchi hozirgacha darsda yaxshi bajaruvchilarni tayyorlashni mo'ljallaydi va talabaga o'rganilayotgan mavzuning mazmuniy bilimni beradi, lekin ushbu mazmunni bilimlarni ishlatish uslublari, ayniqsa, maqsadga muvofiq ishlatish uslublari haqida bilim berilmaydi. Asosiy sabablardan biri bu yerda – bilimlarni ijodiy egallashni shakllantirish bo'yicha ilmiy asoslangan tavsiyalarning yetishmasligi, ta'lim jarayonidagi shu kabi ilmiy muammolarning ishlab chiqilmaganligidir. Geometrik masalalarni yechish jarayonida metodik asoslar, masalalar tanlash va ushbu jarayonda ijodiy fikrlashni rivojlantiruvchi vositalar ishlab chiqilmagan. Ijodiy fikrlashni rivojlantiruvchi o'ziga xos xususiyatlar o'rganilgan. O'quvchilardagi matematik rivojlanishning psixologik tabiatini o'rganilishi, ushbu rivojlanishning asosiy qismlarining aniqlanishi ijodiy fikrlashni shakllantiruvchi umumiy shartlarini chuqurroq o'rganishga imkon yaratadi.

Boshlang'ich sinflarda darslarning samaradorligini oshirish uchun o'quvchilarni yalpi o'qitish bilan bir qatorda, individual va kichik guruhlarda o'qitishni tashkil etish maqsadga muvofiq. O'quvchilarning bilish faoliyati individual tarzda tashkil etilganda ular o'quv materiallarini mustaqil o'zlashtiradilar. Aqliy rivojlanishi, qiziqishi, ehtiyoji, iqtidori, bilimlarni o'zlashtirish darajasi hisobga olingan holda tuzilgan o'quv topshiriqlarini o'quvchilar mustaqil bajaradilar va ular o'z bilish faoliyatlarining sub'ektiga aylanadilar.

O'quvchilar topshiriqlarni individual bajarish jarayonida ularning aqliy faoliyati jalb etiladi, o'z bilimi, kuchi va qobiliyatiga bo'lgan ishonch ortadi. Buning natijasida har bir shaxs o'z imkoniyati darajasida rivojlanadi. Shu tarzda tashkil etilgan bilish faoliyatida vaqtdan unumli foydalaniladi. Pirovard natijada ta'lim samaradorligi ortadi. Ta'limning zamonaviy pedagogik texnologiyalaridan foydalanib o'tiladigan darslarda o'quvchilarning bilish faoliyati individual tarzda tashkil etiladi.

Boshlang'ich sinflarda darslarni didaktik o'yinlardan foydalanib o'tishning samarasi beqiyos kattadir. O'yin boshlang'ich sinf o'quvchilarida ma'lum sifatlarni shakllantirish uchun qo'llaniladigan usuldir. O'yin vositasida o'quvchilarning bilimlarni o'zlashtirish jarayoni qulaylashadi, turli xil narsalar bilan munosabatda bo'lishga o'rganadi, shuningdek, ularda muomala madaniyati shakllanadi.

Darslarni didaktik o'yinlar vositasida olib borish bolalarning aqliy faoliyatga tezroq kirishishlari va

adaptatsiya hosil qilishlariga ham ko'mak beradi. Yangi dars boshlanishida yoki o'tgan darsni mustahkamlash paytida didaktik o'yinlardan foydalanib, o'quvchilarning darsga bo'lgan qiziqishlarini oshirish mumkin.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida o'quv-biluv faoliyatining komponentlarini bosqichma-bosqich shakllantirish muhim ahamiyatga ega. Shuning uchun har bir dars o'qituvchi tomonidan loyihalashtirilishi, tarkibiy qismlari aniq chegaralangan bo'lishi zarur. Darsda o'qituvchi har bir o'quvchi bilan o'zaro muloqot va hamkorlik o'rnatish, dialogga kirishishi uchun qulay sharoit yaratilishi muhim ahamiyatga ega. Boshlang'ich ta'lim samaradorligini oshirish uchun o'quvchilarni o'yin faoliyatidan o'quv-biluv faoliyatiga

o'tishlarini ta'minlashga xizmat qiladigan innovatsion metodlar majmuini yaratish talab etilmoqda. Didaktik o'yinlar boshlang'ich ta'limda o'qitishning muhim metodi sifatida alohida mavqe egallashi kerak.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Barkamol avlod— O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. — T.: O'zbekiston, 1997.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat engilmas kuch. — T.: Ma'naviyat, 2008.
3. Hakimova, M.F. Kasb pedagogikasi. O'quv qo'llanma. — T.: TDIU, 2007.
4. Jumayev M.E. Matematika o'qitish metodikasi (KHK uchun). — Toshkent: "Ilm-Ziyo", 2011.

### ИНТЕРНЕТ ОЛАМИ

## 2015 ЙИЛДА ФИЗИКА СОҲАСИ БЎЙИЧА НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Тўйчибой ТОШБОЕВ,  
Самарқанд ДУ доценти,  
Гулбуви ЭШНАЗАРОВА,  
Самарқанд шаҳридаги 54-мактаб ўқитувчиси,  
Маъмуржон УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Самарқанд ДУ 3-босқич талабаси.

**Аннотация.** Мақолада 2015 йилда физика соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган канадалик Артур Макдональд ҳамда япониялик Такааки Кадзита ларнинг тадқиқотларининг тавсилотлари ёритилган.

**Калим сўзлар:** физика, мукофот, электрон, нейтрино, зарра, атмосфера.

**Аннотация.** В статье освещены особенности исследований канадского ученого Артура Макдональда и японского ученого Такааки Кадзита в области физики, удостоенные в 2015 году Нобелевской премии.

**Ключевые слова:** физика, премия, электрон, атмосфера, нейтрино, частицы.

**Annotation.** The article highlights the features of the Canadian research scientist Arthur McDonald and Japanese scientist Takaaki Kadzity in physics, awarded in 2015 the Nobel Prize.

**Keywords:** physics, the prize, the electron, the atmosphere, neutrino, pieces.

Физика соҳаси бўйича 2015 йилги Нобель мукофоти Super-Kamiokande ва SNO тажриба гуруҳларининг раҳбарлари Такааки Кадзита (Takaaki Kajita) ва Артур Макдональд (Arthur V. McDonald) ларга энг энгил, жумбоқли ва маълум элементар зарралар ичида тутқич бермас нейтринонинг хусусиятларини ўрганганликлари учун берилди. Асрлар давомида ўтказилган тажрибалар 3 хил турда учрайдиган нейтринонинг осцилляцияланиш қобилиятига эга эканлигини, яъни, учиш вақти давомида беихтиёр бир турдан бошқа турдаги нейтринога айлана олишини исботлади. Бу ҳодисанинг тажрибадаги намоиши ва осцилляция ҳодисасини параметраларини ҳисоблаш нейтрино физикасида туб бурилиш ясаб, физиканинг бу соҳасини шиддат билан ривожланишига олиб келди.

Канадалик физик Артур Макдональд 1943




йилда туғилган, Сандберига куёш нейтриносини излашга мослашган нейтрино обсерваториясининг директори ҳисобланади.

Япониялик Такааки Кадзита 1959 йилда туғилган, атмосфера нейтриносини излаш учун мослашган Super-Kamiokand экспериментини бошқарган.

Бу йилги физика соҳасидаги Нобель мукофотини бир қанча шахслар қўлга киритишди. Биринчидан, бу тадқиқот объектлари — нейтрино бўлиб, маълум заррачалар ичида энг энгили ва энг муаммолисидир. Нейтринонинг уч хил тури мавжуд: электронли ( $\nu_e$ ), мюонли ( $\nu_\mu$ ) ва тау-нейтрино ( $\nu_\tau$ ), лекин бу учта тури ҳам бошқалардан фарқланган ҳолда ҳар доим бир жойдан иккинчи жойга оқиб ўтади. Нейтрино электрон табиатли бўлади, аммо километрлаб масофани босиб ўтиб, детекторга тушгач, ўзини худди мюон ёки тау нейтрино каби туттади. Бу нейтрино осцилляцияси деб аталиб, бу физик эффектнинг мавжудлигини исботи учун 2015 йилда физика соҳаси бўйича Нобель мукофоти берилди. Нима учун нейтрино осцилляция қилинади. Нейтринонинг маълум тури, масалан, электронли осцилляция маълум массага эга эмас. У турли  $\nu_1$ ,  $\nu_2$ ,  $\nu_3$  массали ва аниқ нейтриноларнинг суперпозиция

ҳолати ҳисобланади. Мюонли нейтрино ҳам  $\nu_1$ ,  $\nu_2$  ва  $\nu_3$  ларнинг квантли суперпозицияси бўлиб, фақат бошқа суперпозицияси ҳисобланади. Элементар заррачалар билан реакцияларда пайдо бўлган маълум турдаги нейтрино фазода аниқ масса билан тарқалади. Қачонки тоза электрон нейтрино ҳосил қилса, унинг учта массали компонентаси жуда аниқ бир-бирига мослашади. Лекин ҳаракати давомида бу мувозанат бузилади ва тоза электронли нейтрино ўзида мюоннинг айрим қисмини намоён қилади. Бунинг ҳаммаси ўзининг бутун чиройи бўйича километрли масштабда квант механикасини намоён қилувчи тоза квант эффекти ҳисобланади. Юқоридаги мувозанатнинг бузилиши фақат учта  $\nu_1$ ,  $\nu_2$  ва  $\nu_3$  ҳолатда турли фазовий даврийликда турли массада юз бериши мумкин (1-расм).




1-расм. Мюон нейтриноларнинг учти давомида электрон нейтриноларга ҳамда электрон нейтриноларнинг қайта мюон нейтриноларга айланишини кўрсатувчи намоён.

Шунинг учун осцилляцияни экспериментал кузатиш орқали нейтринода масса мавжудлиги ва бу масса турличалиги тасдиқланди. Осцилляциянинг интенсивлигини ва унинг даврийлигини ўлчаш массалар фарқи ва нейтринонинг аралашуви параметрларини аниқлаш имконини беради. Бу ҳодисанинг микроскопик тақдири 2008 йилда Нобель мукофоти берилган кваркларнинг аралашувига ўхшайди. Лекин фақат кваркларда осцилляция ўта кичик масофаларда юз беради ва шунинг учун кузатилмайди. Нейтриноларда эса массаси жуда кичиклиги сабабли катта километр масштабидаги масофаларда кузатилади. Иккинчи ҳаракатланувчи шахс гуруҳи – бу қуёш, ер ва атмосфера, яъни нейтрино ҳосил бўладиган жой. Қуёшнинг марказидан – термоядровий синтез юз берувчи соҳасидан, учиб чиқувчи улкан нейтрино оқими мавжуд. Ерни космик нурлар билан бомбардировка қилганда атмосферада катта нейтрино оқими пайдо бўлади. Бу иккала оқим ҳам нейтриноли детекторларда яхши ўлчанади. Иккаласи ҳам XX асрнинг охирида кучли назарий башорат қилинди. Бу икки (қуёшли ва атмосферали) нейтриноли ўхшашликлар физиклар учун ўшандаёқ доимий бош оғриқ манбаига айланганди. Ниҳоят, бу икки тадқиқотчи Японияда Super-Kamiokanda ва Канадада SNO (Sudbury Neutrino Observatory), иккита физик – экспериментатор жамоаси биринчи марта сўзсиз равишда нейтрино осцилляцияси мавжудлигини исботлади ва ораста ҳаракатлари орқали ҳар икки нейтрино жумбоқларини ҳал этишди. Шунинг таъкидлаш керакки, бу жамолар Такааки Кадзита ва Артур Макдональдга мукофотнинг берилиши, бу реал буюк илмий хизмат ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 90-йилларида нейтрино фи-


зикасида илмий саҳна ҳаракати қандай тасаввур қилинган? У қуйидагича таърифланган. Шу пайтгача нейтринонинг кашф қилинганга ярим аср тўлган ва физиклар учун “туғишган” заррачага айланган эди. Унинг орқасидан ҳаттоки физика соҳасида иккита Нобель мукофоти олинган. Булар 1988 йилда мюон нейтринонинг ва 1995 йилда эса биринчи электрон турли нейтринонинг кашф қилиниши. Бир неча йилдан сўнг 2002 йилда учинчи мукофот қуёшли нейтринонинг кашф қилинишига берилди. Кейин қуёшли аномалия ривожланди. Шунингдек, назарий жиҳатдан ситуация икки мазмунли ифодаланди. Айтиш мумкинки, физиклар нейтринонинг социал боғланиши ва унинг шахсий ҳаётини билишган. Бошқа томондан нейтринонинг бошқа заррачалар билан реакцияси, бу реакциялар фақатгина кучсиз таъсирлашиш ҳисобига юз бериши озми - кўпми физикларга маълум эди. Бошқа томондан назарийчиларнинг олдинги ишлари орқали физиклар нейтринонинг осцилляцияларда иштирок этишидан хабардор бўлишган. Бу ҳодисанинг умумий фазилатлари ёритилди, лекин ҳамон ўшанда осцилляцияни, нейтрино массасини кузатмаган, осцилляция параметрлар умуман маълум бўлмаган. Шунингдек, физиклар нейтрино аномалиясини муҳокама қилганда, уларни маълум параметрли осцилляциялар ёрдамида тушунтириш мумкинлигини ёдда тутишган. Ва ўша йиллари бошқа тушунтириш имкониятларини таклиф қилишди. Кўпгина физиклар ишониди ва тезроқ осцилляцияни экспериментда исботлашга шошилишди. Шу томондан қийинчилик туғилди.

Ер доимий равишда турли энергияли космик нурлар, асосан протонлар оқими билан бомбардировка қилинади (2-расм).



2-расм. Ер атмосферасида мюонли ва электрон нейтринонинг пайдо бўлиши.

Атмосферада молекула ядроси билан тўқнашув натижасида улар иккиламчи заррача оқимини, жумладан  $\pi$  – мезонларни келтириб чиқаради. Агар  $\pi$  – мезонлар йўл бўйича бошқа ядрога қадалмаса, унда у, ўз навбатида мюонга парчланади. Кейин мюон электрон, мюонли нейтринога ва электронли нейтринога парчланади. Бу емирилиш занжири ёрдамида ергача нейтрино  $\nu_\mu : \nu_e = 2 : 1$  муносабатда учеди (аниқлик киритамиз: атмосферали нейтрино оқими нейтрино ва антинейтрино оқимининг йиғиндиси ҳисобланади). Бу енгил идеаллашган ҳолат, у мюонлар ер билан тўқнашгунча парчланиб кетишга улгуришини тахмин қилади. Бунда мюонлар учун кичик (1 ГэВ) энергия етарли. Анча юқори энергетик мюонлар учун емирилиш бир қанча секин боради, улар ергача етиб боради ва у ерда ўзаро таъсирлашади. Бунда улар нейтрино жуфтани ҳосил қилмайди, демак,  $\nu_\mu : \nu_e$  муносабат ўртача каттароқ ошади.



3-расм. 1991 йилда Kamiokand гуруҳи томонидан экспериментал ўлчанган импульсдан боғлиқ электрон ва мюонли нейтрино оқими. Қора чизик — бошланғич назарий кузатиш, кул ранг чизик — осцилляция ҳисобга олинган тасвирлаш варианты

1983 йилда Японияда олиб борилган экспериментнинг мақсади протон емирилишини излашдан иборат эди. Детектор ўзида ер тагидаги

катта цистернани намоён қилади. У тоғ ичидаги эски шахтада жойлашган бўлиб, ўта тоза сув билан тўлдирилган. Детекторнинг ички девори тўлиқ сезгир фотокўпайтиргич билан қопланган бўлиб, ишчи модданинг ичида бўлаётган барча ўзгаришларни ёруғлик чақнаши орқали қайд қилади. Етарлича электрон ёки мюон турли энергетик нейтрино атом ядроси билан тўқнашиб, электрон ёки мюонга айланади ва олдинга қараб катта тезлик билан учади ва Вавилов – Черенков эффекти ҳисобидан ёруғлик чиқаради. Шу туфайли детектор нафақат нейтринони пайқаб қолмасдан унинг турини, энергиясини, учуш йўналишини ҳам аниқлайди. Бу эса нейтринони оддий эксперимент орқали қайд қилишга қараганда самаралироқдир. Тўғри, бундай қайд қилиш усули фақат юқори, тахминан минг МэВ ларда ишланади. Лекин атмосферали нейтринонинг бундай энергияга эришиши учун муаммо йўқ. Яна шунини айтиб ўтиш керакки, ер нейтрино учун равшан, нафақат атмосферадан тўғри детектор устидан, балки улар ҳамма ёқдан, шу билан бирга ернинг қарама-қарши томонидан учиб ўтиши мумкин. Нейтринонинг учуш йўналишини ўлчаб, унинг қаерда пайдо бўлганлигини билиш мумкин. Шунинг учун тадқиқотчилар фақат энергия бўйича тақсимотни қарамасдан, балки нейтринонинг бурчак бўйича учушига катта эътибор беришади. 1988 йилда Kamiokand гуруҳи янги модернизациялашган кўринишда электронли ва мюонли нейтрино оқимини ўлчашди. Ўлчаш натижалари мюонли нейтрино кутгандагидан кам учушини кўрсатди. Бундай маълумотлар кўп йиллар тўпланиб, 1991 йилда жуда аниқ натижалар олинди. Унга кўра  $\nu_e : \nu_e$  муносабат ўртача кутилганидан кўра  $(60 \pm 8)\%$  ни ташкил этади. Атмосфера аномалияси муҳим аҳамият касб этди, аммо унинг сабаби ноаниқлигича қолди. 1990 йилда эълон қилинган илмий мақолада мюонли нейтрино оқимининг детектор йўлида сусайиши орқали осцилляцияни тушунтириш кўрсатилган (3-расмда тасвирланган графикда тўхталиб ўтилган). Лекин бошқа вариантлар, масалан, электрон компонентасини оширишга олиб келувчи қандайдир янги жараёнлар ёки экзотик имкониятлар ҳам бўлган. Шунинг учун ҳақиқатан ҳам осцилляция юз беришига ишонч бўлмади. 1992 йилда детекторнинг ишчи ҳажми кординал равишда оширилди ва мослама жарангдор “супер” олд қўшимчасига эга бўлди.

Бу нейтринонинг қайд қилиш суръатини кескин ошириб, хатоликни камайтирди. 1988 йилда физика ва астрономия соҳаси бўйича ўтказилган анжуманда Такааки Кадзита коллаборация номидан маъруза қилди ва нафақат оқимлар бўйича Super-Kamiokand гуруҳи янги маълумотларини келтирди. Бундай маълумотлар олдин ҳам бўлган, лекин хатоликни ҳеч қандай қайд қилишнинг имкони бўлмаган. Такааки Кадзита маърузасидан шу нарса жуда қизиқарли бўлдики, ернинг қарама-қарши томонидан юқорисига нисбатан кичик мюонли нейтрино учади. Электронли нейтрино учун бундай қонуният кузатилмади. Агар осцилляция бўлмаганида эди, пастда ва баландда оқимлар тахминан бир хил бўлар эди. Олисдаги мюон нейтриноларнинг йўқолиши шундан далolat берадики, уларнинг катта қисми детекторгача бўлган минг километр масофага йўлда бошқа турдаги нейтриноларга айланишга улгурган. Шу нарса аниқки, улар электрон нейтриноларга айланмаган, чунки электрон нейтринолар оқими амалда ўзгармади. Демак, булар детектор кузата олмайдиган тау нейтринолар. Шунини айтиб ўтиш керакки, нейтрино осцилляцияларини тасдиқловчи илк далиллар “йўқолиш бўйича тажрибалар” орқали олинган. Бу шундай тажриба турики, бунда оқимни ўлчаганимизда, унинг кутилганидан кичиклигини (заифлигини) кузатамиз ва қаралаётган нейтринолар бошқа турдагиларига айланганини фаҳмлаймиз. Катта ишонч ҳосил қилиш учун бу жараёни тўғридан-тўғри, нейтринонинг “ҳосил бўлиш тажрибаси” орқали кўриш (кузатиш) лозим. Бундай тажрибалар ҳозирги кунда ҳам ўтказилиб келинмоқда ва уларнинг натижалари йўқолиш бўйича тажрибаларнинг натижалари билан мос тушади. Мисол учун, ЦЕРН да махсус тезлаштириш чизиги бўлиб, унинг ёрдамида мюон нейтриноларнинг кучли оқимини 732 км узоқликдаги Италиянинг Гран-Сассо лабораториясига йўналтириш мумкин. Италияда ўрнатилган OPERA детектори бу оқимдаги тау нейтриноларини қайд эта олади. 5 йил давомида OPERA 5 та тау нейтриноларини тутгани ҳақиқатда ҳам аввалги осцилляцияларини кузатилганини узил-кесил исботлайди.

Нейтрино физикасининг ҳал этилишини кутаётган жумбоқларидан бири қуёш нейтринолари билан боғлиқ. Нейтринолар қуёш марказида термоядро синтези давомида ҳосил булади ва қуёшни чарақлашига (ёруғлик тарқатишига) тўртки бўлувчи жараёнларда иштирок этади. Замонавий астрофизикадан бизга қуёш марказида юз берадиган ҳодисалар маълум. Шу асосида қуёшда нейтрино ишлаб чиқарилиш суръатини ва ерга етиб келувчи оқимини ҳисоблаш мумкин. Тажрибада бу оқимни ҳисоблашга, биз илк марта қуёшни марказига назар ташлашимиз ва унинг ишлаш жараёнини қандай даражада тушунишимизни текшириб кўришимиз мумкин. Қуёш нейтриноларини қайд қилиш бўйича тажрибалар 1960 йилдан бери ўтказилиб келинади. 2002 йилда физика соҳаси бўйича Нобель мукофотининг бир қисми худди шундай кузатишлар учун берилган эди. Қуёш нейтриноларининг энергияси кичик бўлиб (МэВ ва ундан кичик), нейтрино детектори унинг йўналишини аниқлай олмайди, фақатгина нейтрино қўзғалган ядровий ай-

ланишлар ҳодисасини миқдорини қайд қилади, холос. 25 йил давомида кузатилган Homestake тажрибаси шуни кўрсатадики, флуктуацияларга қарамасдан, улар томонидан қайд қилинган оқим миқдори ўрта ҳисобда астрофизиклар тахмин қилганидан 3 марта кам экан. Бу маълумотлар XX асрнинг 90-йилларида бошқа тажрибалар ёрдамида ҳам тасдиқланди. Детекторни тўғри ишлаётганига бўлган ишонч шунчалик катта эдики, физиклар қуёш марказида ўта мураккаб жараёнлар юз беради ва астрофизикларнинг назарий башорати (фикрлари) нотўғри, деган фикрга келишди. Аммо астрофизиклар моделларини аниқлаштириб, ўз фикрларида туриб олишди. Шундай қилиб, муаммо йўқолмади ва ўз ечимини талаб қилиб келарди. Албатта, бунда ҳам назариячилар анчадан бери нейтрино осцилляциялари ҳақида бош қотираётганди. Фаразларга кўра, қуёш қаъридан чиқиб келаётган электрон нейтринолар ўз йўлида муон ёки тау нейтриноларга айланиши керак эди. Homestake ва GALLEX каби тажрибалар фақат электрон нейтриноларни тутуди ва нейтриноларни бир қисминигина қайд қилади. Бундан ташқари, XX асрнинг 70–80-йилларида назариячилар қуёш ичида тарқаладиган нейтрино осцилляцияси вакуумдагига нисбатан бироз фарқ қилиши керак, деган фикрга келишди (бу ҳодиса Михеев–Смирнов–Вольфенштейн эффекти деб ном олди). Бу ҳодиса ҳам қуёш аномалияларини тушунтиришда асқотиши мумкин эди. Қуёш нейтринолари муаммосини ҳал этиш учун оддий туюладиган нарсани амалга ошириш керак эди: ҳамма нейтринолар оқимини, ҳамда алоҳида электрон нейтриноларни тутиб қолувчи детектор яратиш зарур эди. Шундагина қуёш атрофида ҳосил бўлган нейтринолар йўқолмаслиги, фақат турини ўзгартиришига ишонч ҳосил қилса бўлар эди. Аммо нейтринолар энергияси кичиклиги учун бунинг иложи йўқ эди: чунки улар муон ёки тау-лептонга айлана олмади. Демак, уларни бошқача усулда излаш лозим. Super-Kamiokand гуруҳи изланувчилари бу ма-

салани нейтрино атом электронларида эластик тарқалиши (сочилиши) ва электрон олган энергияга асосан ҳал этишга уриниб кўрди. Умуман олганда, бу жараён нейтринонинг барча турларига нисбатан таъсирчан, аммо кучсиз таъсирлашишни ўзига хос хусусиятлари туфайли аксар таъсир электрон нейтринонинг ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун ҳам нейтринонинг тўлиқ оқимига нисбатан сезувчанлик кучсиз (заиф) бўлиб қолди.

Ўша вақтда, асрлар давомида бошқа нейтрино билан боғлиқ тажрибалар ҳам ўтказилган. Гарчи анча вақтдан бери нейтринони осцилляцияланишини тахмин қилишган бўлсада, Super-Kamiokande ва SNO гуруҳларининг илмий хизматлари шундан иборатки, улар инкор қилиб бўлмайдиган далиллар келтиришди. Улар эришган натижалар самараси ўлароқ, нейтрино физикасида фазали ўтиш юз берди: ҳаммани қийнаган муаммолар йўқолиб, осцилляциялар фактага айланди ва тажрибали изланишларни асосий мақсадига айланди. Нейтрино физикаси шиддатли ўсиш босқичидан ўтди ва ҳозирда элементар зарралар физикасининг фаол соҳаларидан бири ҳисобланади. Бу соҳада доимий равишда янги кашфиётлар қилинмоқда – атмосфера, космик, реактор, нейтринони тезлатиш детекторларини яратилиши бунга мисолдир. Минглаб назариячилар нейтринони ўлчанган катталиклари асосида янги физика белгиларини топишга уринишяпти. Эртами-кечми, шундай изланишлар натижасида стандарт моделни ўрнини босувчи янги назарияни яратилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу назария ёрдамида бир неча тажрибаларни бирлаштирган ҳолда табиий равишда нейтрино массасини, осцилляцияни, қора материяни, дунёмизда модда ва антимодда ўртасидаги ассиметрияни юзага келишини ҳамда бошқа жумбоқларни тушунтириш ва ҳал этиш имконияти вужудга келса ажабмас. Нейтрино тармоғи ушбу изланишларнинг асосий объектига айланишида Super-Kamiokande ва SNO гуруҳларининг ҳиссалари катта.

## ХИТОЙ, ҚОРЕЯ, ЯПОНИЯ ФАЛСАФАЛАРИГА АСОС БЎЛГАН ЎЗБЕК ДЎППИСИ НАҚШЛАРИ ХУСУСИДА

Эркин МУСУРМОНОВ,  
Самарқанд ДУ доценти

**Аннотация.** Мақолада асрий анаъаналарга эга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзбек дўпписининг фалсафий мазмун ва моҳият нуқтаи назаридан шарқ халқлари тарихи, хусусан, Хитой, Япония, Корея фалсафасини Турон тарихи, унинг зардуштийлик ва буддавийлик тарихи билан боғлаган ҳолда таҳлил этилган.

**Калим сузлар:** дўппи, нақш, рамз, фалсафа, олам, тушунча, моҳият, муносабат, мувозанат, гармония.

**Аннотация.** В статье анализируется символично-смысловое содержание узбекских тюбетеек, раскрывается связь тюбетеек с философией и историей народов Востока, в частности, Китая, Японии и Кореи, с историей буддизма и зардуштия.

**Ключевые слова:** тюбетейка, роспись, символ, философия, вселенная, понятие, смысл, отношение, равновесие, гармония.

**Annotation.** The article analyzes the symbolic and semantic content of Uzbek skullcaps, link opens skullcaps with the philosophy and history of the peoples of the East, in particular China, Japan and Korea, with the history of Buddhism and Zarathustra.

**Keywords:** skullcap, painting, symbol, philosophy, the universe, the concept, meaning, attitudes, equilibrium, harmony.

Айрим ўзбек йигитларининг бошида оқ, ола-чипор, чўмичнинг ағдарилган ковшига ўхшаш юмалоқ, тўрпардалар каби тўқилган бош кийимларни кўриш мумкин. Улар, асосан, арабларнинг ёки маълум-номаълум эътиқод вакилларининг бош кийимидир. Йигитларимиз уларни кийиб, айна вақтда билиб-билмай уларни халқимиз орасида ташвиқ ҳам қилаётир. Агар бу йигитлар асл ўзбек дўпписининг моҳиятини билганда эди, шоир айтган: “Қайга борсам бошда дўппим, ғоз юрарман гердайиб” мисраларини шунчаки ёзмаганлигига иқрор бўларди. Агар бизга юмалоқ чипор дўппичаларни юбораётганлар бош кийимида бизнинг дўппида акс этган тушунчалар бўлгандами, билмадик, ётганда ҳам уни бошдан олмай ётардим...

Ўзбек дўпписидаги нақшлар қадимги Шарқ фалсафасининг олам мувозанати ҳақидаги қарашларининг энг қадимги ва мукаммал рамзларини акс эттиради. Хитой, япон ва корейс халқларининг қадимги фалсафий тушунчаларига кўра бутун олам икки қарама-қарши – инь-янг ёки ўзбекча айтганда “оқ” ва “қора” кучлар ўртасидаги курашга асосланади. Бу қарама-қаршиликлар ўртасидаги доимий кураш бир-бирининг кетидан қувиб юривчи балиқчаларга ўхшаш оқ (янг) ва қора (инь) рангли шаклларда ва бутун борлиқнинг қурилишини акс эттирувчи триграмма - горизонтал уч (ёки икки) қаторли чизиқчаларда акс этган (1-расм). Унинг моҳиятини кун ва тун, қуёш ва ой, осмон ва ер, иссиқ ва совуқ, тоқ ва жуфт, эр ва аёл каби тушунчалар ўртасидаги муносабатда кўришимиз мумкин.

“Бир-бирининг кетидан қувиб юривчи балиқчалар” ва уч кетма-кет чизиқчаларнинг турли кўринишлари хитой, японларнинг деярли барча фалсафий рамзларида, медицина, санъати, кийимларида акс этиб, бу нарсани улар узок умр кўраётганликларининг, иқтисодий тараққиётларининг, бой ва бахтли яшаётганликларининг, мувозанат ва гармониянинг сабабларидан бири деб билишади. Кўпчилик сингапурликларнинг бутун ҳаёт тарзи, ҳатто бино қурилишлари ҳам шу шаклдаги тушунчаларга асосланган.

Бу шакл Жанубий Корея байроғида, энг қизик томони ўзбекнинг миллий бош кийими – дўппи нақшларида ҳам ўз аксини топган (2-расм)! Бироқ минг йиллар мобайнида дўппидан-дўппига кўчиб юрган бундай фалсафий нақшларнинг мазмунини уста дўппичиларнинг кўпчилиги, афсуски билишмайди ва стихияли тарзда аждодлардан қолган нақшларда олам фалсафасининг рамзларини тушириб келишади. Фарқи шуки, ўзбек дўпписи тепа қисмининг тўрт томонида фақат эзгулик янг (оқ балиқча) тимсолининг андазаси туширилган. Бу эзгулик энергиясининг тўрт томонга тўрт баробар куч билан ёйилиб туришини билдиради. Борлиқнинг қурилишини акс эттирувчи уч қаторли чизиқчалар эса дўппининг тўрт ёнбошида тўрт мартадан тасвирланган ва биргина дўппининг ўзида олам диалектикасининг рамзлари ўз аксини топган.

Энди ҳақли савол туғилади: ўзбек ва хитой, япон, корейс халқлари тушунчаларидаги оқ ва қора “балиқчалар” шакли қаердан пайдо бўлиб қолган?

Олам тузилиши ва тараққиётининг қарама-қаршиликлар курашига асосланган фалсафаси



1-расм.



2-расм.

қадимги Турон эллари орасида қадимдан мавжуд бўлиб, у зардуштийлик, буддизм даврида янада такомиллашган. Қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашни акс эттирувчи нақшлар кашта, кийим ва бош кийимга туширила бошлаган. Бош кийимга эзгулик, оламнинг ёруғлик тимсоли – янг (оқ балиқча) нақшланган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, хитойдаги дао таълимоти вакиллари “бир-бирининг кетидан қувиб юривчи” оқ ва қора “балиқчалар” сура-ти ва фалсафасини эрамининг I-III асрларида буддавий роҳиблардан узлаштиришган. Бироқ маълумки, буддавийлик таълимоти қадимги Хитойга айнан бизнинг ҳудуддан I асрларда ўтган. Нақшларнинг айнан бу хил кўриниши ҳам шу даврда Хитойга, у ердан эса Чин таъсирида бўлган Япония ва Кореяга ўтган.

Бу суратларнинг моҳиятини билмасдан уларни қалампир каби нарсаларга ўхшатиш ярамайди, минглаб йиллик оламшумул фалсафани ўзида мужассам этган ўзбек дўпписига ҳурматни жойига қўйиш ва ундаги асл моҳиятни тўғри англаш ниҳоятда муҳимдир. Қолаверса, дўппиларнинг мумтоз нақшларини билиб билмасдан ўзгартиришга ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарур.

Энди тасаввур қилинг, олам ва одам моҳиятини ўзида комил даражада акс эттирувчи нақшлар тушурилган дўппини бошга кийиш, уни қайси тумор ёки дуодан кам қилади? Таппа тайёр руҳий қалқон, ёвуз энергиянинг қушандаси, миянинг устида эзгулик таратиб турувчи био майдоннинг ўзгинаси-ку бу ўзбек дўпписи! Фикримизча, бундай фалсафани бошда олиб юривчи халқнинг нима учун бу қадар файзли, бағри кенг ва доно, тарихи шонли ва келажаги буюк эканлигининг яна бир сабаби балки шу нақшлардаги моҳият билан ҳам боғлиқдир.

## МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА МОС  
ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

Дилобар Мусаджанова,  
“Баркамол авлод” республика болалар  
техник ижодиёт маркази бош мутахассиси

**Аннотация.** Мақола мактаб ёшидаги ўқувчиларни қўшимча таълим муассасалари билан қамраб олган ҳолда уларнинг қизиқишларини ривожлантириш, техник йўналишдаги амалий малакаларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, давлатимизнинг таълим сиёсатида монанд тарзда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** болалар ижодиёт маркази, назарий билим, амалий кўникма, тўғарак ва секциялар, авиамодель, автомобил, ракетамодел.

**Аннотация.** Статья посвящена развитию интересов учащихся путем приобщения их к кружкам и секциям учреждений дополнительного образования, совершенствованию технических навыков учащихся, также в статье проанализирована проделанная работа в соответствии с образовательной политикой страны.

**Ключевые слова:** центр творчества детей, теоретические знания, практические навыки, кружки и секции, авиамодель, автомобиль, ракеты.

**Annotation.** Article deals with the development interests of students by introducing them to groups and sections of supplementary education institutions, improve the technical skills of students in the article analyzed the work done in line with the educational policy of the country.

**Keywords:** children's art center, theoretical knowledge, practical skills, circles and sections, model aircraft, the car rockets.

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андазаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етуқ инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида она-юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган беқиёс саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Албатта, қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, кўзда тутилган марралар орзу-ниятларнинг рўёбга чиқиши учун унинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиши лозим. Фуқароларимизнинг сифатли таълим олишига оид ҳуқуқлари, аввало, Конституциямиз орқали мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Қонунимизнинг 41-моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади”, дея қайд этилган ана шу тамойилдан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг қиёфаси кўркамлашиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий этилиши ёшларнинг чуқур билим эгаллаши, қизиқиши, имконияти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда муносиб касб танлаши, шу орқали жамиятда ўз ўрнини топишида

муҳим омил бўлмоқда.

Шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этишда “Баркамол авлод” болалар марказлари, спорт ҳамда мусиқа мактабларининг ўрни беқиёс. Ўқувчилар мактаб дарсларидан сўнг ўз қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда “Бадий ижодиёт”, “Техник ижодкорлик”, “Экология ва ўлкашунослик” йўналишидаги 100 дан ортиқ тўғаракларга қатнашиш, касб-ҳунар ўрганиш имкониятига эгадирлар. Биргина пойтахтимизда жойлашган “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт маркази 500 дан ортиқ 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизларимизга автотехника, авиамодель, робототехника, ракетамодел, кемасозлик, компьютер графикаси ва дизайн, ёш дастурчи, компьютерга хизмат кўрсатиш ва сервис, компьютер сабоқлари каби тўғараклари билан республикада ягона техник ижодкорлик йўналишига ихтисослашган маркази ҳисобланади. Ўқувчилар бу ерда техник йўналишдаги тўғараклар билан бир қаторда бадий ижодиёт ва фан тўғаракларига қатнаб, мактабда олган назарий билимларини амалий машғулотлар вақтида мустаҳкамлайдилар. Марказ туман, шаҳар, вилоят марказларига амалий-услубий ёрдам кўрсатибгина қолмай янгидан-янги ўқув қўлланмалар, дастурлар, услубий тавсияномалар, электрон қўлланмалар билан бойитишларида ҳам кўмак бериб келмоқда. Ҳар йили анъанага айланган “Варрақлар сайли”, “Авиамодель йўналиши бўйича сиртқи танлов”, “Фото-кинохаваскор” ҳамда “Ижодкор-ихтирочи” каби йўналишларда республика кўрик-танловларини ташкил этиб, иқтидорли фарзандларимизни рағбатлантириш, уларнинг ютуқларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ҳамда қобилиятларини янада ривожлан-

тиришга хизмат қилмоқда. Юртбошимизнинг “Ўзбекистонда яшаётган барча-барча ёшлар — менинг болаларим, менинг фарзандларим!”, - деган сўзлари, эртамиз эгаларининг муносиб келажагини таъминлаш борасидаги беқиёс ғамхўрликлари ҳар жабҳада ўз ифодасини топмоқда.

Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, бу борада мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига кўядиган давлатгана ўзини намоён эта олиши мумкин.

Аввало, шуни таъкидлаш зарурки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг биз танлаган “Ўзбек модели” — ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим

шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.

Юртимизда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар ўзининг ижобий натижаларини берапти. Ўзбекистонлик ўқувчи-ёшлар минтақа ва жаҳон миқёсида ўтказилаётган нуфузли фан олимпиадалари, кўрик-танловларда энг юқори натижаларга эришаётгани “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат”, деган эзгу ғоя ҳаётда ўзининг ёрқин рўёбини топаётганидан далолатдир. 2008 йил май ойида Тошкент шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган Менделеев номидаги 42-Халқаро олимпиадада иштирок этган 15 нафар ўзбекистонлик ўғил-қиз энг юқори натижа кўрсатиб, 10 та медаль — биттадан олтин ва кумуш ҳамда 8 та бронза медалини қўлга киритгани барчамизга чексиз ғурур бағишлади. Шунингдек, 2009 йил июль ойида Германиянинг Бремен шаҳрида математика фанидан ўтказилган 50-Халқаро олимпиадада ўқувчиларимиз битта олтин, 2 та бронза медали билан тақдирланишди. 2010 йилнинг июль ойида математика фанидан ўтказилган 51-Халқаро олимпиадада ҳам 96 та мамлакатдан келган 517 нафар ўқувчи қаторида иштирок этган 6 нафар ўғил-қизимиз 4 та кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритди.

Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!”, деган эзгу фикрнинг ҳаётий ифодасидир.

## ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА

### MENING PEDAGOGIK TAJRIBAM

Muhabbat ERGASHOVA,  
Toshkent shahridagi 60-maktab o'qituvchisi

**Аннотация.** Мақола муаллифи ўзининг педагогик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар билан олиб бориладиган таълимий ишларда қўлланиладиган турли методларни иллюстратив материаллар ёрдамида баён қилган, ўқувчиларга бериладиган топшириқларни даражаларга бўлиб тақдим этиш тафсилотлари ёритилган.

**Калим сузлар:** дарс, тажриба, метод, ёндашув, ўқувчи, билим, назорат, баҳолаш, даража, машқ, блий-сўров.

**Аннотация.** Автор в своей статье, основываясь на личный педагогический опыт, излагает особенности различных методов, применяемых в процессе обучения, приводит иллюстративные материалы, освещает особенности заданий различного уровня сложности.

**Ключевые слова:** урок, опыт, метод, подход, ученик, знание, контроль, оценка, степень, упражнение, блиц-вопрос.

**Annotation.** In article this author based on personal teaching experience, presents features of various methods used in the learning process, leads illustrative materials, and highlights particular tasks of various levels of complexity.

**Keywords:** lesson, experience, method, approach, student, knowledge, monitoring, evaluation, degree, exercise, prompt question.

Bilim bir qanot bo'lsa, tarbiya – ikkinchi qanot bo'lib, faqat shu ikki qanot bilan farzandlarimiz yetuk inson bo'lib yetishadilar. Shu sababdan men darslarimda buyuk ajdodlarimiz qoldirgan noyob asarlariga, hikmatli so'zlariga, iboralariga ham murojaat qilib turaman. O'z pedagogik

faoliyatimda an'anaviy va noan'anaviy dars berish usullaridan foydalanaman. An'anaviy darslarimda ham yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llayman. Masalan, darsning tashkiliy qismidanoq muammoli vaziyatni vujudga keltirib, o'quvchilarning diqqatini o'zimga jalb

qilib olaman:


- Hozir kuz fasli. Bugun yakshanba.

Ular meni to'g'rilashga harakat qilishadi, eshitmaganlari esa boshqa o'quvchilarning nimaga bahslashayotganini bilmay diqqatlarini jalb qiladilar. Darsning takrorlash qismida, ya'ni uy vazifasini tekshirishda esa „Zanjir“ usulini qo'llayman. Bu usul o'tilgan qoidani, she'r, mashq yoki matnni so'zlab berishda juda qulay. Masalan:




Bu metodning natijaviylik tarafi: o'quvchilar sinfdoshlari oldida uyalib qolmasliklari uchun ham yaxshi o'qishga harakat qiladilar.

Yangi mavzuga o'tishdan oldin „Bumerang“ usulini qo'llayman:



Ushbu mavzudagi birinchi savolga o'quvchilarning ko'pchiligi o'ylanib javob berishadi, chunki hamma bolalar ham yashayotgan mahallalarining nomlarini bilishmaydi, „yo'q“ deb javob berishga uyalishadi. Buning natijasida keyingi darsga mahallasining nomini bilib



Siz mahallangiz nomini bilasizmi?

- Ha
- Yo'q

Mahallangiz ko'chalari obodmi?

- Ha
- Yo'q

Mahallangizda hasharlar o'tkaziladimi?


- Ha
- Yo'q

kelishga harakat qilishadi.

Yangi mavzuni tushuntirib berganimdan keyin „Klaster“ usulidan foydalanaman.

Bu usulning natijasida o'quvchilarning qaysi biri mavzuni tushunmaganligini bilib olsa bo'ladi va yangi mavzuni mustahkamlashda aynan shu o'quvchilarga e'tiborimni qarataman.

Darsning mustahkamlash qismida „Sinkveyn“ yoki „Ehrom“ usullarini qo'llayman.



Bu usulning qulaylik tomoni – o'quvchilar osondan murakkabga intiladilar, ya'ni so'z, so'z birikmalaridan murakkab gaplar tuzish ko'nikmalarini hosil qiladilar.

Uyga vazifa berishda differensial yondashishga harakat qilaman. Bu o'rinda ijodiy ishlar berish ham maqsadga muvofiq bo'ladi.

6-sinfda „Bahorgi ishlar. Payt ravishlarining qo'llanishi“ mavzusini o'tganimgdan keyin quyidagi uy vazifasini beraman:

1-vazifa: (oson daraja). Kavsar Turdiyevanning she'rini yod olish.

2-vazifa: (o'rta daraja). Payt ravishlari ishtirokida rasm asosida oltita gap tuzish (rasmi o'quvchilarning o'zlari chizib keladilar).

Alisher Navoiy buyuk yozuvchi bo'lgan

Qanday hikoyalarini bilasiz?

Navoiyning qanday asarini o'qigansiz?

3-vazifa: (yuqori daraja). Payt ravishi ishtirokida mavzuga doir bog'lanishli matn tuzish.

Bulardan tashqari, noan'anaviy darslar ham o'tkazib turaman. Bu darslar dars-muloqot, muammoli dars, interfaol kabi usullardan iborat bo'ladi.

Muloqot darslari o'quvchilarning so'zlash qobiliyatini oshirish, bilim doirasini kengaytirish maqsadida o'tkaziladi. Bu darslar guruhlariga bo'lingan holda amalga oshirilishi ham mumkin.

Muammoli dars o'quvchilar o'rtasida juda qizg'in bahslar bilan o'tadi. Ularning yechimini topishda esa bilimlarga asoslanish kerak bo'ladi, bolalar o'z nuqtai nazarini isbotlay olish ko'nikmalariga ega bo'ladilar.

Interfaol darslar o'tilgan mavzularni takrorlashda ko'proq qo'llanadi. Chorak davomida hamma mavzular yuqorida aytib o'tilgan usullar yordamida takrorlanadi.

"Charxpalak" usuli.

Ta'lim jarayonida rasm, buklet, devoriy gazeta, krossvord, taqdimotlar kabi ko'rgazmali materiallardan foydalanaman.

"Oila a'zolari" mavzusiga doir krossvord.

			O	n	a
b	u	v	l		
	x	o	L	a	
			A	k	a

O'quvchilarning bilimlarini baholashda uy vazifasi, ijodiy ishlar, tarqatma materiallar, nazorat ishlari kabi metodlardan foydalanaman.

Uy vazifasida mashq va topshiriqlardan tashqari matn so'zlab berish, kichik yoki bog'lanishli matnlar yaratishga, she'r, maqol, hikmatli so'zlarni yod olishga e'tiborimni qarataman. Differensial yondashuv orqali o'quvchilarning uy vazifasini ham baholash yengil bo'ladi. Oddiy daraja – "3", o'rta daraja – "4", yuqori daraja – "5" bilan baholanadi.

Ijodiy ishlarda o'quvchilar referat, devoriy gazeta, krossvord, taqdimot, bukletlar tayyor-



lab kelishadi. Tarqatma materiallarning ham har xil turlarini qo'llayman. Lug'at boyligini oshirish maqsadida quyidagi kartochkadan foydalanaman.

1	oftob	хороший
2	kulmoq	солнце
3	odob	улыбаться
4	yaxshi	поведение

Grammatik qoidani qay darajada o'zlashtirganliklarini bilish maqsadida "T" chizmasi asosida "Blis so'rov" o'tkazaman.

7-sinf o'quvchilari uchun


№	Bog'lovchilar	Va	Ammo	Yoki
1	biriktiruv			
2	ayiruv			
3	z i d l o v			

6-sinfda "Buyuk allomalarimiz" mavzusini qay darajada o'zlashtirganliklarini bilish maqsadida esa:

№	Allomalar	Shoir	Astronom	Tabib
1	Ibn Sino			
2	Alisher Navoiy			
3	Mirzo Ulug'bek			

Ushbu "Blis so'rov"larning natijasi juda muvaffaqiyatlidir, o'quvchilarning ham bilimlari baholanadi, ham bilimlaridagi bo'shliqlar yaqqol ko'rinadi. Bu bo'shliqlarni bartaraf etish uchun yaxshi o'zlashtira olmagan o'quvchilar bilan yanada ko'proq ishlashga harakat qilaman.

Yuqorida aytib o'tilgan metod va texnologiyalar mening tajribamda qo'llanib, ta'lim jarayonida o'z isbotini topgan va o'quvchilarning bilim sifati va samaradorligini oshirishga xizmat qilmoqda.



## ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧЕНИКОВ МЕДИЦИНСКОГО КОЛЛЕДЖА

Анвар Жамолов,  
директор Сиабского медицинского колледжа (Самарканд)

**Аннотация.** В работе рассматривается формирование профессиональной компетентности учеников медицинского колледжа.

Определяющим моментом по формированию профессиональной компетентности будущих медицинских работников, явилось изучение мотивов выбора профессии и выявление степени удовлетворенности избранной профессией.

А также приводится анализ анонимное анкетирование учеников 1-3 курсов специальностей «Сестринское дело», «Лечебное дело», «Фармация» медицинского колледжа.

**Ключевые слова:** анкетирование, профессия, профессионализм, компетентность, профессиональная компетентность, медицинский колледж, формирование профессиональной компетентности, самостоятельность, саморазвития.

**Аннотация.** Ишда тиббиёт коллежлари ўқувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш масалалари қаралган.

Бўлажак тиббиёт мутахассисларини касбий компетентлигини шакллантиришда уларнинг касбни танлаш мотивларини ўрганиш ва танланган касбдан қониқиш даражалари аниқланган.

Шунингдек, тиббиёт коллежларининг “Ҳамшира”, “Даволаш иши”, “Фармацевтика” йўналишлари 1-3-курсда ўқувчилари орасида аноним анкеталаш орқали олинган таҳлил ишлари баён қилинган.

**Калитли сўзлар:** Анкеталаш, касб, касбийлик, компетентлик, касбий компетентлик, тиббиёт коллежи, касбий компетентликни шакллантириш, яқкалик, ўзини ривожлантириш.

**Summary.** In work formation of professional competence of pupils of medical college is considered.

The defining moment on formation of professional competence of future health workers, was studying of motives of choice of profession and identification of degree of satisfaction with the chosen profession.

And also the analysis anonymous questioning of pupils of 1-3 courses of the specialties «Nurse Business», «Medical Business», «Pharmacy» of medical college is provided.

**Keywords.** Questioning, profession, professionalism, competence, professional competence, medical college, formation of professional competence, independence, self-development.

Изменения в профессиональном образовании обусловлены объективными требованиями времени и общества. Ведущей стратегией подготовки будущих специалистов становится компетентностный подход, который предполагает не просто трансляцию знаний, навыков и умений преподавателем, а в первую очередь формирование профессиональной компетентности через самостоятельность учеников в решении тех или иных задач [1-4, 7-8].

Современные требования государственного образовательного стандарта диктуют необходимость расширения профиля профессиональной подготовки специалистов среднего специального профессионального образования (ССПО), что влияет на формирование профессиональных компетенций выпускника ССПО учреждений Республики Узбекистан.

В условиях социально-экономических и демографических изменений нашего общества, активного внедрения новых технологий, же-

стокой конкуренции на рынке труда требуются специалисты, обладающие самостоятельностью, инициативностью, мобильностью, готовы включаться в инновационные процессы, заинтересованные в саморазвитии, самосовершенствовании и самореализации [5-6]. Все эти качества формируются не только под влиянием социально-экономических условий сегодняшнего дня, но прежде всего под действием профессионализма преподавателей уже в стенах колледжа [2,5].

Ключевые компетенции необходимы для любой профессиональной деятельности, они проявляются в способности самостоятельно решать профессиональные задачи, уметь выбирать цель, принимать решения в разных контекстах и нести ответственность.

Подготовить конкурентоспособного специалиста на рынке труда – важнейшая задача любого учебного заведения, в том числе и среднего профессионального. Ведь уровень

профессиональной компетентности специалиста важнейший фактор социальной защищенности в условиях рыночной экономики. Профессионал своего дела сегодня – это не просто высококвалифицированный работник, это предприимчивый, мобильный, деловитый, трудолюбивый, быстро адаптирующийся к изменяющимся условиям, самостоятельный, постоянно стремящийся к самообразованию, саморазвитию и самореализации специалист.

Таким образом, на современном рынке труда акцент делается на многостороннее личностно-ориентированное развитие специалиста – профессионала своего дела. Определяющим моментом по формированию профессиональной компетентности будущих медицинских работников среднего звена, явилось изучение мотивов выбора профессии и выявление степени удовлетворенности избранной профессией. С этой целью в нашем учебном заведении было проведено анонимное анкетирование учеников 1-3 курсов специальностей «Сестринское дело», «Лечебное дело», «Фармация».

Ученикам была предложена анкета, в которой помимо трех общих вопросов (год окончания школы, какую школу окончил, любимые предметы в школе) необходимо было ответить на четыре закрытых вопроса, предусматривающих выбор одного из ответов, причем только в предложенной формулировке:

1. Почему Вы поступили в наш медицинский колледж (Данный вопрос ставил своей целью выявление мотивов выбора профессии).

2. При прохождении практики не разочаровались ли Вы в своей будущей профессии?

3. Нравится ли Вам ваша профессия?

4. Хотели бы Вы перейти в другое учебное заведение?

Все эти вопросы ставили своей целью выявление удовлетворенности учеников нашего Сибского медицинского колледжа (Самарканд) своей будущей профессией, которая является косвенным показателем эффективности работы преподавателей колледжа по формированию профессиональной компетентности.

При изучении ответов учеников на наш первый вопрос выявлено, что число учеников, поступивших в наш колледж, имеющих интерес к медицинской профессии, составляет 94,7%.

Большинство учеников, отвечая на этот вопрос, мотивировали свой выбор интересом к биологии и химии (профилирующим предметам) – 83%;

74% учеников объяснили свой выбор тем, что в школе легко давались вышеуказанные предметы;

11,3% поступили в наш колледж по настоянию родителей или друзей и 6,7% попали в колледж случайно.

Если полученные данные сопоставить с мотивом, т.к. именно он является наиболее ценным и оправдывающим при выборе медицинской профессии, то можно сделать вывод, что у большинства учеников (65,8%), особенно первого и второго курсов отсутствует профессиональная направленность личности.

Полученные результаты являются сами по себе тревожным симптомом и свидетельствуют о необходимости научно обоснованной и планомерно организованной профессиональной ориентации учеников с учетом полученных данных. При работе со учениками, которые мотивировали поступление в колледж интересом к профильным предметам необходимо добиться того, чтобы любовь к профильным предметам переросла в любовь к выбранной профессии; но особое внимание следует уделять тем ученикам, которые мотивировали свой выбор случайными обстоятельствами. Параллельно проводя работу с преподавателями колледжа, мы попросили внести предложения по формированию и развитию профессиональной компетентности учеников в стенах колледжа. Данный вопрос вызвал затруднение и 17,6% преподавателей отказались ответить на наш вопрос.

Все остальные предложения можно сгруппировать следующим образом:

25,4% считают, что необходимо работать над формированием профессионализма учеников – будущих медицинских работников среднего звена.

15,9% считают необходимым более творчески подходить к тематике урока (дискуссии, пресс-конференции, доклады ит.д.).

12,5% предлагают больше времени отводить самостоятельной работе учеников, как аудиторной, так и внеаудиторной, что способствует развитию учеников и как профессионала своего дела, и как личности:

10,5% преподавателей обращают внимание на тот факт, что необходимо уже в колледже дать возможность ученикам выявить уровень сформированности профессиональной компетентности, например при отработке профессиональных навыков и умений, при проведении административных контрольных работ и срезов, в форме проведения беседы с пациентами, коллегами.

6,5% считают необходимым введение факультативных занятий либо спецкурса по формированию профессиональной компетентности учеников – будущих медицинских работников среднего звена.

2,3% предлагают шире использовать на занятиях различных технических средств обучения. Помимо опроса преподавателей, мы провели опрос учеников, в анкету которых входил и вопрос о предложениях по формированию их профессиональной компетентности.

Данный вопрос вызвал затруднение у 26,9% респондентов, они не дали никакого ответа.

Остальные предложили следующее:

25,5% учеников считают, что отработка на практических занятиях умений и навыков, а также административные срезы практических умений и навыков, проводимые в колледже являются хорошим стимулом по формированию профессиональной компетентности.

19,5% полагают, что занятия в форме дискуссий и обсуждений будут являться хорошим стимулом по формированию профессиональной компетентности.

12,2% уверены в том, что о профессиональной компетентности необходимо говорить как об отдельном предмете.

10,6% считают обязательным использование на занятиях технического средства обучения.

32,2% полагают, что профессиональная компетентность формируется в непосредственном контакте с пациентами. Сравнительный анализ ответов преподавателей и учеников показал, что мнения по вопросу формирования профессиональной компетентности в основном совпадают.

Это говорит о том, что преподаватели и ученики чувствуют потребность изучаемой проблеме. Обобщая вышеизложенное, необходимо выделить группу критериев, наиболее ярко формирующих профессиональную компетентность будущего медицинского работника среднего звена:

- представление о цели и содержании профессиональной компетентности;
- глубокий интерес к медицинской деятельности;
- психологическая готовность и осознанность заниматься медицинской деятельностью;
- уважительное отношение к пациенту, как объекту своей деятельности;
- постоянное саморазвитие и самосовершенствование.

Данные анкетирования показали, что профессиональная направленность учеников, особенно младших курсов, развита недостаточно, а значит, работа по совершенствованию профессиональной направленности, и формированию профессиональной компетентности учеников колледжа, необходимо совершенствовать. Необходимо искать более действенные методы, которые способствовали бы формированию профессиональной компетентности учеников уже в стенах колледжа, на основе профессиональной направленности, самостоятельной деятельности обучающихся в рамках изучаемой дисциплины, степени удовлетворенности изучаемых предметов.

Выпускник колледжа должен быть готовым самостоятельно и эффективно решать про-

блемы в области профессиональной деятельности, позитивно взаимодействовать и сотрудничать с коллегами и пациентами, стремиться к постоянному профессиональному росту и творческой самореализации, обладать устойчивым стремлением к самосовершенствованию.

Таким образом, процесс формирования профессиональной компетентности – это многофакторное явление, влияющее на дальнейшее личностное и профессиональное становление ученика как профессионала.

#### Литература:

1. Арасланова А.Т. Педагогические условия формирования культуры профессионального общения учеников медицинского колледжа. Вестник Башкирского университета. №2. 2007. -г. — С.125-129.
2. Васильева Л. А. Формирование профессиональной компетентности учеников в условиях медицинского колледжа // Молодой ученый. — 2010. — №11. Т.2. — С. 117-119.
3. Дзугаев К.Г., Шляфер С.И. Пути реформирования сестринского образования. Сестринское дело. 2001. №1. — С. 13.
4. Дранкина А., Дешковская А.: Личные качества медсестры и эффективность сестринского процесса// Сестринское дело. 1997. №2 — С. 28-29.
5. Мухаметзянова Г.В., Ермоленко В.А. Колледж инновационный тип среднего профессионального учебного заведения. – Казань: ИСПО РАО, 2002. – 84 с.
6. Сибирко Л.С., Бондарева И.М. Обучение современным сестринским технологиям на занятиях основ сестринского дела. Мед. помощь. 2000. №1. — С.29 – 31.
7. Слепушенко И.О. Реформирование сестринского дела начинается с образования. Главная медицинская сестра. 2002. №8. — С.13 – 17.
8. Хисамутдинова З.А. Стратегия управления кадрами среднего медицинского образовательного учреждения и сестринской службой здравоохранения. – Казань: Медицина, 2002. – 178 с.

## ХАБАРНОМА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва зирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, бошланғич таълим йўналишида, жумладан, чет тилларни ўрганиш тизимида олиб борилаётган ишларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, тизимга замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, ўқитувчиларнинг ижодкорлиги ва касбий маҳоратларини такомиллаштириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, педагог кадрлар нуфузини ошириш борасида мустақил юртимизда 25 йил давомида эришилган ютуқлар, кенг кўламли ислохотларнинг туб моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида 2016 йил 13-14 июль кунлари “Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш” мавзусида бошланғич таълим ўқитувчилари Форумини ўтказилади.

Форум қуйидаги йўналишда иш олиб боради:

1-йўналиш: Бошланғич таълим жараёнига янги авлод дарслик мажмуалари ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш: муаммо ва ечимлар;

2-йўналиш: Бошланғич таълимда чет тили ва бошқа тилларни ўқитишнинг инновацион технологиялари;

3-йўналиш: Баркамол авлодни маънавий етуқ қилиб тарбиялашда бошланғич таълимнинг ўрни;

4-йўналиш: Бошланғич таълим тизимини замон талабларига жавоб берадиган педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг касбий маҳоратларини ошириш масалалари.

Форум материаллари тўпلام ҳолатида чоп этилади. Форумнинг расмий тили: ўзбек, рус ва инглиз тиллари. Иштирокчилар мақолаларида Форум йўналиши ва мақола мавзуси, қисқача аннотация, муаллиф (манзили, электрон почта) ҳақида маълумот беришлари керак.

Маъруза тезислари матнларини тайёрлаш бўйича талаблар:

1. Матнлар Microsoft Word матн муҳаррири ёрдамида, Times New Roman шрифтида, 14 ўлчамда, А-4 формат қоғозда, 1,5 интервалда, юқори ва пастдан 2 см, ўнгдан 1,5 ва чапдан 3 см қолдирилган шаклда тайёрланиши керак.

2. Сарлавҳанинг ост қисмида муаллиф(лар)нинг исми, отасининг исми ва фамилияси, илмий даражаси, иш жойи кўрсатилади, сарлавҳадан сўнг бир интервал ташлаб асосий матн келтирилади.

3. Тезислар ҳажми А4 форматда 2 ёки 3 саҳифадан ошмаган ҳолда электрон вариантда 2016 йил 10 июнга қадар қабул қилинади.

Талабга жавоб бермайдиган мақолалар чоп этилмайди ва қайтарилмайди.

Форум ишида Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим изланувчилари, методистлари ва бошланғич таълим ўқитувчилари иштирок этишлари мумкин.

Мурожаат этиш учун телефонлар: (0-371) 140-02-26, факс: (0-371) 140-02-26. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти.

E-mail: uzpfitforum16@inbox.uz

ТАШКИЛИЙ ҚУМИТА

## ИНФОРМАЦИОННОЕ ПИСЬМО

13-14 июля 2016 года Министерство народного образования Республики Узбекистан совместно с Министерством высшего и среднего специального образования проводят Форум учителей начального образования на тему “Повышение качества и эффективности учебно-воспитательного процесса через модернизацию начального образования”, посвященный вопросам гармоничного воспитания молодого поколения, повышения качества и эффективности обучения иностранным языкам, широкого внедрения информационно-коммуникационных технологий в систему образования, совершенствования творчества и педагогического мастерства учителя, распространения передового педагогического опыта, обобщения достижений в педагогической науке и практике за 25 лет независимости, пропаганды сущности и значения широкомасштабных реформ в сфере образования.

Работа Форума будет проходить по четырём направлениям:

1-направление: Внедрение в процесс начального образования нового поколения учебных комплексов и современных информационных технологий: проблемы и решения.

2-направление: Инновационные технологии обучения иностранным и другим языкам в системе начального образования.

3-направление: Роль начального образования в воспитании духовно зрелого гармоничного поколения.

4-направление: Вопросы обеспечения системы начального образования педагогическими кадрами, отвечающими современным требованиям, и повышения их профессионального мастерства.

Материалы Форума будут опубликованы в сборнике.

Официальные языки Форума: узбекский, русский и английский. Участники Форума должны обозначить в статье направление Форума и тему статьи, краткую аннотацию, сведения об авторе (Ф.И.О., адрес, данные, электронной почты).

Требования к подготовке текстов:

1. Текст оформляется по редактору “Microsoft Word”, шрифт в “Times New Roman” 14-кегель, формат А-4, через 1,5 интервала, поля сверху и снизу – 2 см, справа 1,5 и слева 3 см.

2. В верхней части страницы под названием текста помещаются инициалы и фамилия автора, учебная степень, место работы, через 1 интервал размещается основной текст.

3. Тезисы в объеме не более – 2-3 страниц формата А4 принимаются в электронном варианте до 10 июня 2016 года.

Статьи, не отвечающие требованиям, публиковаться не будут и не подлежат возврату.

В работе Форума могут принять участие профессорско-преподавательской состав высших и средних специальных образовательных учреждений, старшие научные сотрудники-исследователи, методисты и учителя начальных классов.

Телефоны для справок: (0-371) 140-02-26, факс: (0-371) 140-02-26. Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук им.Т.Н.Кары Ниязи.

E-mail: uzpfitforum16@inbox.uz

Оргкомитет.

# MURABBIY MAHORATI

Мастерство наставника

Skill of the mentor

ILMIY-METODIK, OMMAVIY-MA'RIFIY JURNAL

Тахририят манзили: 100027, Тошкент шаҳри,  
Шайхонтохур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 98-уй,  
Тел/факс: 71-215-50-94,  
e-mail: mmmn2015@inbox.uz

Босмахонага 15.04.2016 йилда топширилди. Офсет усулида чоп  
этилди. Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup> Шартли босма тобоғи 6,4.  
Босма тобоғи 6. Адади 200  
Журнал «RELIEBLE PRINT» босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 2 уй.